

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

З.А. КАДИРОВА

**ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИГРАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ – 2025

UO`S: 875.774.684.33

КВК: 68.29(7)

К-23

Қодирова З.А. Халқаро интеллектуал миграция жараёнлари ривожланишининг замонавий хусусиятлари. -Тошкент “Fan ziyosi” нашриёти 2025 й. – 232 бет.

Мазкур монографияда халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг назарий-услубий асослари, унинг замонавий тенденциялари, интеллектуал миграцияни тартибга солиш масалалари ва мазкур жараённинг АҚШ ва Бирлашган Қироллик мамлакатлари мисолидаги реципиент мамлакатлардаги ҳамда Малайзия, Тайван, Хитой Халқ Республикаси, Хиндистон каби донор мамлакатлардаги хусусиятлари, шунингдек, интеллектуал миграциянинг муҳим йўналишини ташкил қилувчи халқаро талабалар миграциясининг асосий йўналишлари ва истиқболлари таҳлил этилган.

Масъул муҳаррир

и.ф.д., профессор Б.А.Исламов,
Г.В.Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёти университети
филиали профессори

Такризчилар:

и.ф.д., проф. Р.В.Абдуллаев Халқаро
Ислом академияси профессори
PhD, доц. М.Х.Вохидова, ТДШУ “Ташқи
иқтисодий фаолият” кафедраси мудири

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг
2024 йил 26 декабрдаги 5-сонли мажлиси баённомасида нашрга тавсия
этилди.

ISBN: 978-9910-747-65-6

“Fan ziyosi” нашриёти 2025 й.

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва рақамлашув жараёнлари авж олган ҳозирги даврда интеллектуал ресурсларнинг ҳаракати мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтирмоқда. Интеллектуал миграция, яъни юқори малакали кадрлар ва иқтидорли мутахассисларнинг халқаро кўчиш жараёни бугунги кунда жаҳон иқтисодий, илмий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим омилига айланган. Бу жараён ривожланган мамлакатларда янги технологияларни жорий этиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва умумий иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам берсада, донор мамлакатларда юқори малакали кадрларни йўқотишга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш давридаги технологиялар тараққиёти мамлакатлар ўртасида интеллектуал миграция жараёнларининг янги қирраларини очмоқда. Интеллектуал миграция юқори малакали кадрларнинг мамлакатлараро ҳаракатини қамраб олиш билан бирга иқтисодиётларнинг илмий, технологик ва иқтисодий ривожланишига кучли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Осиё мамлакатлари учун "ақлий салоҳият оқими" муаммоси айниқса долзарб бўлиб, бу ҳудуддаги донор мамлакатларнинг илмий-технологик салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

"Ақлий салоҳият оқими" — юқори малакали мутахассисларнинг иқтисодий имкониятлар, инновацион муҳит ёки турмуш сифати юқори бўлган мамлакатларга кўчиши натижасида ўз ватанида иқтисодий ва илмий тараққиётга таъсир кўрсата олмаслиги муаммосидир. Мазкур жараён Осиё мамлакатлари учун айниқса аҳамиятлидир, чунки бу ҳудуддаги ривожланаётган мамлакатлар ўз кадрларини

сақлаб қолиш ва уларнинг фаолиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини қидирмоқда. Шу билан бирга, ривожланган Осиё мамлакатлари – Хитой, Ҳиндистон, Тайван ва Малайзия "ақлий салоҳият оқими" муаммосини "ақллар циркуляцияси"га айлантиришда катта ютуқларга эришмоқда.

Ўзбекистон ҳам халқаро интеллектуал миграция жараёнларида иштирок этиб, бу жараённинг ижобий ва салбий оқибатлари билан тўқнаш келмоқда. Республикада иш ўринларини яратиш ва меҳнат бозорини самарали ташкил этишга қаратилган ислохотлар давом этаётган бўлса-да, юқори малакали мутахассисларнинг чет элга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондан хорижда фаолият олиб бораётган икки миллиондан ортиқ фуқаро мавжуд бўлиб, уларнинг орасида юқори малакалилари ҳам бор. Шу муносабат билан, мазкур муаммо билан бир неча йиллардан бери самарали курашиб келаётган ҳамда унинг салбий оқибатларини камайтириб, ижобий оқибатлари ҳисобига катта фойда кўраётган Осиё мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Айниқса мазкур мамлакатларнинг тажрибаси асосида, юқори малакали кадрлар миграциясини иқтисодий фойдага айлантириш, уларни вақтинча қайтариш ёки транзит тармоқлардаги фаолиятини мамлакат иқтисодиёти учун фойдали йўналишда ташкил қилиш каби чораларни кўриш масалаларини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори малакали кишилар миграциясини тартибга солишда хориж мамлакатлари тажрибасини ўраниш ва унинг асосида илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

“Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги, “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда самара бериши шубҳасиз.

I. БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИГРАЦИЯНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Интеллектуал миграциянинг моҳияти ва хусусиятлари

Замонавий иқтисодий ривожланиш шароитида халқаро меҳнат миграцияси жараёнлари ўзининг малака, касб ва таълим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тобора хилма-хиллашиб бормоқда. Айниқса постиндустриал жамиятга ўтиш ва илм-фаннинг муҳим ишлаб чиқариш кучига айланиши юқори малакали кишилар миграциясига туртки бермоқда. Билимлар иқтисодиётига асосланган мамлакатларда етакчи ғоя ва билимга эга бўлган кишиларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб борганидек, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ҳамда миллий ва интеллектуал хавфсизлиги илғор билимлар ва юқори малакани ўзида мужассам этган интеллектуал капиталга боғланиб қолмоқда. Сўнгги йилларда креатив иқтисодиётга асосланган мамлакатларда фан-техника соҳаси мутахассисларига бўлган талабнинг ортиши, ҳукуматларнинг хорижий олимлар, юқори малакали мутахассислар ва иқтидорли ёшларни жалб қилишга бўлган интилишлари интеллектуал миграция жараёнларини фаоллаштирмоқда.

Интеллектуал миграция бу-юқори малакали мутахассислар, тадқиқотчилар, олимлар ҳамда фан, таълим, технология, муҳандислик, маданият ва STEM соҳаларида билимга эга бўлган кишиларнинг маълум бир ҳудуд доирасида ёки мамлакат ичидаги ташкилотлараро кўчишини англатади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши ҳамда технологиялар ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши меҳнат ресурслари мобиллигига, ўз навбатида интеллектуал соҳа вакиллари ва мутахассисларнинг ўз билим

ва кўникмаларига талаб юқори бўлган мамлакатларга эркин бориб ишлашларига шароит яратмоқда. Туғилиш даражаси қуйи бўлган ва аҳолиси қариб бораётган мамлакатлар қисқариб бораётган меҳнат ресурслари сонини интеллектуал миграция ҳисобига компенсация қилиш билан бирга ўз иқтисодиётига янги билим ва ғояларни жалб қилишга ҳамда мамлакат рақобатбардошлигини оширишга интиломоқда. Ўзларининг ғоя ва билимларини янги бозорларга киритишдан манфаатдор бўлган мутахассислар орасида реципиент мамлакатлардаги инновацион стартапларнинг эгаларига айланаётган тадбиркорларлар сони ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, интеллектуал миграциянинг мамлакатлар ўртасида билим ва тажрибалар алмашувига имконият яратиши- бу соҳадаги оқсашларни ҳал қилиш ҳамда жамиятнинг илмий соҳа тараққиёти ва технологик ўсишга интилишини оширмоқда. Интеллектуал миграция ҳисобига турли ҳил жамиятлардаги маданий хилма-хиллик, креативлик ва самарадорликка асос яратувчи мультимаданий муҳитнинг шаклланиши янги халқаро илмий ва бизнес ҳамжамиятларининг ҳамда глобал тадқиқотлар ва иқтисодий ташаббусларнинг ривожланишига олиб келмоқда. Аммо халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг донор мамлакатлар учун иқтидорли мутахассисларни йўқотиш яъни “ақлий салоҳият” оқими каби муаммоларни юзага келтириши ҳукуматлар, жамият ҳамда бизнес соҳасининг бу борада сергак тортишига ундамоқда.

Шу ўринда интеллектуал миграция тушунчаси остида юқори малакали мутахассислар миграцияси англаниши лозимлигига эътибор қаратиб, юқори малакали мутахассис тушунчасига, унинг таълим даражаси ва касби нуқтаи назаридан ёндашиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз. Аммо аксарият мамлакатларда камида икки йиллик бакалавр даражасига, ундан кейин эса, магистр ва фан доктори илмий

даражаларига эга бўлган кишиларнинг миграциясига юқори малакали кишилар миграцияси ёки интеллектуал миграция сифатида қаралади. Аммо бу борада иқтисодчилар нуқтаи назаридан ёндашадаган бўлсак, маълумотлар таҳлилида фақатгина таълим даражаси билан чекланиб қола олмаслигимизни, бу борада БМТнинг миграция тўғрисидаги ҳисоботларида олий маълумотга эга кишилар 25 ёшдан катта бўлганларгина гуруҳида қайд этилишини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Аммо Беин, Докюр ва Рапорот каби олимлар турли ҳил манбаларда таълим олиш учун келган талабалар ва таълим даражасига эга меҳнат мигрантларини алоҳида гуруҳ сифатида ўрганилмаслиги масалани чигаллаштиришини, шу сабабли маълумотлар базасини шакллантиришда мигрантларнинг ёши ва таълим олган жойини қайд этиш интеллектуал миграциянинг айнан донор мамлакатлар учун оқибатини ўрганишни енгиллаштиради, деб ҳисоблайдилар¹.

Шу ўринда олима Б. Лоулнинг “олий маълумотли” тушунчаси “халқаро жиҳатдан энг “ҳаммабоп” атамалардан бўлгани учун у юқори малакали мигрантлар тушунчаси учун мезон бўла олиши фикрини қўллаб-қувватлаш лозим². Аммо реципент мамлакатлар нуқтаи назаридан бу биров баҳсли. Хусусан, 1990 йиллард Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти- ИХТТ (OECD) томонидан юқори малакали мутахассис бу-университет таълим даражасига ёки унга эквивалент бўлган маълум бир соҳадаги иш стажига эга мутахассис, деган тушунча киритилиб, улар қаторига “мустақил раҳбарлар, юқори даражадаги менежерлар, ихтисослашган техниклар, инвесторлар, бизнесменлар, суб-

¹ Beine, M., Docquier, F., & Rapoport, H. . Measuring international skilled migration: A new database controlling for age of entry. The World Bank Economic Review, 2007. 21(2), 249–254.

² B. L. Lowell. Policies and regulations for managing skilled international migration for work. New York: United Nations, Mortality and Migration Section of the Population Division/DESA.2005.

пудратчилар ва “калит” (муҳим) ишчилар” киритилган³. Бундай ёндашув юқори малакали кадрларнинг профессионал хусусиятларига урғу берар экан, ҳар қандай олий маълумотга эга бўлган мигрант қабул қилувчи мамлакат учун юқори малакали мутахассис бўлмаслиги мумкинлигига ишора қилади. Бу борада Чайка ва Парсонлар ISCO (International Standard Classification of Occupations) яъни Касбларнинг халқаро стандарт классификациясининг 3 та энг юқори рўйхатига киритилган мутахассислар (менежерлар ва юқори мансаба эгалари, профессионаллар ва техника соҳаси мутахассислари)нигина юқори малакали мутахассис деб ҳисоблаш таклифини ўртага ташлаганлар⁴. Бу ўринда бундай ёндашув халқаро миқёсда интеллектуал миграцияни касбий жиҳатдан хусусиятларини ўрганишда қўл келишини таъкидлашимиз мумкин. Аммо юқори малакали мигрантларни нафақат уларнинг таълим даражаси ва кўникмалари, балки уларнинг иш ҳақи даражаси билан аниқлаштириш, бу борада маълум иш ҳақи даражаси чегерасини белгилаш, мазкур чегарадан юқори даражада иш ҳақи олаётган ҳамда олий маълумотли ва маълум бир кўникмаларга эга кишилар миграциясини юқори малакалилар миграцияси деб қабул қилиш борасидаги Борхаснинг фикрлари ўринли. Сабаби у маълум бир кўникманинг қадри турли мамлакатлар кесимида бўлса ҳам, бир хил даражада кадрланишига ва иш берувчи бундай мутахассисларнинг соф қийматини яхши билишига ишонади⁵. Мигрантларнинг малака масаласига айнан таълим ва иш ҳақи мезонидан келиб чиққан ҳолдаги ёндашувга Европа

³ OECD. SOPEMI 1997: Trends in international migration: Continuous annual report. Paris: OECD.1998. P.2.

⁴ Czaika, M., & Parsons, C. R. (2017). The gravity of high-skilled migration policies. Demography, 2017. 54(2). P. 603–630

⁵ Borjas, G. J. The labor-market impact of high-skill immigration. American Economic Review, 2005. 95(2), 56–60

Иттифоқи Мовий Картасини мисол қилиш қилиш мумкин. Шу билан бирга бир қатор олимлар фикрича, фақатгина таълим даражаси ва кўникма ёки малака нуқтаи назаридан мигрантларни гурухлаш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди, юқори малакали ишчи университет таълим даражаси нуқтаи назаридан қараганда кенгроқ ёки торроқ маъно касб этиши мумкин⁶. Бунга доим ҳам олий маълумотга эга бўлмаган спортчилар ёки санъат вакиллари реципиент мамлакат томонидан юқори малакали мигрант сифатида қабул қилиниши ёки касбий таълимга эга бўлган пайвандчилар ва баъзи тиббиёт ходимлари реципиент мамлакатларда энг катта ҳажмда қабул қилинадиган касб эгалари эканлигини мисол қилиш мумкин.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида реципиент мамлакат нуқтаи назаридан мигрантларнинг фақатгина таълим даражаси уни малакасини аниқлашда асосий кўрсаткич бўла олмай қолди, сабаби бугунги кунда қабул қилувчи мамлакатларнинг иммиграция сиёсатида айнан мигрантларнинг кўникмалари уларнинг малакаси учун мезон бўлмоқда ва бирон бир мамлакат меҳнат бозорига кириш учун маҳаллий тизим томонидан мигрантнинг малакасини тан олиниш даражаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки глобал меҳнат бозорлари контекстида “ҳалқаро даражада сотиладиган” кўникмалар ҳақида гапириш билан глобал миқёсда ҳажми чекланган инсон капитали масаласига урғу берилади. Бу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотчи А.Солиmano юқори малакали мигрантларни талабдан келиб чиқиб қуйидагича таснифлашни таклиф қилади⁷:

⁶ Beach, C. M., Green, A. G., & Worswick, C. (2007). Impacts of the point system and immigration policy levers on skill characteristics of Canadian immigrants. In *Immigration*. 2007. P. 349–401.

⁷ Solimano, A. *The international mobility of talent*. New York: Oxford University Press.2008.

- Тадбиркорлар, муҳандислар ва техниклар каби махсулдор (юқори самара келтирувчи) иқтидорлилар гуруҳи бўлиб, уларнинг фаолияти тўғридан-тўғри товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилган;
- Академик (билвосита) иқтидор эгалари сифатидаги олимлар, тадқиқотчилар, илмий тадқиқот лойиҳалари раҳбалари. Улар асосан университетлар, илмий тадқиқот ва таҳлилий марказларда фаолият кўрсатиб, натижаси тижорий қимматли махсулотлар ва ресурсларга айланадиган илмий билимларни ишлаб чиқиш ёки унга эга бўлиш билан шуғулланадилар;
- Врачлар, ҳамширалар ва ўқитувчилар кабилардан иборат бўлган ижтимоий соҳадаги иқтидорли кишилар бўлиб, улар ижтимоий соҳадаги муҳим хизматларни кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Аммо шу ўринда 2000 йилда ИХТТ ўзининг юқори малакали мигрантлар тўғрисидаги ҳисоботида халқаро талабалар категориясини ҳам қўша бошлаганини таъкидлаш жоиз. Бунга сабаб мигрант талабалар оқими мамлакат учун потенциал жиҳатдан юқори малакали мигрантлар гуруҳини шакллантиришидир. Уларнинг мамлакат тили, ҳаёти ва маданиятига мослашишлари, ҳукумат талаби даражасидаги билимга эга бўлишлари ҳамда талабалар ўртасидаги алоқалар келажакдаги юқори малакали кадрлар миграциясига ва уларнинг циркуляциясига тўртки беради. Бу ўринда П. Рагхурамнинг талабалар миграцияси “билимлар миграцияси”нинг муҳим компоненти эканлигига ҳам урғу бериши ўринли⁸.

Интеллектуал миграциянинг яъни юқори малакалилар миграциясининг XX ва XXI асрлардаги тарихи 3 та босқичдан иборат:

⁸ King, R., & Raghuram, P. International student migration: Mapping the field and new research agendas. *Population, Space and Place*, 2013.19(2), P.127–137.

1. *Эрта босқичда*, юқори малакали кишиларнинг халқаро ва ички келишмовчиликлар туфайли салбий “итариб чиқарувчи” омиллар шароитида юзага келган кутилмаган кўчишлари кузатилган;

2. *Саноатлашган босқичда*, давлатларнинг саноатлаштириш сиёсати фонида мутахассиларни “териб» олишга қаратилган даврда кузатилган;

3. *Глобал босқич* эса, кенгайиб бораётган регионаллашув, тарнсмиллийлашув ва бозорларнинг глобаллашуви шароитида кузатиляпти.

Интеллектуал миграциянинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Иқтисодий имкониятлар. Реципиент мамлакатдаги юқори иш ҳақининг жозибадорлиги, қўшимча рағбатлантиришлар ҳамда карьера пиллапояларида кўтарилиш имкониятлари.

Илмий тадқиқот имкониятлари. Илғор илмий тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш, энг янги технологиялар ва имий манбалардан фойдаланиш.

Таълим ва илмий-технологик ресурслар. Жозибадор, сифатли таълим йўналишларида олий маълумотга эга бўлиш ҳамда ривожланган илмий манбалар ва инновацион технологияларга эга мамлакатларда ўқиш ёки ишлаш.

Бизнес-муҳит. Фаол ва барқарор халқаро ҳамкорлик алоқаларига, жаҳон бозорларига чиқиш ва инвестицион имкониятларга ҳамда стартаплар ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватланишига эришиш.

Турмуш даражаси. Юқори турмуш даражаси, меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитлар, сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик ва сиёсий барқарорлик омиллари.

Маданий хилма-хиллик. Хилма-хилликни кадрловчи ва ўз тажрибасини бойитишни истовчи кишилар учун турли хил маданий ва ижтимоий имкониятларнинг жозибадорлиги.

Миграция сиёсати. Реципиент мамлакатнинг иммиграция сиёсатининг шаффофлиги ва мослашувчанлиги.

Интеллектуал миграция нафақат фан ва техника соҳаси мутахассислари, балки ижодкор зиёлиларнинг миграциясини ҳам англатади. Бу борада интеллектуал миграциянинг асосий сабаби юқори мамлакали кадрлар учун юқори иш ҳақи ва турмуш даражасига интилиш ва ўзларини тўлиқ намоён этиш имконияти бўлиши билан бирга, мазкур жараёнда технологик муҳитнинг юзага келиши муносабати билан ижтимоий мобиллик имкониятларининг кенгайишини унутмаслик лозим. Хусусан, бу борада Европа Иттифоқи ҳудудида умумий компетенцияларга эга бўлиш имконини берувчи Болония таълим тизимига ўтилиши минтақа ичидаги интеллектуал миграция жараёнларини енгиллаштирди⁹. Шу ўринда тадқиқотчилар ҳар қандай яратувчилик фаолиятини маълум бир ижтимоий шароитларни яратмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигига, ходимнинг интеллектуал-креатив энергияси унинг табиий ижодкорлик қобилиятларини шакллантирган ва ривожлантираётган муҳитга боғлиқ бўлишини таъкидлайдилар¹⁰.

Шу ўринда юқори малакали кадрларнинг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга томон ҳаракатининг ҳам кузатилиши бевосита трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши билан изоҳланади.

⁹ Н.Равочкин. Интеллектуальные миграции в современном мире// Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, № 17 (19), 2023. С.60.

¹⁰ Мельников, О.Н. Управление интеллектуально-креативными ресурсами наукоемких производств / О.Н. Мельников. – М.: Креативная экономика, 2010.С.156. Бу ҳақида қаранг: Д.А. Феоктистов. «Утечка мозгов» как специфика креативной экономики в системе мирохозяйственных связей// Проблемы экономики и менеджмента. № 4 (32) – 2014. С.111.

Microsoft, Apple каби ахборот технологиялари соҳасидаги йирик ТМКлар юқори малакали кишиларга географик ва сиёсий чегараларни ҳисобга олмасдан ҳам ўз фаолиятларини амалга ошириш имкониятларини яратмоқда. ТМКларнинг бевосита иштироки асосида информатика, ҳисоблаш математикаси ва кибернетика каби факультетларга эга бўлган жаҳоннинг етакчи университетлари ахборот технологиялари ва унга турдош бўлган жаҳон меҳнат бозори тармоқлари учун мутахассис тайёрлаш мақсадида умумий глобал тармоққа бирлашганлар. Мазкур соҳа вакиллари ривожланган мамлакатлардаги вақтинчалик юқори малакали ишчи кучининг энг мобил қисмини ташкил этади. Шу билан бирга мазкур соҳадаги йирик компанияларнинг малака сертификати энг етакчи университетларнинг дипломи ва илмий даражасидан кам бўлмаган ҳолда қадрланади.

Интеллектуал миграция жараёнларини унинг характери ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, академик, бизнес, профессионал ва талантлар миграциясига ажратиш мумкин. Хусусан, *академик миграция* қуйидаги турларга бўлинади:

- Таълим миграцияси. Кишиларнинг таълим имкониятларини излаш, илмий даражалар олиш мақсадидаги кўчишлари бўлиб, мазкур миграция доктор илмий даражасига эга бўлган ёш олимларнинг илмий тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш мақсадидаги миграцияси бўлиши *постдокторлик миграциясини* ҳам ўз ичига олади.
- Олимлар алмашинуви. Университет профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчиларнинг илмий ва техник лойиҳаларда ҳамда инновацион экотизимларда иштирок этиш ҳамда билим ва кўникмаларни алмашиш мақсадидаги миграцияси.

Профессионал миграция эса, бошқа мамлакатларда таклиф этилаётган юқори малакани талаб этувчи иш жойларини эгаллаш учун мутахассислар мобиллигини англатиб, у қуйидаги кўринишларга эга:

- ИТ мутахассислар миграцияси. Ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларнинг иш ҳақи ва меҳнат қилиш шароити юқори бўлган мамлакатларга миграцияси.
- Муҳандислар ва тадқиқотчилар миграцияси. Техника йўналишидаги таълим даражасига эга бўлган кишиларнинг хориж мамлакатларидаги инновацион ва илмий-тадқиқот лойиҳаларидаги иштироки.
- Экспертлар миграцияси. Маълум бир тармоқнинг етакчи мутахассисларининг хориж мамлакатларидаги лойиҳаларда консультант сифатида иштирок этишлари.

Тадбиркорлар ва инвесторлар миграциясини ўз ичига олган *бизнес миграцияси* эса, қуйидаги шаклларга эга:

- Тадбиркорлик миграцияси. Реципиент мамлакатда яратилган қулай имкониятлардан келиб чиққан ҳолда кишиларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйиш мақсадидаги миграцияси.
- Инвесторлар миграцияси. Инвесторларнинг хориж мамлакатларидаги мавжуд конмпанияларга инвестиция киритиш ёки стартап-лойиҳаларида иштирок этиш мақсадидаги миграцияси.

Саънат ва маданият соҳаси намоёндаларининг миграциясини кўзда тутувчи *талантлар миграцияси* эса, қуйидаги кўринишларга эга:

- Рассомлар, мусиқачилар ва спортсменлар миграцияси. Ижодкорлар ва спорт усталарининг ўз ижоди ва карьераси учун яхшироқ имкониятлар ва аудитория излаш мақсадидаги миграцияси.

- Маданий алмашинув миграцияси. Санъат ва маданият соҳасидаги кишиларнинг халқаро лойиҳалар, кўргазма ва фестивалларда иштирок этиш учун кўчиб ўтишлари.



1.1. Расм. Интеллектуал миграция (юқори малакалилар миграцияси) таснифи¹¹

Интеллектуал миграция турли ҳил шаклларга эга бўлиб, уларни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш мазкур жараённинг жамият, фан ва иқтисодиётга таъсир самарасини ижобий томонган ўзгартириш мумкин.

Интеллектуал миграциянинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан изоҳланади:

Таълим даражаси. Юқори малакали мигрантлар аксарият ҳолларда камида магистр академик даражасига эга бўлиб, улар илм-фан, технология, муҳандислик, тиббиёт, бизнес ва STEM каби соҳа мутахассислари ҳисобаланадилар.

Глобал тақсимот. Юқори малакали мутахассислар миграцияси бутун дунё бўйлаб тарқалган бўлиб, улар асосан барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган мамлакатларга кўчиб ўтадилар. Интеллектуал миграция марказлари ҳисобланмиш АҚШ, Канада, Австралия ва Буюк Британияда жами юқори малакали мигрантларнинг 2/3 қисми тўпланган¹².

¹¹ Расм муаллиф томонидан тузилган

¹² Миграция и «утечка мозгов». Доклад об экономике региона ЕЦА, осень 2019 года. Всемирный

Иқтидор ва билимлар иқтисодиёти. Интеллектуал миграция билимлар иқтисодиётининг муҳим қисми ҳисобланади. Чунки билимлар ва профессионалларнинг кўникмалари инновациялар, илмий тадқиқотлар ва технологияларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу орқали интеллектуал миграция янги иш ўринларини яратишга, иқтисодий ўсишга ҳамда мамлакат рақобатбардошлигининг ортишига туртки беради.

Халқаро рақобатбардошлик. Интеллектуал миграция жараёнларида иштирок этаётган мамлакатлар ва ташкилотларнинг энг яхши “ақл эгалари” ва мутахассиларни жалб қилиш учун рақобатлашишлари инновациялар ва тараққиёт учун қулай шароитни юзага келтиради. Малакали мутахассиларни жалб қилишга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги глобал рақобат малакали кадрларнинг муваффақияти ва интеграциялашувини енгиллаштиришга қаратилган сиёсат ва ташаббусларни қўллаб-қувватланишига туртки беради.

Виза дастурлари. Юқори малакали кадрларни жалб қилишдан манфаатдор бўлган мамлакатлар бундай мигрантлар учун уларнинг мамлакатда доимий қолишлари, баъзан эса, фуқароликка эга бўлишлари учун имкон берувчи соддалаштирилган иммиграция тартибларини таклиф қиладилар.

Маданий хилма-хиллик. Турли хил маданиятга эга бўлган кишиларнинг миграцияси муаммоларни ҳал қилишга қаратилган турлича ёндашувларни тақдим этган ҳолда жамиятда маданий алмашув ва хилма хиллик юзага келтириш билан бирга креативлик ҳамда новаторлик учун имконият яратади.

Ижтимоий интеграция муаммолари. Тил, маданият ва урф-одатлардаги фарқлар миграцияни амалга ошираётган мутахассислар учун ижтимоий интеграция муаммоларини юзага келтириши, бу эса ўз навбатида уларнинг профессионал мослашувлари ва шахсий ҳаётларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Реципиент мамлакат фаровонлиги. Юқори малакали мутахассисларнинг миграцияси иқтисодиёт тармоқлари, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ҳамда махсус кўникмаларни талаб қилувчи тармоқларнинг ривожланишига туртки бериши билан реципиент мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги ортади.

Донор мамлакатларда иқтидорларнинг йўқотилиши. Донор мамлакатлардан юқори мамлакали кадрларнинг чиқиб кетиши иқтисодий ўсиш суръатларининг қисқаришига замин ҳозирлайди.

Ахлоқий масалалар. Мигрантларнинг ўзлари таълим олган, ривожланиш даражаси қуйи бўлган мамлакатни ташлаб, ишлаш учун ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларга кўчиб кетишлари донор мамлакатлар учун “мия дренажи” каби ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради.

Интеллектуал миграция бу- олий маълумотли ёки профессионал кадрларнинг яхшироқ иш ҳақи ва турмуш даражасига эга бўлиш мақсадида бир мамлакатдан ёки иқтисодиёт тармоғи ёки соҳасига кўчишини англатади¹³. Ўтган асрда фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаси вакилларнинг оммавий миграцияси ҳукуматларни мамлакат таълим тизимини ривожлантиришга ва аҳолининг билим даражасини оширишга доир хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундади.

¹³ Митин Д.Н. Интеллектуальная миграция: сущность, последствия и пути решения//Вестник РУДН.

Серия Политология. 2011. Номер 1. С. 41.

Бу сайъи-ҳаракатлар жаҳон иқтисодиётида тил билан боғлиқ муаммоларнинг қисқаришига ва кишиларнинг халқаро мобиллигини ортишига олиб келмоқда. Шу тариқа юқори малакали кадрларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши шароитида халқаро меҳнат бозорининг янги сегменти шаклланди.

Интеллектуал миграцияга қуйидаги концепциялар доирасида назар ташланади¹⁴:

1) *brain exchange*, яъни билим ва тажриба алмашувини англатиб, у “ақлий салоҳиятнинг ортиши ёки кириб келиши” (*brain gain*) ва “ақлий салоҳият оқими” (*brain drain*) жараёнларини ўз ичига олади. Мазкур концепциянинг моҳияти мигрантларнинг касби ва малакасидан келиб чиққан ҳолда, ўз меҳнатларини жорий қилиш учун янги иш жойи қидиришлари билан изоҳаланади. Мазкур концепция доирасида донор ва реципиент мамлакатдаги билим ва тажриба алмашинуви имконияти ва ҳолати тушунилади. “Ақлий салоҳият оқими” бу- малакали, интеллектуал ва ижодий меҳнат билан банд бўлган кадрларнинг ҳамда талабалар ва стажёрлар каби потенциал мутахассисларнинг мамлакатдан чиқиб кетишини англатади. “Ақлий салоҳият оқими” тушунчаси 1950 йилларда инглиз олимларининг оммавий равишда АҚШга кўчиб ўтиши шароитида юза келган. 1950-1960 йиллар давомида АҚШ 100 минг нафарга яқин юқори малакали кадрларни жалб қилиш эвазига ўз иқтисодиёти ва илм-фани соҳасида сезиларли ўсишга эга бўлди. АҚШдаги икки жаҳон уришидан кейин яратилган янги технологияларнинг аксарияти асосан Европа мамлакатларидан “импорт қилинган” олимларнинг фундаментал тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилди. Ўз навбатида “ақлий салоҳиятнинг кўчиб кетиши” муаммосига

¹⁴ Белов Ф.Д. Международная интеллектуальная миграция: особенности, роль и значение на современном этапе// Вестник РУДН, серия Экономика, 2010, № 2. С.44,45.

учраган Германия, Буюк Британия, Франция, Италия каби Европа мамлакатлари ўз иқтисодиётларини ривожлантириш учун ривожланаётган мамлакатлардаги юқори малакали кадрларни жалб қилишга мажбур бўлиб қолдилар¹⁵. Шу тариқа донор мамлакатлар “ақлий салоҳият оқими” муаммосини бошдан кечира бошладилар. Кадрларнинг мамлакатдан чиқиб кетишининг асосий сабаби бу – истиқболни кўра олмаслик, олимнинг ижтимоий мавқеъи ва молиялаштириш каби ўзаро боғлиқ бўлган муаммолардир. Молиялаштиришнинг етарли даражада бўлмаслиги илмий-техник ходимнинг моддий ҳолатини ёмонлашувига ва унинг илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришга бўлган интилишининг сусайишига олиб келади¹⁶. “Brain gain” яъни “Ақлий салоҳиятнинг кириб келиши” тушунчаси эса, биринчи мартта америка ва швед тадқиқотларида тилга олинган бўлсада, аммо 1980 йилларнинг охири 1990 йилларнинг бошига келибгина у оммалаша бошлади. “Ақл эгаларининг” ватанларига қайтишини англатувчи мазкур тушунчанинг асосий гипотезаси, учинчи дунё мамлакатларидаги интеллектуал ва техник элитанинг индустриал мамлакатлар томон миграцияси уларнинг ўз ватанларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг потенциалини намоён этиши билан изоҳланади¹⁷.

2) brain waste, яъни “ақлий салоҳиятнинг зое кетишини”ни англатиб, юқори малакали кадрнинг мамлакатни тарк этиши донор мамлакат учун меҳнат ресурсларини йўқотилишинигина эмас, балки мамлакатда турмуш даражасининг пасайиши ва

¹⁵ .Ю. Леденева. Интеллектуальная миграция: мировые и российские тенденции//Высшее образование в России.2014 .№2. С.106.

¹⁶ Сауткина В. Приостановить «утечку мозгов» посредством создания условий для их «циркуляции» в России / А. Сеуткина // Человек и труд. – 2012. –№ 4. С. 42.

¹⁷ Hunger U. The "Brain Gain" Hypothesis: Third World Elites in Industrialized Countries and Socioeconomic Development in their Home Country. – 2002//
<https://escholarship.org/content/qt9jh5k800/qt9jh5k800.pdf>

ривожланишнинг потенциал имкониятларининг қисқаришига олиб келади. Америкалик социологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, илмий-техник соҳадаги бир нафар юқори малакали кадрни тайёрлаш донор мамлакат учун тахмина 800 минг АҚШ долларига тушади¹⁸.

3) *Reverse brain drain*, яъни “тескари мия дренажи” ёки “ақлий салоҳиятнинг ортга қайтишини”ни англатиб, бу жараён йирик компанияларнинг товар ва хизматлар ишлаб чиқишини нисбатан арзон ишчи кучи ва қулай ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлган мамлакатларга ўтказиши натижасида юзага келадиган капиталлар миграциясига туртки беради. “Тескари мия дренажи” глобал интеллектуал ресурсларни ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш сиёсати учун қўшимча омил бўлиб, халқаро муносабатларнинг ривожланишига туртки беради¹⁹.

Хулоса қилиб айтганда, ахборотларнинг глобаллашуви шароитида ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлардаги яшаш ва меҳнат қилишнинг нисбатан юқори стандартлари қолган мамлакатлардаги интеллектуал элита учун борган сари имконбоп бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан бир томондан, юқори малакали кадрларнинг ўз даромадлари ва турмуш даражаларини ошириш учун реал имкониятларнинг юзага келиши, бошқа томондан эса, иқтисодиёти ва глобал рақобатбардошлиги тобора “ақллар”нинг кириб келишиги боғлиқ бўлиб қолаётган мамлакатларнинг интеллектуал мигрантларни мақсадли равишда жалб қилиш сиёсати юқори малакали кишилар миграциясини юзага келтирмоқда.

¹⁸ Papademetriou D. The Role of Immigration in Fostering Competitiveness in the US. / D. Papademetriou, M. Sumption. – Washington, DC: IMP, 2011. P.27.

¹⁹ В.Ю. Леденева. Интеллектуальная миграция: мировые и российские тенденции//Высшее образование в России.2014 .№2. С.109.

Интеллектуал миграция- жаҳон иқтисодиёти, таълим ва маданият каби соҳаларга жиддий таъсир кўрсатувчи мураккаб ва кўпқиррали жараён бўлиб, у мазкур жарёнда иштирок этувчи барча мамлакатлар ва мигрант мутахассисларнинг манфбатларини ҳисобга олувчи оптимал ёндашувни ишлаб чиқишни тақазо этади, дея хулоса қилиш мумкин.

1.2. Интеллектуал миграцияни тадқиқ этишнинг концептуал асослари

Халқаро интеллектуал миграцияни ўрганишнинг аҳамиятини унинг жамиятдаги муносабатлар ривожланишининг замонавий тенденцияларини намоён этиш хусусиятига эга эканлиги ҳамда айнан юқори малакали кадрларга бўлган талаб иқтисодий, сиёсий, меҳнат ва бошқа муносабатларга жиддий таъсир кўрсатиши билан изоҳлаш мумкин. Интеллектуал миграция соҳадаги илмий тадқиқотлар мазкур жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларига қаратилган бўлиб, мазкур ёндашувларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. *Юқори малакали кадрларнинг миграциясига турки берувчи иқтисодий шарт-шароитлар* масаласи борасидаги аксарият тадқиқотларда халқаро меҳнат миграцияси тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳам индивидуал, ҳам оилавий қарор сифатида қаралади. Янги Зеландия ва Австралидаги филиппинлик мигрантлар мисолида юқори малакали миграция сабабларини тадқиқ этган олим Шелия В. Сиар унгача бўлган тадқиқотлар мазкур омилларни табиий равишда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий характер касб этадиган “итарувчи” ва “жалб қилувчи” омилларга ажратишини таъкидлайди. Хусусан, юқори малакалилар миграциясининг “итарувчи” омилларига донор мамлакатдаги кам иш ҳақи, ортиқча иш соати учун ҳақ тўланмаслик, паст

сифатли тиббий суғурта, ишнинг ҳаддан ортиқ катта ҳажмда бўлиши, атроф-муҳитда стресснинг кучли эканлиги, қуйи тараққиёт, имкониятларнинг чекланганлиги, давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига етарлича маблағ ажаратилмаслиги ва мамлакатдаги иқтисодий ёки ижтимоий-сиёсий беқарорлик каби омилларни киритади. Ўз навбатида мазкур жараённинг “жалб қилувчи” омилларига нисбатан юқори даромад, қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар, билим ва кўникмаларни ривожлантиришга ва етакчи технологиялардан фойдаланишга бўлган рағбат кабилар киради²⁰. Тиббий ходимлар мисолида юқори малакалилар миграциясини тадқиқ этган Шелия В. Сиар ўтказган сўровномалар натижаси айниқса тор мутахассислар учун уларнинг хориждаги профессионал хамкасблари билан мулоқот қилиш, академик муҳитда ишлаш, ўз соҳалари бўйича тараққиёт билан ҳамоҳанг ривожланиш имкониятлари ҳам уларни миграцияга жалб қилишини кўрсатган. Шу ўринда юқори малакали кишиларда ўз оила аъзолари билан билан кўчиб ўтиш имкониятининг кенглигини ҳисобга олган ҳолда, уларда фарзандларига сифатлироқ таълим бериш, уларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш рағбати ҳам муҳим роль ўйнайди²¹.

Юқори малакали кишиларнинг хорижда ишлаш ёки таълим олишга кучли иштиёқи уларни кўп куч сарфлашларига туртки беради. Бу борада Ж.Хант таълим визаси ёки стажёр виза билан кириб келган иммигрантлар кейинчалик маҳаллий аҳоли ёки мамлакатга бошқа мақсадларда кириб келган иммигрантлардан кўра кўпроқ билимга эга бўлишлари ва

²⁰ F.Lorenzo, Jaime Galvez-Tan, K.Icamina, L.Javie. Nurse Migration from a Source Country Perspective: Philippine Country Case Study//Health Services Research. 2007 Jun; 42(3 Pt 2): P.1412.

²¹ Sheila V. Siar. Skilled Migration, Knowledge Transfer and Development: The Case of the Highly Skilled Filipino Migrants in New Zealand and Australia//Journal of Current Southeast Asian Affairs. 2011. Volume 30, Issue 3//

улардан кам бўлмаган иш ҳақи билан таъминланишларини таъкидлайди²².

2. *Интеллектуал миграция жараёнларининг иқтисодий оқибатлари, яъни унинг самарадорликни ортишига ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган хусусиятлари* америкалик олим Ж.Борхас томонидан ўрганилган бўлиб, у интеллектуал миграциянинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда маҳаллий иш ҳақиға таъсирига урғу берган. Хусусан, унинг тадқиқотлари иммиграция ҳисобига докторлик илмий даражасига эга бўлганлар улушининг 10%га ортиши мазкур соҳадаги маҳаллий кадрлар иш ҳақининг ўртача 3-4%га камайишига олиб келишини, мазкур қисқаришнинг тахминан ярми мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатиш учун қабул қилинган соҳалардаги нисбатан кам иш ҳақиға эга фан докторлари ҳисобига юз берганини кўрсатади²³. Аммо шу ўринда ўз тадқиқотларида қисқа муддатда иммиграциянинг маҳаллий иш ҳақиға таъсири даражасини 0 га яқин эканлигини, узок муддатда эса, аксинча у меҳнат самарадорлиги ва иш ҳақиға ижобий таъсир кўрсатиши изоҳловчи Ж.Перининг ҳам ёндашувлари эътиборга молик. У иммигрантларнинг малака даражасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг маҳаллий иш ҳақиға таъсирини баҳолаш мумкинлигини, хусусан, паст малакали мигрантлар мазкур соҳада ишлаётган маҳаллий ишчилар учун рақобатчи бўла олмаслигини, аксинча юқори малакали иммигрантлар кўпчиликни ташкил қилган корхоналарда бошқа соҳа вақиллари учун талабни юзага келтириши ва бу янги иш ўринларини яратишга, корхонанинг кенгайишига ҳамда унинг

²² J.Hunt. Which immigrants are most innovative and entrepreneurial? Distinctions by entry visa. Working paper 14920. National bureau of economic research.2009. P.26-27

²³ G.Borjas. Immigration in High-Skill Labor Markets: The Impact of Foreign Students on the Earnings of Doctorates. NBER Working Paper No. 12085.March 2006. JEL No. J23, J61. P.4.

янги жиҳоз, бинолар ва хизматларга инвестиция киритишига туртки бериши, шунингдек юқори малакали иммигрантларнинг корхонага келиши маҳаллий ишчилар учун бошқарув мансабларини эгаллаш имкониятини яратишини таъкидлаган²⁴.

Шунингдек, юқори малакали мигрантларни импорт қилиш реципиент мамлакат учун вақт ва маблағни тежаш имкониятини яратиши борасидаги қарашларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Чунончи, 2001-2002 йилларда Австралияда битта мухандисни етиштириш учун тахминан 560 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция зарур бўлган. Бу борада ярмидан кўпи ривожланаётган мамлакатдан бўлган 45500 нафар юқори малакали мигрантни импорт қилиш эвазига инсон капиталини шакллантириб олган австралия иқтисодиёти мутахассисларни мамлакатда тайёрлаш учун кетадиган 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағни тежаб қолган²⁵. Олимларнинг фикрича, хаттоки ёпиқ иқтисодиёт шароитида ҳам хорижлик ИТ мутахассисларининг инновацияга қўшадиган ҳиссаси уларнинг маҳаллий меҳнат бозоридаги ишчиларга бўлган салбий таъсирини қоплашга қодир.

Дж. Баунд, Г. Ханна ва Н. Моралеслар ҳам ўзларининг “Н-1В дастурининг АҚШга иқтисодий таъсири” номли тадқиқотларида юқори малакали мигрантларнинг мамлакатдаги юқори малакали ва паст малакали кадрларнинг даромадларига, умумий истеъмол ва иқтисодий ўсишга эътибор қартганлар. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, юқори малакалилар иммиграцияси АҚШда аҳоли даромадларининг ортишига, ИТ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг

²⁴ G.Peri. Do immigrant workers depress the wages of native workers? ? IZA World of Labor 2014: 42.P.5

²⁵ Д.А. Феоктистов. Утечка мозгов» как специфика креативной экономики в системе мирохозяйственных связей// Проблемы экономики и менеджмента. № 4 (32) – 2014. С.113.

кенгайишига ва уларнинг нархларини арзонлашуви ҳисобига мазкур соҳанинг ривожланишига хизмат қилган. Тадқиқотларнинг натижаси юқори малакалилар иммиграциясининг инновацион жиҳатдан ижобий оқибатлари реципиент мамлакатдаги истеъмолчининг фаровонлигига таъсири мазкур оқибатларни ҳисобга олмаган ҳолатдагига нисбатан бир бир неча баробар юқори²⁶. Шу ўринда Н.Жаимович ва Х.Сюларнинг юқори малакалилар миграциясининг жамиятдаги тенгсизликни қисқаришига хизмат қилиши тўғрисидаги хулосалари ҳам эътиборга молик²⁷.

3. *Юқори малакали кадрларнинг инновация ва тадбиркорликка таъсири масалалари* эса, Ж. Хант ва М. Гаузиерларнинг АҚШ мисолидаги тадқиқотларида ўз аксини топган бўлиб, унда олий маълумотга эга бўлган мигрантларнинг кўп бўлиши мамлакатдаги инновациянинг ривожланишига туртки бериши, хусусан олинган илмий натижалар иммигрантлар томонидан қўлга киритилган инновацион ишланмалар учун патентлар сони маҳаллий мутахассисларнинг патентларидан икки баравар кўп эканини ҳамда иммигрантлар улушининг 1%га ортиши мамлакатдаги жон бошига тўғри келадиган патентлар улушини 15%га ортишига олиб келиши исботланган²⁸. АҚШда олинган халқаро патентлар эгаларининг чорак қисмини хорижликлар ташкил қилишига эътибор қаратган В.Вадва юқори малакали мигрантларнинг реципиент мамлакат иқтисодиётининг кенгайишига, янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда

²⁶ John Bound, Gaurav Khanna, and Nicolas Morales. Understanding the Economic Impact of the H-1B Program on the U.S. NBER Working Paper No. 23153 February 2017. P.2, 43.

²⁷ Nir Jaimovich, Henry Siu. High-Skilled Immigration, STEM Employment, and Non-Routine-Biased Technical Change. NBER Working Paper No. 23185. February 2017. Massachusetts 2017. P.25.

²⁸ J. Hunt, M. Gauthier-Loiselle. How Much Does Immigration Boost Innovation? NBER Working Paper No. 14312 September 2008 JEL No. J61, O31. P.2.

инновациларнинг жорий қилинишига қўшадиган хиссасини беқиёс, деб ҳисоблайди. У АҚШнинг глобал рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун дунёнинг энг билимли кишиларини жалб қилиш, шунингдек АҚШ маданияти ва кадриятларини тушунадиган битирувчи хорижлик талабаларнинг мамлакатда қолиши ва “илдиз олиши”дан ҳукумат манафаатдор бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Унинг тадқиқотларида 1995-2005 йиллар оралигида АҚШда ташкил этилган технология ва муҳандислик соҳасидаги корхоналарнинг 25%ида, Силикон водийсидаги бундай компанияларнинг 50%ида камида битта муҳим акциядор хорижликлар бўлгани²⁹, уларнинг 96%и математика, технология, муҳандислик соҳалари бўйича бакалавр, 75%и эса, магистратура ёки PhD академик даражасига эга эканлиги аниқланган ³⁰. Бу борада Ж.Хант ҳам ўз тадқиқотларида талабалик ёки стажерлик визаси билан кириб келган маълумотли иммигрантлар кейинчалик иш ҳақи даражаси, патентларга эга бўлиш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва лицензиялаш, ҳаттоки илмий мақолалар ёзиш ва тадқиқотларни амалга ошириш борасида маҳаллий битирувчиларни ортда қолдиришини, техника соҳасидаги билимларга эга бўлган магистрлар ёки фан докторлари стартаплар фаолиятини йўлга қўйиш ёки компанияга асос солиш борасида муваффақиятга эришиш кўрсаткичлар анча юқори эканлигини таъкидлайди³¹. Шу ўринда В.Керр, тадбиркор иммигрантлар учун маҳаллий бозорда альтернатив имкониятларнинг камлиги боис уларнинг янги имкониятларни излашга бўлган интилиши рецепиент мамлакатларда янги маҳсулот ва хизматларни яратиш эвазига нафақат янги иш

²⁹ V. Wadhwa. Open Doors Wider for Skilled Immigrants. BusinessWeek.com.2007. P.3.

³⁰ V. Wadhwa. The riverse Brain Drain. BusinessWeek.com. 2007. P.3.

³¹ J.Hunt. Which immigrants are most innovative and entrepreneurial? Distinctions by entry visa. Working paper 14920. National bureau of economic research.2009. P.26-27

ўринларини ташкил этиш, балки истеъмолчиларнинг танлов имкониятларини кенгайтиришини, бу эса, мамлакатда инновацион жараёнлар ва рақобатбардошликни рағбатлантиришини тадқиқ этган³².

Юқори малакали мигрантлар АҚШдаги фан ва техника соҳасидаги меҳнат ресурсларининг катта қисмини ташкил қилади. Хэнсон ва Лю тадқиқотларга кўра, фан, технология, муҳандислик ва STEM соҳаларидаги хорижий ишчиларнинг улуши 1960-2012 йиллар давомида 6,6%дан 28,1%га ўсган³³. Тадқиқотчилар айнан мазкур ишчилар университетлардаги фундаментал тадқиқотларни сифати ва сонини ошириш ҳамда АҚШ саноати томонидан тижоратлаштириладиган янги ғоялар, ишланмалар ва патентларни яратиш ҳисобига мамлакатнинг инновацион экотизимида муҳим роль ўйнашларини таъкидлаганлар³⁴. Мамлакатнинг айнан юқори малакали мигрантлари кўп бўлган штатларида меҳнат унумдорлиги ва юқори иқтисодий ўсишнинг кузатилиши ҳам бунинг яққол намунасидир.

4. Интеллектуал мигрантларнинг янги жамиятда интеграциялашуви масалалари. IT мутахассислар ва муҳандислар мисолида юқори малакали меҳнат мигрантларининг жамиятга ва меҳнат бозорига интеграциялашуви масаласида тадқиқот олиб борган олимлардан С. Махмуд бундай турдаги муҳожирларни жалб қиладиган иш берувчилар ўзларининг кадрлар сиёсатида ва таълим модулларида мультимаданийликка эътибор қаратишлари интеграция жараёнларини осонлаштиришига

³² Sari Kerr, W.Kerr. Immigrant Entrepreneurship. Measuring Entrepreneurial Businesses: Current Knowledge and Challenges.USA.2017.P.237-239.

³³ Gordon Hanson. Chen Liu.High-Skilled Immigration and the Comparative Advantage of Foreign-Born Workers. P.3.

³⁴ Gordon Hanson, William Kerr and Sarah Turner. High-Skilled Migration to the United States and its Economic Consequences.London.2018.P.3.

урғу беради, деб ҳисоблайди³⁵. Бу борада Плогер ва Бекер меҳнат қилиш муҳитининг мигрантлар интеграциясига боғлиқлиқлиги масаласига эътибор қаратиб, университетлар ва илмий тадқиқот институтлари каби инглиз забон муҳитдаги юқори малакали мигрантларда мослашиш анча енгил кечишини, бундай муҳитдан чиқиши билан мигрантларнинг имкониятлари торайишини таъкидлайди³⁶. Олимлар ташкилот ёки корхонанинг ҳажми, унинг этник таркиби ва бизнесни бошқариш тили юқори малакали мигрантларнинг интеграциясига таъсири юқори эканлигини таъкидлайди. Хусусан, Норвегиядаги Young in Statoil каби йирик компанияларда ҳам маҳаллий ва хорижий ишчиларни бирлаштириш учун ижтимоий тадбирларнинг ташкил қилиниши, махсус буклет ва маълумотлар базаси юқори малакали мигрантларнинг интеграциясини осонлаштирганини, аксинча, иш берувчиларнинг уй-жой билан таъминлаш, бюрократик тўсиқлар ва бошқа шахсий масалаларга беътиборлиги юқори малакали кадрларнинг эмоционал жабрланишларига ва ўта қисқа муддатда ўз ватанига қайтиб кетишларига сабаб бўлганини М.Реимсджик ва С.Бассфорд тадқиқотларида кузатиш мумкин³⁷. Айнан Норвегиядаги юқори малакали мигрантларни тадқиқ этган А.Бэйлей ва Л. Балдассалар Жанубий Осиё мамлакатларидан келган мигрантларнинг мослаша олмаслига бир томондан уларнинг ватанларида қолган қария ота-оналаридан “узила

³⁵ Mahmud, S., Alam, Q., & Härtel, C. (2014). Mismatches in skills and attributes of immigrants and problems with workplace integration: A study of IT and engineering professionals in Australia. *Human Resource Management Journal*, 24(3), 339–354.//

<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/1748-8583.12026>

³⁶ Plöger, J., & Becker, A. (2015). Social networks and local incorporation—Grounding high-skilled migrants in two German cities. *Journal of Ethnic and Migration Studies*, 41(10), 1517–1535//

<https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/1369183X.2015.1015407>

³⁷ Micheline van Riemsdijk, Scott Basford. Integration of Highly Skilled Migrants in the Workplace: a Multi-level Framework// *Journal of International Migration and Integration*. 2022. Volume 23, pages 633–654, P.646.

олмаслик”ларини³⁸, бошқа томондан эса, Норвегиянинг ёмғирли ҳавоси ва қоронғулиги уларнинг адаптациясига ҳалақит беришини, айнан шу хусусиятларни кадр топиб берувчи компаниялар бошиданок ҳисобга олишини, шунингдек интеграция жараёнларида иш берувчилардан ташқари кўнгилли ташкилотлар ҳам фаол иштирок этишини таъкидлайди. Шу ўринда тадқиқотларда юқори малакали кардларнинг интеграциясини осонлаштириш ва мамлакатда узок муддат давомида қолишларини таъминлаш учун баъзи мамлакатларда уларнинг оила аъзолари билан кўчиб келишлари ва уларга ҳам иш топишга кўмак кўрсатилиши таъкидланган.

5. Халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг халқаро муносабатларга таъсири. Хусусан, халқаро интеллектуал миграциянинг тартибга солинишини Ҳиндистон ва АҚШ мисолидаги таҳлиллар асосида тадқиқ этган Т.Девис ва Д.Харт мазкур жараённинг мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсирини сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатларига эътибор қаратадилар. Муаллифлар АҚШ ва Ҳиндистон ўртасидаги юқори малакали мутахассислар, стажёрлар, талабалар ва тадбиркорлар учун фойдаланиладиган Н-1В виза келишувларининг ҳамда икки томонлама иқтидорлилар алмашинуви, фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва квалификацияларнинг тан олиниши тўғрисидаги битимларимнинг изоланиши, бу турдаги мутахассислар учун виза тартибларининг соддалаштирилиши мамлакатлар

³⁸ Bailey, A. J., Blake, M. K., & Cooke, T. J. (2004). Migration, care, and the linked lives of dual-earner households. *Environment and Planning A*, 36(9), 1617–1632.; Baldassar, L. (2007).

Transnational families and aged care: The mobility of care and the migrancy of ageing. *Journal of Ethnic and Migration Studies*, 33(2), 275–297.//

<https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/13691830601154252?scroll=top&needAccess=true>

ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига замин яратганини таъкидлаганлар.

Ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларда эса, инновацион ва илмий тадқиқотларнинг иккила мамлакатда ҳам биотехнология, медицина ва ахборот технологиялари соҳаларига ҳисса қўшиши, янги технологиялар, маҳсулот ва хизматларнинг яратилиши, мазкур мигрантларнинг янги иш ўринларини яратиши, меҳнат самарадорлигининг ортиши, юқори технологик маҳсулотлар, хусусан сунъий интелект экспортининг ортишига ҳисса қўшиши натижасида ривожланиши ҳисобига АҚШ ва Ҳиндистонда иқтисодий ўсишнинг кузатилиши ва бу мамлакатларнинг глобал рақобатбардошлигини кучайиши каби ҳолатлар кузатилади. Икки томонлама ҳамкорликнинг ижтимоий-маданий хусусиятларига эса, юқори малакали мигрантларнинг адаптацияси давомида янги урф-одатлар, қадриятлар, турмуш тарзини ўзлаштирилиши, ижтимоий ва маданий тадбирларда иштирок этиши, умуммаданий жамиятларнинг ва мультимаданий уйғунликнинг юзага келиши билан намоён бўлади.

Олимлар юқори малакали мигрантларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин бўлган ҳудудларга интилишлари реципиент мамлакат ёки трансмиллий компанияларнинг фаровонликлари ва даромадларининг ортишига, донор мамлакатларнинг эса, самарали ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва экспатриантлар учун қулай имкониятлар яратилиши билан улар уйларига катта даромад ва билимлар билан қайтишларига бўлган ишончларини мустаҳкамлашини ва натижада “Ҳам

реципиент, ҳам донор мамлакат учун манфатли” деган, сценарийнинг юзага келишини изоҳлаб берадилар³⁹.

Халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг ривожланиши шароитида халқаро муносабатларда трансмиллий корпорацияларнинг ҳам ўрни тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хусусан, трансмиллий корпорациялар фан ва таълимга катта миқдорда инвестиция киритиш йўли билан замонавий интеллектуал миграция жараёнларининг ҳажми, таркиби ва географиясига таъсир кўрсатмоқдалар. Халқаро талабалар сони бўйича етакчилик қилаётган АҚШ ўзининг трансмиллий корпорацияларига ривожланаётган мамлакатлардаги иқтидорли кишиларни селекция қилиб бермоқда. АҚШ университетлари ва америка бизнеси бундай иқтидорларни осонгина “ютиб юбормоқда”. Бугунги кунда трансмиллий компаниялар турли хил таълим фондларини ташкил этиш орқали халқаро академик мобилликни фаоллаштирувчи муҳим омиллардан бирига айландилар. Шу сабабли ҳам сўнгги 25 йил давомида халқаро талабалар алмашуви 300%га ошди. Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия ва Канададаги талабаларнинг 80%ини хорижликлар ташкил қилади. Халқаро талабалар сонининг кўпайиши эса, трансмиллий компанияларнинг таълим соҳасидаги ролини ортишига олиб келаверади⁴⁰. Ўз навбатида трансмиллий компанияларнинг кенгайиши халқаро иқтисодий муносабатларнинг янада жадаллашувига туртки беради.

6. Интеллектуал миграция соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг билимлар трансфертига таъсири. Хусусан, В.Вадхва юқори малакали мигрантларга зарурият сезаётган мамлакат

³⁹D.Hart, T.Davis. International Cooperation to Manage High-Skill Migration: The Case of India–U.S. Relations. George Mason University.School of public policy.Research paper no. 2010-13.

⁴⁰ Лиферов А. П. Транснациональные корпорации как фактор активизации интеллектуальной миграции в современном мире //Личность. Культура. Общество. – 2009. – Т. 11. – №. 3. – С. 270-270,273.

улар учун, вақтинчалик ёки қисқа муддатли визалар эмас, балки доимий яшаш мавқеъини берувчи иммиграция сиёсатини ишлаб чиқиши, уларга бизнес фаолиятини бошлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиши, миллионлаб нолегал мигрантларга эмас, балки ёш ва билимлиларга “дарвозаларни каттароқ очиши” лозимлигини таъкидлаган⁴¹. Л.Ловел эса, юқори малакали мигрантларни жалб қилувчи 12 та мамлакат тажрибасини ўрганган ҳолда юқори малакали мигрантларни жаб қилиш сиёсати уч хил турдаги нуқтаи назардан, яъни қатъий назорат қилинувчи чеклаш сиёсати, назоратда ушлаб туриладиган, лекин мувозанатга асосланган, бошқариш қулай бўлган сиёсат ёки рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун очиқ сиёсат ёндашувини таҳлил қилади⁴².

Юқори малакали мигрантларнинг мамлакатлараро билим ва кўникмаларни ташишлари мазкур миграция жараёнларининг трансмиллий хусусиятини жадаллаштиради. Аммо мазкур билим ва кўникмалар трансфертига реципиент ва донор мамлакатларнинг миграция сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Яъни, бундай ноқулай шароитида мигрант трансмиллий ҳудудда фаолият кўрсатаётган бўлса ўз имконияти ва тажрибасини алмашишда чекланишларга учрайди. Интеллектуал миграция ҳисобига билимлар алмашинувидан ҳар икки мамлакатни ҳам манфаат кўриши учун реципиент мамлакат диаспораларнинг муваффақиятли адаптацияси учун, донор мамлакат эса, мигрантни хориждаги ишлаш ва меҳнат қилиш шароитидан батафсил хабардор бўлиш ва у билан доимий алоқани сақлаб туриш учун маъсул бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу диаспоранинг реципиент

⁴¹ V. Wadhwa. Open Doors Wider for Skilled Immigrants. BusinessWeek.com. P.3.

⁴² B. Lindsay Lowell. Policies and regulations for managing skilled International migration for work. UN/POP/MIG/2005/03 23 June 2005.P.7.

мамлакатга бўлган ишончининг шаклланишига ҳамда донор мамлакатга бўлган боғлиқлигини сақлаб туришга хизмат қилади. Реципиент мамлакатда билим ва кўникмаларнинг тан олинишидаги чекловлар, деквалификация, иш ҳақи ва мавқеънинг пасайтирилиши ёки донор мамлакатдаги беқарорлик каби ҳолатлар билимлар трансфертига салбий таъсир кўрсатади. Чунки билимлар трансферти нафақат интеллектуал, балки ижтимоий ва иқтисодий капитални ҳам ўтказилишини тақозо этади.

Билимлар трансферти стратегияси донор мамлакатда билим олиш ва алмашиш маданияти мавжуд бўлган ва жамият шу билимларни қабул қилишга тайёр бўлган ҳолдагина муваффақиятли бўлади. Тажрибалар билим олиш ва алмашув маданиятининг етишмаслиги ёки диаспоралар билан ҳамкорлик натижалари ва уларнинг қўшаётган ҳиссалари ҳақида оммага етарли маълумотларнинг берилмаслиги фонида донор мамлакатларда билимларни қабул қилишда қаршиликлар бўлиб туришини ҳам кўрсатади.

7. Интеллектуал миграция жараёни иштирокчиларининг ўз ватанларида ёки реципиент мамлакатларда қолиш масаласи ҳамда “ақлий салоҳият оқими”нинг оқибатлари масалалари. М.Анелли бошчилигидаги тадқиқотлар ёш ва юқори малакали кишилар эмиграцияси донор мамлакат учун инновацион стартапларни ташкил этиш имкониятларини камайишига ва бандликнинг қисқаришига олиб келишини, хусусан, бу турдаги миграциянинг 1,7 бирликка ўсиши мамлакатда ташкил этилиши мумкин бўлган фирмалар сонини 4,8%га қисқаришига, яъни, ўртача 190 та янги фирманинг йўқолишига олиб келишини кўрсатади⁴³.

⁴³ Anelli, Massimo, Gaetano Basso, Giuseppe Ippedico, and Giovanni Peri. Emigration and Entrepreneurial Drain//American Economic Journal: Applied Economics. Vol. 15, No. 2, April. 2023.P.36.

Халқаро интеллектуал миграция жараёнларида фаол иштирок этаётган, аммо шу билан бирга донор мамлакат учун салмоқли ҳисса қўшаётган Ҳиндистон тажрибаси кўплаб тадқиқотчилар эътиборига тушган. Мазкур мамлакат тажрибаси “From brain drain to brain circulation” яъни “Ақлий салоҳият оқимидан ақллар циркуляциясига” номли тенденция учун яққол намуна бўла олади. Мамлакатдаги 1990 йиллардаги иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлмиш ахборот технологиялари соҳасидаги ўсишга хориждан қайтган мигрантлар ҳисобиги эришилди. Мазкур тармоқдаги ҳар иккинчи корхона миграциядан қайтган мутахассис томонидан очилган. Айнан “ақллар циркуляцияси” мамлакатда янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда дастурий таъминотда етакчи хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва уларни ишончли бозорларга етказиш, янги технология ва ғояларга ҳамда қулай тақлиф ва инвестицияларга эга бўлиш имкониятларини яратиши ҳисобига мамлакат иқтисодиётида модернизациялашув кузатилмоқда. Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларида электроника, ахборот технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика, медицина каби соҳаларни ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқот марказлари “ердан чиққан кўзиқори каби” пайдо бўлмоқдалар. Бугунги кунда Ҳиндистонда билим жиҳатидан АҚШдаги мутахассислардан қолишмайдиган 400 минг нафар дастурчи мутахассислар тайёрланади, биргина Бангалорда чорак миллион дастурчилар фаолият кўрсатади ва уларнинг сони АҚШдаги Силикон водийсидагидан кўп⁴⁴. Тадқиқотчи Д.

⁴⁴ Луценко, Н. «Утечка мозгов»: тенденции и меры по преодолению // Власть. – 2013. – № 8. – С. 59.

Феоктистов Ҳиндистон бундай “иқтисодий мўъжиза”га “ўз қўллари билан” эришганини таъкидлайди⁴⁵.

Маълумки, “ақлий салоҳият оқими”нинг салбий оқибатлари кўплаб тадқиқотлар учун асос саналади. Аммо мазкур масаланинг ижобий оқибатларини бир неча тадқиқотлар асосида А.Вейнер ва А.Кликовскийлар умумлаштириб, донор мамлакатлар “ақлий салоҳият оқими”дан кўриши мумкин бўлган фойдаларини қуйидагича ифодалядилар⁴⁶: 1) Мотивацияга асосланган таълимни ривожланишига олиб келади⁴⁷; 2) Юқори малакали кишилар миграцияси учун донор мамлакатдаги таълим дипломига эга бўлганлиги муҳим аҳамият эга. Шу муносабат билан ривожланиш даражаси қуйроқ бўлган мамлакат аҳолиси орасида юқори даражада ривожланган мамлакатга бориб ишлаш истаги уни ўз ватанида таълим олишга ва диплом олишга ундайди. Табиийки, дипломга эга бўлганларнинг хаммаси ҳам эмиграция қиломайди, натижада ҳукумат мамлакатда қолган дипломга эга, олий маълумотли мутахассислар ҳисобидан ютади. 3) О.Старк ва С.Фэнларнинг фикрича, мигрантларнинг ватанларига қайтиб келиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга етакловчи билим ҳамда молиявий ва ижтимоий капиталнинг кириб келишига туртки беради⁴⁸. 4) Д.Радха мигрантларнинг пул ўтказмалари оилаларига юбориладиган молиявий ёрдам ёки ўзларини жамғарган маблағлари эвазига инвестицияни шакллантириши

⁴⁵ Д.А.Феоктистов. «Утечка мозгов» как специфика креативной экономики в системе мирохозяйственных связей// Проблемы экономики и менеджмента. № 4 (32) – 2014.С.112.

⁴⁶ A. Weiner, A. Klekowski von Koppenfels. Highly-Skilled Migration: Between Settlement and Mobility. IMISCOE Research Series.2020.P.150,151//
https://library.oapen.org/bitstream/handle/20.500.12657/39534/2020_Book_Highly-SkilledMigrationBetween.pdf?sequence=1

⁴⁷ Robert EB Lucas. International migration and economic development: Lessons from low-income countries. Edward Elgar Publishing, 2005.P.150 //

⁴⁸ O.Stark, S.Fan. The brain drain, educated unemployment, human capital formation, and economic betterment//ZEF Discussion Papers on Development Policy, No. 114. July 2007.//
<https://www.econstor.eu/bitstream/10419/32297/1/550549404.pdf>

билан бирга мамлакатнинг ЯИМни шаклланишида ва иқтисодий ўсишга эришишда муҳим роль ўйнашини маълум қилади⁴⁹. 5) С.Брешчи ва бошқаларнинг фикрича, эмигрантлар ўз ижтимоий ва профессионал тармоқлари орқали ватанидаги кишиларнинг билимлар трансфертига таъсир кўрсатади⁵⁰. 6) Г. Фелбелмайер ва В. Тубаллар икки томонлама савдо-ҳамкорлик алоқалари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ортиши халқаро муносабатларнинг ривожланишига хизмат қилишини, бу борада юқори малакали мигрантлар хорижий инвестицияларнинг ахборот рискларини камайтиришга хизмат қилишини таъкидлайдилар⁵¹. Шу ўринда бундай қарашлар тарафдорлари бўлмаган олимлар ҳам бўлиб, улар юқори малакали мутахассислар куйи малакали мутахассислар каби ўз мамлакатларига кўп пул юбормасликларини, аксинча улар реципиент мамлакатда пулларини ўзларига сарфлашлари ва инвестицияга киритишларини, ҳамма юқори малакали мигрантлар ҳам ватанида таълимга эга бўлмай, балки хорижда таълим олишларини таъкидлаганлар.

1.3. Профессиналларнинг халқаро меҳнат миграциясини тартибга солишнинг асосий тамойиллари

Юқори малакали кадрлар бозори жаҳон меҳнат бозорининг энг рақобатбардош сегментларидан бири бўлиб, у ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар зиммасига

⁴⁹ D.Ratha. Workers' remittances: an important and stable source of external development finance// Remittances: Development impact and future prospects. 2005. P.19.//

⁵⁰ S. Breschi, F. Lissoni, E. M. Foreign-origin inventors in the USA: testing for diaspora and brain gain effects// Journal of Economic Geography. Volume 17, Issue 5, September 2017, P.1031.// https://oskar-bordeaux.fr/bitstream/handle/20.500.12278/3614/Breschi_Lissoni_Miguelez_preprint.pdf?sequence=3

⁵¹ G. Felbermayr, F. Toubal. Revisiting the Trade-Migration Nexus: Evidence from New OECD Data// World development. Volume 40, Issue 5, May 2012, P.932. // <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0305750X11003007>

жозибадор ва миллий тараққиёт учун оптимал бўлган сиёсатни ишлаб чиқиш вазифасини юкламоқда.

Юқори малакали мутахассислар миграциясини тартибга солишда мамлакатлар административ ва иқтисодий усуллардан кенг фойдаланмоқдалар. Бу борада М.А.Бондарьнинг тадқиқотларида мазкур чора-тадбирларни умумлашган тавсифини кўриш мумкин⁵². Хусусан, донор мамлакатлар учун юқори малакали мутахассислар миграциясини тартибга солишнинг маъмурий усулларига воситачи фирмаларга нисбатан қатъий ҳуқуқий талабларнинг қўйилиши, хорижга чиқиш паспортларини беришни чеклаш, маълум категориядаги кишиларнинг хорижга чиқишларини ман қилиш, давлат ҳисобига таълим олганларни мамлакатда мажбурий қолиб ишлаш муддатларнинг белгилаш, эмиграция квоталари ва мажбурий рўйхатдан ўтиш кабилар киради. Ўз навбатида хориждан валюта ўтказмалари кириб келишини рағбатлантириш сиёсатини амалга ошириш, қайтиб келадиган мигрантларнинг валюта қўйилмалари ва бож тўловларига имтиёзлар бериш, уларга иш ўринларини яратиш дастурларини амалга ошириш, мигрантларга солиққа тортилмайдиган қимматбаҳо қоғозларни сотиш, реэмигрантларнинг уй-жой сотиб олиши, уни қуриши ёки шахсий бизнесини бошлаши учун кредитлар ажратиш, мамлакатдан чиқиб кетган олимлардан халқаро технологиялар алмашинуви жараёнларидаги воситачилар сифатида фойдаланиш, илм-фанга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши билан боғлиқ чекловларни бартараф этиш, минтақавий альянслар ва “меҳмонхона” лабораторияларни ташкил этиш ҳамда илм-фан соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш-донор мамлакатлар

⁵² М.А.Бондарь. Международная интеллектуальная миграция: теория, методология исследования и особенности регулирования. Белорусский экономический журнал. 2014. №1. С.94.

томонидан юқори малакали мутахассислар миграциясини тартибга солишнинг иқтисодий усулларига киради.

Ўз навбатида реципиент мамлакатлар томонидан маъмурий усуллар сифатида юқори малакали мутахассисларни баллиқ тизим асосида танлаб олиш, иммиграция квотларини белгилаш, ёш, касб ва малака хусусиятларига талабаларни ўрнатиш, ички меҳнат бозорида мутахассислар етарли бўлган лавозимларга хорижлик меҳнат мигрантларини кириб келишини чеклаш, уларни қасаба уюшмаларига аъзолигига тайинлаш, тил билиш даражаси ва маълум соҳадаги тажрибага эга бўлишини таъминлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилади. Мазкур мамлакатларда юқори малакали мутахассислар миграциясини иқтисодий усуллар асосида тартибга солишда эса, маълум категорияга қирувчи мигрантларнинг репатриациясини молиявий рағбатлантириш, реципиент мамлакатни тарқ этишда молиявий ёрдам кўрсатиш, қабул қилувчи мамлакатда мигрантни донор мамлакатга мўлжалланган касбий тайёргарликдан ўтказиш, экспортёр мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, миллий тадқиқот институтларида ишлаш учун грантлар ажратиш, юқори малакали мутахассисларга субсидиялар ажратиш, реэмигрантларнинг ўз ватанларида мослашишларига кўмак бериш каби чоралардан кенг фойдаланилади.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари халқаро интеллектуал миграцияни тартибга солиш бўйича турли хил тамойилларга таянмоқда. Масалан, юқори малакали мутахассислар учун Канадада Federal Skilled Worker Program ва Express Entry, Австралияда Skilled Independent Visa ва Employer Nomination Scheme, Германияда Blue Card EU, АҚШда вақтинчалик ишлаш учун H-1B визаси ҳамда доимий яшаши учун EB-2 ёки EB-3 визалари бўйича иммиграция дастурлари амал

килади. Мазкур дастурлар асосида иммигрантларнинг таълими, тажрибаси, ёши, тил кўникмалари ҳамда уларнинг маҳаллий меҳнат бозори талабларига мослиги баҳоланади. Мамлакатда тил ўргатиш ва маданий адаптацияга кўмаклашиш асосида мигрантларнинг ижтимоий интеграцияси қўллаб-қувватланилади.

1980-1990 йилларда аксарият Европа мамлакатларида миграция сиёсати чекловчи хусусиятга эга бўлган бўлса, 2000 йилларга келиб, яъни демографик шароит ва юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши ҳукуматларни ўз миграция сиёсатларини замон талабига мувофиқлаштиришга мажбур қилди. Масалан, 2000 йилларга келиб Германиядаги фуқаролик ва хорижликлар тўғрисидаги қонунларга ўзгартириш киритилиб, ЕИдан ташқари мамлакатлардан бўлган юқори малакали ишчиларнинг кириб келиши, 2013 йилдан бошлаб эса, уларнинг иш билан таъминланиши енгиллаштирилди. 2007 йилдан бошлаб учинчи мамлакатдан ташриф буюрган юқори малакали мутахассислар учун “мовий карта” жорий қилиниб, уларнинг иш ҳақи ўртача миллий иш ҳақидан 1,5 баробар юқори қилиб белгиланди⁵³.

Халқаро интеллектуал миграция бозорида ҳам донор, ҳам реципиент мамлакат сифатида намоён бўлаётган Россия Федерацияси ҳукумати доирасида ҳам интеллектуал мигрантларни жалб қилишга алоҳида урғу берилмоқда. Бу борада Россиянинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган миграция сиёсатида таълим олувчилар, педагоглар ва илмий соҳа вакилларининг эркин ҳаракатланишини таъминловчи қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган⁵⁴:

⁵³ Н.Воронина. Интеллектуальная миграция: зарубежный и российский опыт регулирования// Труды Института государства и права РАН. 2018. Том 13. № 6.С.177.

⁵⁴ Ўша жойда.С.164.

- Хорижликлар учун таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, Россия таълим муассасаларида ўқиш мақсадида ташриф буюрадиган хорижликларнинг мамлакат ҳудудига кириб келиш тартибларини такомиллаштириш;
- Таълим олувчилар, илмий ва педагогик ходимларга Россия Федерациясининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг мамлакатга кириб келиши, у ерда бўлиши, таълим олиши ва профессионал фаолиятини амалга ошириши учун қулай шароит яратиш;
- Россия фуқароларини ўқитиш учун хорижий таълим муассасаларидан педагогларни таклиф қилиш имкониятларини кенгайтириш;
- Ажратилган квоталар доирасида Россия таълим муассасаларига кириш учун танлаб олинадиган иқтидорли хорижлик ёшларни танлаб олиш механизмларини такомиллаштириш.

Профессионалларнинг халқаро миграциясини тартибга солишда ўзининг жозибадор имкониятлари билан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган реципиент мамлакатларда мазкур сиёсат иккита энг асосий жиҳат, яъни талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолдаги ёндашув асосида тартибга солинмоқда⁵⁵.

Талабга асосланган ёндашувда иш берувчиларнинг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, айнан улар юқори малакали мутахассисларнинг категориясини аниқлаб беради. Бу ёндашувда юқори малакали мутахассисларни танлаб олишда асосий юк меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг зиммасига тушади. Хар доим ҳам ишлаш ҳуқуқини қўлга киритган юқори малакали мутахассислар соф фойда олиб келишга қодир

⁵⁵ “Миграция и «утечка мозгов». Доклад об экономике региона ЕЦА. Всемирный банк. Вашингтон. 2019. С.30.

бўлмайди. Шу сабабли бу ёндашувда иқтисодиётга имкон қадар тезроқ фойда келтирадиган мигрантга афзаллик берилади. Потенциал жиҳатдан мамлакатга ишлаш учун келиши мумкин бўлган мигрантлар категорияси потенциал иш берувчилар ва меҳнат бозоридаги жорий ҳолат асосида аниқланади. Бундай категорияга вақтинчалик ишлаш рухсатномасини берувчи дастур иштирокчилари киради ва улар юқори малакали мутахассисларга реципиент мамлакатга киргунга қадар ишлаш учун расмий таклифни тақдим этишлари лозим. Бундай дастурлар Буюк Британия, Ирландия ва Германияда кенг тарқалган. Хусусан, Германияда яшаш ва ишлаш ҳуқуқини берувчи “мовий карта”га камида бакалавр даражасига эга бўлган ва ўз соҳаси бўйича йиллик даромади 48 минг еуродан кам бўлмаган меҳнат шартномасини қўлга киритган мутахассислар эга бўлишлари мумкин. Меҳнат шартномасига эга бўлмаганлар эса, иш қидириш мақсадида Германияга 6 ой муддатга келишлари, иш топиб, меҳнат шартномасига эга бўлгач “мовий карта”га топширишлари мумкин.

АҚШда эса, талабга асосланган юқори малакали мутахассислар миграциясини тартибга солиш борасида фан, таълим, санъат, бизнес, спорт, кино ва телеиндустрия соҳасида “ноёб” қобилият ёки “ўзига хос юқори муваффақиятлар”га эришган кишиларни ёллаш истагида бўлган иш берувчилар томонидан мазкур мутахассислар учун мамлакатда уч йил муддат давомида ишлаш ҳуқуқини берувчи О-1 ва О-2 визаларини қўлга киритиш учун хужжатлар тақдим этилади. Шу ўринда мазкур виза эгаларининг оила аъзоларига, хусусан

АҚШда таълим олиш ҳуқуқига эга бўлган 21 ёшгача бўлган фарзандлари ҳам О-3 визаси билан таъминланади⁵⁶.

Юқори малакали мутахассислар миграциясини талаб асосида тартибга солиш шароитида меҳнат бозорида иш берувчилар вакант иш ўрнига айнан шундай касб эгаларини топа олмаганликларини исботловчи асосларини тақдим этишлари лозим. Масалан, Ирландияда давлат бандлик хизмати вакансия эълон қилгани, аммо қўйилган талабларга жавоб берувчи номзод топилмагани ҳақидаги ҳужжат тақдим этилиши лозим. Испанияда эса, бўш иш ўрни “танқис касблар” рўйхатига кирган ёки у эълон қилинсада Испания ёки бошқа ЕИ мамлакатларидан номзод топилмаган ҳолларда юқори малакали мутахассисларнинг ишлаши учун рухсатнома олиш имконияти кўпроқ.

Шунингдек, талаб асосида тартибга солинадиган миграция сиёсатида юқори малакали мутахассисларнинг иш ҳақи ва касба уюшмалари масаласи муҳим аҳамиятга эга. Деярли барча Европа мамлакатларида иш берувчилар ишчиларга минимал иш ҳақини тўлашлари шарт. Иш берувчилар иш ҳақи тўғрисидаги коллектив шартномаларда назарда тутилган ишга ёллаш шароитлари ва иш ҳақи талабларига риоя қилишлари лозим. Норвегия, Швеция ва Буюк Британияда касба уюшмалари вето ҳуқуқига эгалар, Канадада бундай ҳуқуқ бўлмасада касба уюшмалари ишлаш учун рухсат бериш ҳужжатларини кўздан кечиришга маъсулдирлар.

Бунга мисол сифатида Буюк Британиянинг юқори малакали мутахассис мигрантлар учун визаларини ҳам келтириш мумкин. Хусусан, академ ёки тадқиқотчилик, санъат

⁵⁶ O-1 Visa: Individuals with Extraordinary Ability or Achievement// US citizenship and immigration services// <https://www.uscis.gov/working-in-the-united-states/temporary-workers/o-1-visa-individuals-with-extraordinary-ability-or-achievement>

ва маданият ҳамда рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лидерлар ёки потенциал лидерлар учун 5 йиллик “global talent” визаси берилади. Мазкур мамлакатнинг “малакали ишчи” визаси эса, ишлаб чиқариш, қурилиш, тоғ-кон саноати, суғурта, молия, маркетинг ва реклама, инсон ресурсларини бошқариш, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона, ресторан бизнеси, фан ва таълим, креатив саноат ҳамда санъат соҳаси раҳбарлари, юқори лавозим эгалари ва менежерларига йилига 38.700 фунт стерлингдан кам бўлмаган иш ҳақи эвазига иш берувчининг ҳомийлиги остида берилади⁵⁷. Малакали врачлар ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари учун эса, йиллик даромади 23.500 фунт стерлингдан кам бўлмаган иш учун британиялик иш берувчи ҳомийлиги остида “Соғлиқни сақлаш ва парваришлаш” визаси тақдим этилади. Ҳозирги кунда Британия ҳукумати томонидан темир йўл, автотранспорт, шамол ва атом энергетикаси, телекоммуникация ва рақамли технология соҳасидаги инфратузилма лойиҳаларини⁵⁸ амалга ошириш учун узоғи билан охириги 5 йил ичида академик ёки илмий даражага эга бўлган дунёнинг топ-50 тага кирувчи университети битирувчиларини юқори малакали мутахассислар сифатида жалб қилиш учун жорий қилинаётган “Ўсиш виза”си (sacle up visa) интеллектуал миграцияни тартибга солишнинг талабга асосланган шаклига мисол бўла олади⁵⁹.

⁵⁷ Skilled Worker visa: eligible occupations and codes//

<https://www.gov.uk/government/publications/skilled-worker-visa-eligible-occupations/skilled-worker-visa-eligible-occupations-and-codes>

⁵⁸ Rishi Sunak considers ‘growth visas’ to bring in skilled workers//

<https://www.telegraph.co.uk/politics/2022/11/10/rishi-sunak-considers-growth-visas-bring-skilled-workers/>

⁵⁹ UK to grant visas to graduates from the world's best universities//

<https://www.euronews.com/2022/05/30/uk-britain-politics-immigration>

Таклифга асосланган ёндашув эса, баллардан иборат баҳоларга асосланиб, у мамлакатнинг устувор йўналишларини намоён этади. Бундай ёндашувда меҳнат бозоридаги жорий талабга қараб эмас, балки ёши, таълим даражаси, тажрибаси, тил билиш даражаси ва соҳаси каби хусусиятлари меҳнат бозори ва жамият учун мақбул бўлган номзодларга афзаллик берилади. Бундай ёндашув меҳнат бозоридаги қисқа муддатли талабни эмас, балки иқтисодиётнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари ҳамда инсон капитали ва жамиятга интеграциялашув вазифаларини қондиришга хизмат қилади. Бундай миграция сиёсатида юқори малакали мутахассисларнинг нисбатан эркинлиги таъминланган бўлиб, уларга мамлакатга кириб келиш ва шундан сўнг иш қидириш ҳамда ўз қобилиятига кўпроқ мос бўлган ишни топиш имкониятини яратади. Масалан, Австриянинг баллик тизимида асосланган “қизил-оқ-қизил карта” дастури ЕИ мамлакатларидан бўлмаган юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларига яшаш учун кўчиб келиши рухсатини беради. Мамлакатдаги малакали мутахассисларга муҳандислик, соғлиқни сақлаш каби “танқис касблар”даги юқори малакали мутахассислар киради. Инглиз ва немис тилларини билган бундай мутахассисларга қўшимча имконият берилсада, улардан мамлакатга кириб келгунларига қадар немис тилини билиш шарти қўйилмайди.

Шунингдек, таклифга асосланган миграция сиёсатига Германиядаги тан олинган ёки немис дипломига эквивалент бўлган диплом соҳибларига яшаш учун рухсатнома берилиши мисол бўла олади. Бундай дипломга эга, аммо ЕИ мамлакатларидан бўлмаган юқори малакали мутахассисларга иш қидириш мақсадида мамлакатда вақтинчалик яшаш учун 18 ой муддатга рухсат берилади. Бундай битирувчилар иш топиб, меҳнат шартномасини қўлга киритишлари билан

“мовий карта” дастурига топширишлари мумкин. ЕИ мамлакатлари фуқароси бўлмаганлар профессионал тайёргарлик кўриш ва иш топиш учун бир йил муддатга вақтинчалик яшаш рухсатномаси дастурига ҳам топширишлари мумкин. ЕИ, Лихтенштейн, Исландия, Норвегия ва Швеция каби мамлакатлар фуқароларидан мазкур мамлакатларда яшаш ёки ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома талаб қилинмайди. Германия ҳукумати Канада, АҚШ, Австралия, Япония, Корея Республикаси, Янги Зеландия ва Исроил фуқароларидан мамлакатга кириш учун виза талаб қилмайди, улар ишга киргунларига қадар маҳаллий органларда рўйхатдан ўтишлари етарли бўлади.

Буюк Британиянинг “Freshtalents” яъни “Янги иқтидорлар” номли баллик тизимидан иборат иммиграция дастури ҳам бунга мисол бўлиб, унда мутахассис унинг таълими, тажрибаси, йиллик даромади, соҳадаги ютуқлари, ўзи ва оила аъзоларини таъминлашга қодир бўлган тўлов қобилияти ҳамда Буюк Британияни ўзининг ватани сифатида қабул қилишга тайёрлиги каби мезонлар асосида баҳоланади.

Юқори малакали мутахассислар миграциясини таклиф асосида тартибга солишнинг яққол намуналаридан яна бири бу- АҚШнинг “яшил карта”си бўлиб, бу турдаги картага эга бўлиш имконияти қуйидаги мутахассисларга яратилган⁶⁰:

- Фан, таълим, санъат, бизнес ёки спортда “ноёб” қобилиятга эга бўлганлар⁶¹;

⁶⁰ Green Card Eligibility Categories// US citizenship and immigration services//

<https://www.uscis.gov/green-card/green-card-eligibility-categories>

⁶¹ 204.5 Petitions for employment-based immigrants//Code of federal regulations//

<https://www.ecfr.gov/current/title-8/chapter-I/subchapter-B/part-204/subpart-A/section-204.5>

- Камида ўн йиллик умумий иш стажига ёки академик соҳадаги уч йиллик таълим бериш ёки тадқиқот олиб бориш тажрибасига эга “етакчи” профессор ёки тадқиқотчилар⁶²;
- Икки ёки ундан ортиқ мамлакатда фаолият олиб бораётган ҳамда шулардан бири АҚШда бўлган халқаро компанияларнинг менежер ёки бошқарувчилари;
- Камида магистр академик даражасига эга бўлган ёки бакалавр даражасида камида беш йиллий иш тажрибасига эга бўлганлар, илмий даражали мутахассислар;
- Мамлакатнинг миллий манфаатларига хизмат қилишга тайёр бўлган мутахассислар;
- Камида бакалавр даражасига эга профессионаллар;
- Камида икки йиллик иш тажрибасига эга малакали мутахассислар.

Юқори малакали мутахассислар миграциясини тартибга солишнинг талаб ёки таклиф хусусиятларидан келиб чиққан иккала шакли ҳам ўзининг ижобий ва салбий оқибатларига эга бўлсада, аммо иш берувчиларнинг эҳтиёжига асосланган ёндашув меҳнат бозоридаги сиёсатга анча таъсирчан, чунки бу борада юқори малакали мигрант унга ҳомийлик қилаётган корхонага кўпроқ боғланади.

Аммо шу билан бирга, юқори малакали мутахассисларни жалб қилишда гибрид миграция сиёсатини қўллаш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Масалан, талаб асосида бошқариладиган миграция сиёсатига мисол бўла оладиган Даниянинг “яшил карта” ва Буюк Британиянинг “1-даражали карта” дастурлари юқори малакали мутахассисларга ишлаш учун расмий таклифномасиз ҳам мамлакатга кириш имкониятини беради,

⁶² Advanced Degree or Exceptional Ability.//US citizenship and immigration services//
<https://www.uscis.gov/policy-manual/volume-6-part-f-chapter-5>

яъни етарли баллга эга бўлган юқори малакали мигрантларга иш қидириш учун мамлакатда вақтинчалик яшашга рухсат берилади. Бир неча йил ёлланиб ишлагач, бундай мигрантлар доимой яшашга рухсат сўрашлари мумкин. Уларнинг талаби рад этилган ҳолатдагина, мамлакатни тарк этишга мажбур бўладилар.

Шунингдек, Гарвард, МІТ, Каролинска ва Кёто каби дунёнинг ва Британиянинг етакчи университетларининг фан, муhandислик ва тиббий тадқиқотлар йўналишлари битирувчилари учун “Битирувчи” визаси (Graduate visa) гибрид тартибга солишга мисол бўла олади. Бунинг сабабини мазкур виза учун қатъий квоталарнинг белгиланмаслиги, уларнинг малакаларига талабнинг қўйилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Гибрид шаклда тартибга солинаётган Франциянинг ҳам юқори малакали мутахассисларга кўп йиллик визага эга бўлиш имконини берувчи “талант-паспорт” дастури ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бу йўналишдаги сўровлари рад этилса улар бемалол вақтинчалик яшаш рухсатномаси билан француз меҳнат бозорида ишлаш ҳуқуқига эгалар. Юқори малакали мутахассисларга юқоридаги визани ёки вақтинчалик яшаш ҳуқуқини берувчи рухсатномани олишнинг рад этилиши, мазкур мутахассиснинг малакаси талаб даражасида юқори эмаслигидан дарак беради.

Россия Федерациясида ҳам 19.05.2010.даги 86-ФЗ сонли Федерал қонунга кўра, юқори малакали мутахассисларнинг Россияга кириб келиши, у ерда бўлиши ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиблари енгиллаштирилди. Улар учун квоталар ва ишлаш учун рухсатнома олишда бандлик органлари билан келиши бекор қилиниб, ушлаш учун рухсат бериш муддати бир йилдан уч йилга узайтирилиб, меҳнат

шартномаси даврида мазкур рухсатномани яна шунча муддатга бир неча бор узайтириш белгиланди.

Юқори малакали мутахассисларнинг халқаро миграциясини тўғри тартибга солиниши мамлакат иқтисодиёти, фан ва таълимнинг ривожланишига ҳамда миграцияда иштирок этаётган мутахассисларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Мазкур жараёни тартибга солишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. *Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.* Юқори малакали кадрларни жалб қилишга интилаётган ҳар бир мамлакат уларнинг интеллектуал ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга маъсул ҳисобланади. Бу борада хорижлик мутахассисларнинг турли махфий шартномалар, патентлик ҳуқуқлари ва бошқа муаллифлик ишланмаларидан ноқонуний равишда фойдаланилмаслик ва кўчириб олинмаслигини кафолатловчи меъёрий-ҳуқуқий асослар ва сиёсатни ишлаб чиқиш таъминлиги асосланилади.

2. *Шаффофлик ва иммиграция жараёнларининг самарадорлиги.* Миграция жараёнларини тартибга солиш шаффоф ҳамда хорижлик мутахассислар янги мамлакатда ўз карьера ва ҳаётларини хотиржам қуришни режалаштиришлари учун аниқ, ойдин ва тушунарли бўлиши муҳим. Ушбу таъминли ўзида визаларни расмийлаштириш, ишлаш учун рухсат олиш ва бошқа ҳужжатларга эга бўлиш тартибларини осонлаштириш чораларини мужассам этади.

3. *Ҳамкорлик ва билимлар алмашуви.* Реципент ва донор мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари билим ва тажриба алмашинуви ҳар иккала иштирокчи мамлакат учун манффаатли бўлишини таъминланиши лозим. Бу борада мамлакатлар, университетлар, илмий тадқиқот марказлари ва компаниялар билан билим ва тажриба алмашувини

жадаллаштирувчи талаба ва мутахассислар алмашуви ва замонавий тадқиқот лойиҳалари каби дастурларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

4. *Тенг имкониятларни таъминлаш.* Мутахассислар миграциясини тартибга солишда хорижликларнинг таълим, бандлик, карьера зинапояларидан кўтарилиш ва бошқа соҳаларда маҳаллий ишчилар билан тенг имкониятларга эга бўлишларига эътибор қаратиш лозим. Бу борада турли хил антискриминацион қонунлар, адаптация ва қўллаб-қувватлаш дастурлари, хорижликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби чоралар назарда тутилади.

5. *Адаптация ва ижтимоий интеграция.* Хорижлик мутахассисларнинг максимал даражада ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсадида уларга янги маданият ва жамиятга мослашиш ҳамда интеграциялашувида кўмаклашиш лозим. Бунга турли хил тил курслари, маданий мослашув, ижтимоий тармоқларни қўллаб-қувватлаш кабилар мисол бўла олади.

6. *Мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик.* Хорижлик мутахассисларни реципиент мамлакат иқтисодиёти ва меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолатда таклиф қилиш лозим. Бу борада маълум бир тармоқлар учун иммиграция дастурларини ишлаб чиқиш, мутахассислар тайёрлаб бериши учун университетлар ва таълим муассаслари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда иқтидорли мутахассисларни кўчиб ўтишларини рағбатлантирувчи чора тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

7. *Этика ва ҳуқуқий жиҳатлар.* Инсон ҳуқуқлари, уларнинг манфат ва мавқеъларини ҳимоя қилиш ва хорижликлар эксплуатациясига йўл қўймаслик мақсадида

миграция сиёсатида этик ва ҳуқуқий тамойиллар эътиборга олиниши лозим.

Жаҳондаги интеллектуал мигрантларнинг тақсимланиши борасидаги курашлар узоқ муддатли характерга эга бўлиб, у истиқболда ҳукуматларнинг мазкур соҳадаги сиёсатини алоҳида йўналиш сифатида белгилаб беради. Юқори малакали мутахассислар иммиграцияси реципиент мамлакатга иқтисодий ўсиш, хавфсизлик ва глобал рақобатбардошлик имкониятларини кенгайтирса, аксинча уларнинг эмиграцияси донорлар учун кўплаб соҳаларда йўқотишларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам интеллектуал капиталнинг йирик реципиентлари бўлмиш АҚШ, Австралия ва бир қанча Европа мамлакатлари юқори малакали мутахассисларнинг миграция сиёсатида замонавий интеграциялашув шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига зид бўлмаган ҳолдаги давлат аралашувисиз кечадиган тартиблар асосида фаолият кўрсатишга уринади. “Ақлий салоҳият” муаммосига учраётган, айниқса, Бразилия, Ҳиндистон, Покистон каби йирик донор мамлакатларда эса, аксинча иқтисодий, ҳуқуқий, административ усуллар билан давлатнинг фаол аралашуви асосида интеллектуал капитални олиб қолиш механизмлари жорий қилинган.

I БОБ бўйича хулосалар

Интеллектуал миграция бу-юқори малакали мутахассислар, тадқиқотчилар, олимлар ҳамда STEM соҳаларида билимга эга бўлган кишилар кўчишини англатиб, у академик, бизнес, профессионал ва талантлар миграцияси йўналишлари шаклида намоён бўлади. Унинг ривожланишига иқтисодий ва илмий тадқиқот имкониятлари, таълим ва илмий-технологик ресурслар, бизнес-муҳити, турмуш даражаси, маданий хилма-хиллик ва мамлакатларнинг миграция сиёсати каби омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Интеллектуал миграция соҳасидаги илмий тадқиқотлар мазкур жараёнга турки берувчи иқтисодий шарт-шароитлар, унинг иқтисодий оқибатлари, мигрантларнинг янги жамиятда интеграциялашуви, соҳадаги давлат сиёсати, интеллектуал миграциянинг билимлар трансфертига ва халқаро муносабатларнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси ҳамда “ақлий салоҳият оқими”нинг оқибатлари каби йўналишларни ўз ичига олади.

Интеллектуал миграцияга ўз ичига “ақлий салоҳиятнинг ортиши ёки кириб келиши” (brain gain) ва “ақлий салоҳият оқими” (brain drain) жараёнларини қамраб олувчи brain exchange яъни “билим ва тажриба алмашуви”, “ақлий салоҳиятнинг зое кетиши ” brain waste ҳамда “ақлий салоҳиятнинг ортга қайтишини”ни англатувчи Reverse brain drain каби концепциялар доирасида назар ташланади.

Интеллектуал миграциянинг реципиент мамлакатга ижобий таъсири яққол намоён бўлиш хусусиятини касб этсада, бу борада донор мамлакатлардаги вазият аксарият ҳолатларда салбий оқибатлар билан чекланади. Тадқиқотчилар томонидан донор мамлакат учун “ақлий салоҳият оқими”нинг ижобий оқибатлари мотивацияга асосланган таълимнинг ривожланиши, мамлакатда олий маълумотга эга бўлиш истагидаги кишилар сонининг ортиши, мамлакатга иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга етакловчи билим ҳамда молиявий ва ижтимоий капиталнинг кириб келиши, уларнинг пул ўтказмалари ёки жамғарган маблағлари эвазига инвестицияларнинг шаклланиши ҳамда мамлакат ЯИМнинг кенгайиши ва иқтисодий ўсишга эришиш, мамлакатлараро икки томонлама савдо алоқалари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ортиши билан изоҳланади.

Профессионалларнинг халқаро миграциясини тартибга солиш сиёсати иккита энг асосий жиҳат, яъни талаб ва

таклифни ҳисобга олган ҳолдаги ёндашувга асосланади. Талабга асосланган ёндашувда иш берувчиларнинг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, айнан улар юқори малакали мутахассисларнинг категориясини аниқлаб беради ва иқтидорлиларни танлаб олишда асосий “юк” меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг зиммасига тушади. Таклифга асосланган ёндашув эса, мамлакатнинг устувор йўналишларини намоён этган ҳолда меҳнат бозоридаги жорий талабга қараб эмас, балки ёши, таълим даражаси, тажрибаси, тил билиш даражаси ва соҳаси каби хусусиятлари меҳнат бозори ва жамият учун мақбул бўлган номзодларга афзаллик берилади. Бундай ёндашув меҳнат бозоридаги қисқа муддатли талабни эмас, балки иқтисодиётнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари ҳамда инсон капитали ва жамиятга интеграциялашув вазифаларини қондиришга хизмат қилади. Профессиналлар миграциясини тартибга солишда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шаффофлик ва иммиграция жараёнларининг самарадорлиги, ҳамкорлик ва билимлар алмашуви, тенг имкониятларни таъминлаш, ижтимоий интеграция, мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик ҳамда этика ва ҳуқуқий жиҳатлар каби принципларга амал қилиниши мамлакат иқтисодиёти, фан ва таълимининг ривожланишига ҳамда мигрантларнинг ҳуқуқ ва манфъатларини ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

II БОБ. ХАЛҚАРО ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ-ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА


2.1. Халқаро интеллектуал миграция соҳасидаги замонавий тенденциялар

Глобаллашув жараёнлари, технологияларнинг ривожланиши ва демографик ўзгаришлар бутун дунё мамлакатлари бўйлаб юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Илм-фан ва технологияларга фаол равишда инвестиция киритаётган мамлакатлар томонидан тадқиқотчилар ва мутахассисларга ишлаш ва ривожланиш учун қулай бўлган имкониятлар яратилиши билимлар алмашинуви ва инновацияларга туртки бермоқда. Ўз навбатида “ақлий салоҳият оқими”нинг анъанавий омиллари бўлмиш юқори турмуш даражаси ва сифати, иш ҳақи, меҳнат қилиш учун қулай инфратузилма ва касбий ривожланиш имкониятлари каби ҳолатлар юқори малакали кадрларнинг бошқа мамлакатга кўчиб ўтиш тўғрисидаги қарорларига фаол тарзда таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида халқаро интеллектуал миграция соҳасида қуйидаги тенденциялар кузатилмоқда:

Юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши. Бугунги кунда дунё бўйлаб 75% иш берувчилар ўзлари учун зарур бўлган иқтидор эгаларини топишда қийинчиликларга учрамоқдалар.(2.1.расм). Хусусан, бу кўрсаткич Японияда 85%, Ҳиндистонда 81%, Бирлашган Қироллик, Франция ва Канадада 80%, Сингапур ва Гонконгда

79%, Австралияда 78%, АҚШда 70%, Хитойда 69%ни ташкил этмоқда⁶³.



2.1. Расм. Глобал иқтидорлар тақчиллиги⁶⁴

Манба: The 2024 Global Talent Shortage, ManpowerGroup


Технологик тараққиёт ва рақамли иқтисодиётга ўтиш шаротида айниқса ИТ, тиббиёт, муҳандислик ва тадқиқот соҳасидаги юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Global talent Shortage 2024 ҳисоботида тармоқ ва географик жойлашувидан қатъий назар ИТ ва Data Science (маълумотларга оид фанлар) кўникмаларига эга иқтидорли мутахассисларни топиш энг қийин соҳа бўлиб қолмоқда⁶⁵. Шунингдек, 2024 йил ҳолатига кўра, ИТ соҳада иш берувчиларининг 76%и иқтидорли мутахассисларни излаш муаммосига учраганликлари маълум бўлган⁶⁶.

⁶³ Global 2024 Talent Shortage//
https://go.manpowergroup.com/hubfs/Talent%20Shortage/Talent%20Shortage%202024/MPG_TS_2024_GLOBAL_Infographic.pdf

⁶⁴ Global 2024 Talent Shortage//
https://go.manpowergroup.com/hubfs/Talent%20Shortage/Talent%20Shortage%202024/MPG_TS_2024_GLOBAL_Infographic.pdf

⁶⁵ Ўша жойда

⁶⁶ ManpowerGroup Employment Outlook Survey 2024.Q2.2024. Global findings // https://go.manpowergroup.com/hubfs/MPG_GLOBAL_EN_MEOS_Report_2Q24.pdf



2.2.Расм. Тармоқлар бўйича иқтидорлар тақчиллиги⁶⁷

Манба: *The 2024 Global Talent Shortage, Manpower Group*

Хусусан, дунё бўйлаб малакали IT мутахассисларга бўлган талаб бугунги кунда 40 миллион кишини ташкил этади, 2026 йилга келиб бу кўрсаткич 85,2 миллион кишига етиши кутилмоқда. Хусусан, йилига 400 минг нафар IT мутахассис битирувчига эга бўладиган АҚШда 2020 йилнинг охирида 1,4 миллион нафар IT мутахассис тақчиллиги кузатилган⁶⁸. АҚШда 2010 йилда 6,4 миллион, 2020 йилда 8 миллион IT мутахассис зарур бўлган бўлса, 2030 йилда бу талаб 9 миллион кишига етиши⁶⁹, муҳандисларга бўлган талаб 2026 йилга келиб 1,2 миллион кишини ташкил қилиши ҳамда мамлакатдаги IT мутахассислар тақчиллиги 162 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги даромаднинг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкинлиги кутилмоқда. Буни Европанинг Силикон водийси номини олган ҳамда Skype, Spotify, Electrolux, Ericsson ва

⁶⁷ ManpowerGroup Employment Outlook Survey 2024.Global findings//

https://go.manpowergroup.com/hubfs/MPG_GLOBAL_EN_MEOS_Report_2Q24.pdf

⁶⁸ A.Kidron. The IT Talent Gap: Regions Under The Risk// <https://www.elinext.com/blog/worldwide-it-talent-gap-in-2022/>

⁶⁹ IT industry outlook 2022. Research report// <https://connect.comptia.org/content/research/it-industry-trends-analysis-2022>

бошқа технологик гигантларга эга бўлган Швецияда 2022 йилда 70 минг нафар, Финляндияда сўнгги ўн йилликда 130 минг нафар, Германияда 2017-2020 йиллар давомида 55 минг нафардан 124 минг нафаргача, Швецарияда 117 минг 900 нафар, Сингапурда кейинги уч йилда 60 минг нафар, Австралияда 2026 йилга келиб, 520 минг нафар малакали IT мутахассислар тақчиллиги юзага келиши билан ҳам изоҳлаш мумкин⁷⁰.

Европа мамлакатларида IT мутахассислар сони 2012-2022 йиллар мобайнида 57,8% ортиб, 9 миллион кишига етган⁷¹ бўлишига қарамай, 2030 йилга келиб уларнинг сонини 20 миллион кишига етказиш режалаштирилган. Юқоридаги ҳолатлар ва 2030 йилга келиб Европа мамлакатларидаги корхоналарнинг 75%и Cloud, AI ва Big Datалардан фойдаланишини ҳисобга олсак, юқори технологик жарёнларни бошдан кечираётган мамлакатларда IT мутахассисларга бўлган талаб барқарор ўсишда давом этишини башорат қилишимиз мумкин⁷².

Шу ўринда технологик соҳанинг меҳнат бозорига таъсири масаласига эътибор қаратган CompTIA Cyberstates ҳисоботларида IT соҳасида яратилган ҳар бир бўш иш ўрни яна янги 4,8 та иш ўрнини яратишни тақазо этиши таъкидланган. Бу ҳолат юқорида АҚШ ва Европа мамлакатларида таъкидланган IT соҳа мутахассисига бўлган талабнинг қондирилиши яна қўшимча равишда 4,8 баробарга кўп бўлган соҳа мутахассисига бўлган талабнинг юзага келишини англатади.

⁷⁰ A.Kidron. The IT Talent Gap: Regions Under The Risk// <https://www.elinext.com/blog/worldwide-it-talent-gap-in-2022/>

⁷¹ ICT specialists in employment. Statistics Explained.P.1,2.// <https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/SEPDF/cache/47162.pdf>

⁷² Europe's Digital Decade: digital targets for 2030// https://commission.europa.eu/strategy-and-policy/priorities-2019-2024/europe-fit-digital-age/europes-digital-decade-digital-targets-2030_en#documents

Технологик соҳа бошқа соҳалардан кўра барқарор бандлик хусусиятини, яъни қуйи ишсизлик ва истикболда иш билан таъминланиш имкониятининг юқорилигини намоён этади. 2024 йилда соҳадаги иш ўринларининг яратилиши 2023 йилга нисбатан 34%га ортиқ бўлиши башорат қилинган. Келажакда технология соҳасидаги бандлик АҚШдаги бандликка нисбатан икки баробар кўпроқ ўсиши башорат қилинмоқда.

“Ақлий салоҳият оқими” сиёсати ва унинг оқибатлари. Транспорт ва алоқа хизматларининг ривожланиши, рақамлаштириш шароитида технологик мараказлар томонидан ИТ соҳасидаги мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши ва уларнинг жозибадор иммиграция сиёсати, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллариининг нафақат юқори турмуш даражаси ва иш ҳақи, балки замонавий илмий тадқиқот имкониятлари эвазига профессионал ўсишга бўлган интилишлари, дунёнинг етакчи университетлари томонидан тақдим этилган махсус стипендиялар эвазига таълим олган иқтидорли талабаларнинг аксариятини ўз Ватанига қайтмасликлари ҳамда сиёсий беқарорлик каби омиллар замонавий “ақлий салоҳият оқими” муаммосининг хусусиятларини намоён этмоқда. Юзага келган иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллар шароитида юқори малакали мутахассисларини йўқотиб, “ақлий салоҳият оқими” муаммосига учраётган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятига путур етмоқда.

Олимлар ва тадқиқотчилар илмий тадқиқот ишлари кўпроқ молиялаштириладиган ва тадқиқот инфратузилмаси яхшироқ ривожланган мамлакатларга томон йўналмоқдалар. Биргина АҚШ, Канада, Бирлашган Қироллик ва Австралияда жами олий маълумотли мигрантларнинг 50%дан ортиғи

тўпланган⁷³. Бугунги кунда глобал тадқиқотчиларнинг 92%дан ортиқ қисми юқори ва ўртачадан юқори даромадли мамлакатларда тўпланган бўлиб, уларнинг Global GERD (Global Gross expenditures on research and development- жами тадқиқот ва ривожланиш харажатлари)даги улуши ҳам қарийб 95%га тенг. Хусусан, тадқиқотчиларнинг 55%и Америка ва Европа, 37,6%и Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё (8%и Япония, 5%и Корея Республикаси, 21%и Хитой) минтақасига тўғри келади. Ўз навбатида ўртачадан қуйи ва қуйи даромадли мамлакатларнинг Global GERDда 4,5% улушга эга бўлиши, мамлакат ЯИМда GERDнинг улуши Африка, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларида ҳамда Осиёнинг араб мамлакатларида атиги 0,6%ни ташкил қилиши мазкур минтақаларда дунё аҳолисининг қарийб 45%ини яшашига қарамай уларга жами тадқиқотчиларнинг 8%и ҳам тўғри келмаслиги “ақлий салоҳият” вакиллариининг юқори даромадли мамлакатлар томон мобиллашувига туртки бермоқда⁷⁴. Хусусан, Африканинг Жанубий Сахро мамлакатларидан чиққан олимларнинг 28%и Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида фаолият кўрсатиши ҳам бунинг яққол намунаси дир. Шу ўринда Африканинг Суб Сахро минтақаси, Кариб хавзаси ва Тинч океани минтақаси мамлакатларидаги олий маълумотли кишилар нисбатан паст малакали кишиларга нисбатан 30 бараварга кўпроқ иммиграция қилишлари “ақлий салоҳия оқими” муаммосининг кенгайиш эҳтимоли нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади⁷⁵.

⁷³ World Development Report 2023: Migrants, Refugees, and Societies. Washington. World Bank. 2023.P.7.

⁷⁴ UNESCO Science Report: the Race Against Time for Smarter Development. S. Schneegans, T. Straza and J. Lewis (eds). UNESCO. Paris.2021. P.72- 74.// <file:///C:/Users/kadir/Downloads/377433eng.pdf>

⁷⁵ World Development Report 2023: Migrants, Refugees, and Societies. Washington. World Bank. 2023.P.9.

2.1.жадвал

Глобал тадқиқотчилар ва тадқиқот харажатлари⁷⁶

	Глобал тадқиқотчилар улуши, %	Хар кишига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони	Глобал GERD улуши, %	ЯИМда GERD улуши%
Дунё	100	1368	100	1,8
Юқори даромад. мамлакатлар	60,2	4 301	64,3	2,4
Ўртачадан юқори даромадли мамлакатлар	31,2	1 142	31,2	1,5
Ўртачадан қуйи даромад. мамлакат.	8,3	312	4,3	0,4
Қуйи даромад. мамлакат.	0,21	45	0,10	0,2
Америка	22	2 136	30	2,12
Европа	31	3 372	22	1,78
Африка	2,5	326	1,01	0,6
Суб Сахро	0,6	123	0,5	0,51
Африкадаги араб мам.	1,8	866	0,6	0,65
Осиё	44,5	969	45,7	1,7
Марказий Осиё	0,31	545	0,05	0,12
Осиёдаги араб мам.	0,46	458	0,58	0,53
Ғарбий Осиё	1,43	1 494	1,4	1,37
Жанубий Осиё	4,6	262	3,2	0,60
Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё	37,6	1 475	40,3	2,13

Манба: Юнеско статистика институти

⁷⁶ UNESCO Science Report: the Race Against Time for Smarter Development. S. Schneegans, T. Straza and J. Lewis (eds). UNESCO. Paris.2021. P.72- 74.
<file:///C:/Users/kadir/Downloads/377433eng.pdf>

Шунингдек, бугунги кунда хорижлик тиббиёт ходимларининг улуши АҚШда 17%ни, Бирлашган Қиролликда 12%ни, Форс кўрфази араб мамлакатларида эса, 79%ни ташкил қилади⁷⁷. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, врачларнинг аҳолига нисбати идеал кўринишда 1 та врачга минг киши тўғри келиши билан изоҳланади. Бу борада Африкада энг қуйи кўрсаткич, яъни 1:5000 нисбат кузатилади. 211 миллион аҳолига эга бўлган Нигерияда 75 минг нафар врач мавжуд бўлиб, кўплаб нигериялик врачларни ўзига жалб қилган 68 миллион аҳолига эга бўлган Бирлашган Қиролликда 370 минг нафар врач фаолият кўрсатади⁷⁸. 2006-2018 йилларда давомида мамлакатга ҳафтасига камида 12 та нигериялик врачни жалб қилган қилинган бўлиб, бу муддатда Бирлашган Қиролликдаги нигериялик врачлар сони 2692 тадан 5250 нафарга етган⁷⁹. Шунингдек, 2015 йилдаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, АҚШдаги тиббиёт соҳасидаги африкалик битирувчиларнинг 86%и Миср, Нигерия, Жанубий Африка ва Ганадан ташриф буюрган⁸⁰. Шунингдек, АҚШдаги дипломга эга бўлган ҳамшираларнинг 24%и, қуйи даражали ҳамшираларнинг 20%и ва парвариш соҳасидаги мутахассисларнинг 16%и африкаликлар ҳисобланади. Хорижлик тиббиёт мутахассислари орасида африкаликаликларни катта миқдорда жалб қилувчи мамлакатлар қаторига Канада, Австралия, БАА ва Саудия Арабистонини ҳам киритиш мумкин. Юзага келган

⁷⁷ World Development Report 2023: Migrants, Refugees, and Societies. Washington. World Bank. 2023.P.7.

⁷⁸ [https://www.who.int/data/gho/data/indicators/indicator-details/GHO/medical-doctors-\(number\)](https://www.who.int/data/gho/data/indicators/indicator-details/GHO/medical-doctors-(number))

⁷⁹ K.Obiejesi. At least 12 Nigerian doctors employed in the UK every week, report reveals// <https://www.icirnigeria.org/at-least-12-nigerian-doctors-employed-in-the-uk-every-week-report-reveals/>

⁸⁰ Robbert J. Duvivier, Vanessa C. Burch, John R. Boulet. A comparison of physician emigration from Africa to the United States of America between 2005 and 2015// *Human Resources for Health*. 2017. volume 15, (41)// <https://human-resources-health.biomedcentral.com/articles/10.1186/s12960-017-0217-0#citeas>

бундай ҳолатни дунё аҳолисининг 16%ига эга бўлган минтақага дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган жами харажатларнинг 1%дан кам қисми ажратилиши, жон бошига ҳисоблаганда қолган йирик реципиент мамлакатларда 10 бараварига кўп маблағ ажратилиши билан изоҳлаш мумкин⁸¹. Натижада Нью Джерсидаги жаррохнинг ўртача йиллик даромади 210 минг АҚШ доллари бўлиб турган бир пайтда, уларнинг хамкасблари Замбияда 24 минг АҚШ доллари, Кенияда эса, 6 минг АҚШ доллари эвазига ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Шу тариқа кўплаб йирик реципиент мамлакатлар африкалик врачларнинг “ақллар оқими” ҳисобига миллионлаб доллар маблағни тежашга, донор мамлакатлар эса, сарфлаган имкониятларини йўқотишга эришмоқдалар⁸².

Сиёсий беқарорлик ва қуйи хавфсизлик, урушлар, жиноятчилик, зўравонлик, инсон ҳуқуқларининг етарлича ҳимоя қилинмаслиги ҳам “ақлий салоҳият” вакилларининг эмиграциясига туртки беради. Бунга Украина, Ғазо, Сурия каби мамлакатларни тарк этаётган мигрантлар орасида “ақлий салоҳият эгалари”нинг ҳам мавжудлиги яққол намуна бўла олади. Бунга суриялик қочоқларнинг 2 минг нафари университет профессионаллари⁸³ эканлиги, тиббиёт ходимларининг 50%идан ортиғи мамлакатни тарк этгани⁸⁴ каби ҳолатлар мисол бўла олади. Юзага келган малакали мутахассислар тақчиллигини ҳукумат ўқитувчиларнинг

⁸¹ O. Ogbuoji, I. Bharali, N. Emery, K. Kennedy. Closing Africa's health financing gap//

<https://www.brookings.edu/articles/closing-africas-health-financing-gap/>

⁸² O. Akinfenwa. Africa's loss, their gain: How the US and UK benefit from medical brain drain
By 2035, the deficit is expected to reach 4.3 million physicians//

<https://globalvoices.org/2021/07/19/africas-loss-their-gain-how-the-us-and-uk-benefit-from-medical-brain-drain/>

⁸³ June Kelly. Syrian universities weakened by 'brain-drain', says report. BBC//

<https://www.bbc.com/news/education-48664331>

⁸⁴ The Syrian Healthcare Crisis: 'Brain Drain' and Attack on Healthcare Workers. The Healthcare Review

at Cornell University// <https://www.cornellhealthcarereview.org/post/the-syrian-healthcare-crisis-brain-drain-and-attack-on-healthcare-workers>

нафақа ёшини 60 ёшдан 70 ёшга кўтариш, нафақадаги ўқитувчиларни ишга қайтариш ҳамда етарли малакага эга бўлмаган ўқитувчилар ва административ ходимларни ёллаган каби мавжуд имкониятлар ҳисобига ўнглашга интиломоқда. Шунингдек, Россиянинг Украинага ҳужуми иккинчи жаҳон уришидан бери инсоният кўчишининг энг катта оқимини юзага келтирди. Бугунги кунда 5,7 миллион нафар аҳолиси ватанини тарк этишга мажбур бўлган Украина қочоқлар сони бўйича Сурия (6,5 миллион)дан кейинги иккинчи мамлакатга айланди⁸⁵. Украиналик қочоқларнинг аксарияти юқори малакали лавозимларда фаолият кўрсатадилар. Ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, уларнинг ҳар бештасидан камида иккитаси 2020 йилда Украинада эгаллаган лавозимларидан кўра муҳожирликда юқорироқ малакали лавозимда ишлаётганларини, камида ярми эса, Ирландия ва Швецарияда худди шундай лавозимда ишлаётганликларини, аксарияти интеллектуал ва илмий тадқиқот, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатишларини маълум қилганлар. Хусусан, рўйхатдан ўтган ҳар ўнинчи қочоқ, UNHCR маълумотларига кўра, эса, украин қочоқларининг 17%и аввал Украинада таълим соҳасида ишлагани, шунингдек, Бирлашган Қиролликга қочиб келган украинларнинг 13%и таълим, 8%и соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаб келаётгани маълум бўлган. Бунга жавобан украин қочоқлари учун Германия ва Австрия таълим соҳасида, тиббий ходимлари тақчиллига мавжуд бўлган Польша, Италия, Испания ва Словакияда эса, тиббиёт соҳасида миллий меҳнат бозорига кириш имкониятларини енгиллаштирилмоқда. Норвегия, Чехия, Австрия, Венгрия, Испания ва Португалияда эса, Украина дипломлари ва сертификатларини тан олиш чора-

⁸⁵ International migration report 202.P.42.

тадбирлари кенг қўлланилмоқда⁸⁶. Шу ўринда реципиент мамлакат учун зарур бўлган малака ва кўникмага эга бўлган қочоқлар мазкур мамлакат учун ихтиёрий мигрантлардек фойда келтириши мумкин. Бунга Туркиядаги суриялик тадбиркор қочоқларни мисол қилиш мумкин.

Шунингдек интеллектуал мигрантларнинг консерватив ижтимоий нормаларга асосланган жамиятдан кўра нисбатан маданий хилма-хил ва ижтимоий либерал муҳитда яшашни афзал кўришлари, профессионал ва карьера имкониятлари чекланган шароитларда касбий ўсиш эҳтимоли юқори бўлган мамлакатлар томон интилиши, замонавий инфратузилмалардан фойдаланиш ҳоҳиши, аҳолининг қариши кузатилаётган жамиятларда ёшларнинг ривожланиш учун нисбатан қулай ҳудудларга кўчиб ўтишга мажбур бўлиши каби омиллар “ақлий салоҳият оқими” муаммосини чуқурлаштирмоқда.

Глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви. Глобаллашув ва рақамлашув жараёнлари дунё бўйлаб билим ва маълумотларни алмашиш имкониятларини кенгайтириб, халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг фаоллашувига тurtки бермоқда. Глобаллашув шароитида турли хил стипендиялар ва грантлар эвазига иқтидорли мутахассислар ва олимларни ҳамда ёшларни жалб қилишга қаратилган халқаро дастурлар интеллектуал миграция жараёнларини стимуллаштирмоқда. Бу борада 2021-2027 йиллар учун 28,4 миллиард евро бюджетга эга бўлган Erasmus+ дастури ЕИ мамлакатларида 4 миллиондан ортиқ талабаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда халқаро мобиллик ва билимлар алмашувига хизмат қилмоқда. Мазкур дастур доирасида

⁸⁶ What we know about the skills and early labour market outcomes of refugees from Ukraine// <https://www.oecd.org/ukraine-hub/policy-responses/what-we-know-about-the-skills-and-early-labour-market-outcomes-of-refugees-from-ukraine-c7e694aa/#figure-d1e1295>

биргина Россия Федерацияси билан ҳамкорлик учун 20 миллион евро ажратилган бўлиб, 2015 йилдан бери Россиянинг 23 мингдан ортиқ талабалари ва профессор-ўқитувчилари академик мобиллик лойиҳаларида иштирок этимоқдалар⁸⁷. Мазкур дастур иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини ҳамда уларнинг ишга жойлашиш имкониятларини ошириш ва халқаро ҳамкорлик ҳамда инновацияларни ривожлантириш эвазига Европа мамлакатларига юқори малакали мутахассисларнинг кириб келиш имкониятларини кенгайтирмоқда ва минтақанинг рақобатбардошлигини оширмоқда. Шу ўринда мазкур дастур иштирокчиларнинг ўз мамлакатларига янги билим ва алоқаларга эга бўлиб қайтишлари эвазига “ақлий салоҳият оқими” муаммоси юмшатилиб “ақллар циркуляцияси” кенгаймоқда.

Айнан глобаллашув ва рақамлашув шароитида йирик халқаро илмий ва технологик марказларнинг юзага келиши ҳам интеллектуал миграция жараёнларини фаоллаштирмоқда. Бунга мисол сифатида Apple, Google, Facebook, Tesla каби 200дан ортиқ технологик компаниялардан иборат бўлган ва дунёдаги энг яхши иқтидор эгаларини юқори иш ҳақи ва инновацион муҳит эвазига ўзига жалб қилган Кремний водийсини келтириш мумкин. Жаҳон стандартидаги энг етакчи Стенфорд ва Калифорния каби университетлар яқинида жойлашган мазкур хаб учун сунъий интелект, биотехнология ва ИТ каби соҳалардаги иқтидорли битирувчилар ва тадқиқотчилар оқими таъминланган. Юқори малакали кадрлар иммиграциясини қўллаб-қувватловчи мазкур марказ ҳиндистонлик ва хитойлик малакали мутахассисларга Н-1В

⁸⁷ Программа Erasmus+ предлагает возможности студентам, преподавателям, стажерам и волонтерам из стран ЕС и всего мира
https://www.eeas.europa.eu/eeas/%D0%BF%D1%83%D0%B1%D0%BB%D0%B8%D0%BA%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B8_ru?f%5B0%5D=publication_site%3ARussia&s=177

визани тақдим этувчи йирик ҳомий ҳисобаланади. Ўз навбатида малакали мутахассислар ҳисобига инновация ва маҳсулдорликнинг ортиши Кремний водийсининг барқарор иқтисодий ўсишига туртки бериб келмоқда. Мазкур марказдаги технологик соҳа мутахассисларининг 71%ини ҳамда фан ва муҳандислик соҳасида академик даражага эга бўлганларнинг қарийб 45%ини осиёликлар ташкил қилади⁸⁸.

Шунингдек, глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида таълим платформалари билан бирга турли касбий платформалар ва ижтимоий тармоқларнинг ҳам ривожланиши турли мамлакатлардаги интеллектуал мигрантларни ва иш берувчиларни яқинлаштирмоқда. Хусусан, йирик компаниялар томонидан юқори малакали кадрларни ёллаш борасида LinkedIn каби платформалардан кенг фойдаланилади. Мазкур платформа иш берувчи ва ишчини учраштириш билан бирга таълим хизматларини кўрсатиш, халқаро меҳнат бозоридаги вакансиялар ва иш ҳақи ҳолати бўйича таҳлиллар ўтказиш, платформа фойдаланувчиларига хорижлик ҳамкорлардан тавсияномалар олиб бериш, ҳамфикрларнинг манфатларидан келиб чиққан ҳолда уларни гуруҳлаш ва уларга профессионал тажриба алмашув имкониятини яратиш каби хизматларни кўрсатиш эвазига интеллектуал кадрларнинг халқаро миграциясига туртки бермоқда ва унга етакловчи босқичларни енгиллаштирмоқда. Бугунги кунда 1 миллиарддан ортиқ киши мазкур тармоқда рўйхатдан ўтган, уларнинг 875 миллион нафари платформадан фойдаланади. 67 миллиондан ортиқ компания рўйхатдан ўтган ушбу платформада ҳар дақиқада 6 киши ишга ёлланади. Унинг энг фаол фойдаланувчилари АҚШ, Хиндистон, Бразилия, Хитой ва Индонезияда

⁸⁸ science & engineering degrees.Silicon valley indicators//
<https://siliconvalleyindicators.org/data/people/talent-flows-diversity/science-engineering-degrees/>

жойлашган. Google эса, 23,3 миллион нафар обуначилари билан LinkedInнинг энг йирик компанияси ҳисобланади⁸⁹.

Мамлакатларнинг жозибадор иммиграция сиёсати. Глобаллашув жараёнлари мамлакатлар ўртасида иқтидор эгаларига бўлган талаб борасида тобора рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган АҚШ, Канада, Австралия ва ЕИ мамлакатлари томонидан иқтидорли кишиларни жалб қилиш бўйича махсус иммиграция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бунга америка компанияларига хорижлик юқори малакачиларни айниқса технологик соҳаларга ишга ёллашга қаратилган АҚШнинг H-1B виза дастури, хорижлик юқори малакали мутахассисларга яшаш рухсатномаси ёки фуқаролик, интеграцияга мойил меҳнат бозорида ишлаш ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш каби имкониятлари учун ишлаб чиқилган Канаданинг “Экспресс кириш тизими”, оилалар бирлашуви, ЕИ мамлакатлари орасидаги эркин мобиллик, мазкур мамлакатларда яшаш ва ишлаш имконияти каби қулайликларни берувчи ЕИнинг “мовий картаси”, мамлакатда яшаш ҳуқуқи ёки фуқароликни даъво қилиш имконини берувчи Австралиянинг “малакали миграция дастури”, ижтимоий фанлар, техника, рақамли технологиялар, тиббиёт, санъат ва маданият соҳасидаги хорижлик иқтидорли мутахассислар ва лидерларни мамлакатга кириб келишини осонлаштиришга қаратилган Бирлашган Қиролликнинг “глобал талант виза”ларини мисол қилиш мумкин. Хусусан, 65%и IT кадрлар бўлган АҚШнинг H-1B визаси 2023 йилда 386 минг нафар мутахассисга тақдим этилиб, уларнинг 34%и

⁸⁹ LinkedIn Statistics 2024 | Monthly Active Users Stats, Facts//

<https://www.theglobalstatistics.com/linkedin-usage-statistics/#:~:text=Every%20week%2C%20a%20substantial%2061%20million%20individuals%20utilize,LinkedIn%20as%20a%20powerful%20tool%20for%20job%20searching.>

бакалавр, 22,%и магистр, 8%и докторлик, 4%профессионал ва 32%и номаълум даражали, ўртача иш ҳақи йилига 118 минг АҚШ доллариға тенг бўлган мутахассислар бўлган. Мазкур виза эгаларининг 72,3%и хиндистонликлар ва 11,7%и хитойликлар бўлган⁹⁰. Канаданинг Express Entry system дастури эса, 2024 йилда 110,7 кишиға мамлакатда яшаш ва ишлаш имкониятини беришни режалаштирган, бу аввалги йилға нисбатан 30 мингтаға кўп⁹¹. ЕИнинг “мовий картаси” эса, 2022 йилда 82 минг нафар ЕИдан ташқари мамлакат фуқаролариға тақдим этилган бўлиб, уларнинг чорак қисми хиндистонликлар, деярли 10%и россияликлар, 7%и белорусияликлар ва 6,5%и туркияликлардан иборат бўлган⁹². Ўз навбатида фан, таълим, техонлогиялар ва илмий тадқиқот соҳаси мутахассислариға тақдим этилган Бирлашган Қиролликнинг “Global Talent” визаси эгаларининг аксарияти ушбу мамлакатда карьера қилиш ва профессионал фаолияти борасидаги кенг имкониятлардан фойдаланишни мақсад қилган.

Covid-19 пандемиясининг таъсири. Пандемия шароитидаги вақтинчалик чекловлар ва чегараларнинг ёпилиши халқаро миграция жараёнларини секинлаштирсада, аммо интеллектуал мигрантларнинг масофадан туриб ишлаш имкониятларини кенгайтди ва бу ўз навбатида юқори малакали кадрларни жалб қилиш ва уларни ушлаб туришға

⁹⁰ Characteristics of H-1B Specialty Occupation Workers Fiscal Year 2023 Annual Report to Congress October 1, 2022 – September 30, 2023 March 6, 2024. P. 9, 13. //

https://www.uscis.gov/sites/default/files/document/reports/OLA_Signed_H-1B_Characteristics_Congressional_Report_FY2023.pdf

⁹¹ How Do Express Entry Draws In 2024 Compare To 2023?// <https://immigtoronto.com/how-do-express-entry-draws-in-2024-compare-to-2023/#:~:text=According%20to%20the%20plan%2C%20Express%20Entry%20will%20be,when%20it%20was%20allocated%20a%20target%20of%2082%2C800.>

⁹² Residence permits – statistics on authorisations to reside and work.Eurostat statistics explained// https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?oldid=539496#EU_Blue_Cards_issued_to_highly_qualified_non-EU_citizens

бўлган муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. Covid-19 пандемияси мутахассисларга жисмоний шаклда кўчиб ўтмасдан туриб, дунёнинг турли чеккаларида туриб ишлаш имкониятларини яратмоқда. Бугунги кунда 12,7 % ишчилар ва 16% корхоналар масофавий шаклда, 28,2% кишилар эса, гибрид шаклда фаолият кўрсатмоқдалар. Пандемияга қадар Американинг 16,8 миллион меҳнат ресурслари масофавий ишлаган бўлса, 2025 йилга келиб эса, икки бараварга ошиб, 36,2 миллион кишига етади⁹³. Ишчиларнинг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг масофавий ишлаш имкониятлари шунчалик кенгаймоқда. Шу ўринда бакалавр даражасига эга бўлганларнинг 40%и тўлиқ ва 26%и қисман, ундан юқори даражага эга бўлганларнинг 45%и тўлиқ ва 31%и қисман масофавий шаклда ишлаётганликлари юқори малакали кадрлар учун масофавий фаолият шароитида имкониятлар кенг эканлигини англатади. Масофавий ишловчиларнинг ўртача даромади “уйдан” туриб ишловчиларнинг ўртача даромадидан кўра, 19 минг АҚШ доллариغا кўпроқ. Ўз навбатида масофавий ишлашга ўтган иш берувчилар ҳар бир ишчидан 11 минг АҚШ доллари тежашлари маълум бўлган. Шунингдек, он-лайн ишлаётганларнинг 35%и масофавий ишлаш иш махсулдорлигини оширишга хизмат қилаётганини, 57%и эса масофавий ишлаш таклифи тўхтатилса бошқа иш қидиришларини таъкидлаганлар⁹⁴. Ўз навбатида Manpower Group Outlook томонидан 42 та мамлакат бўйлаб 40 мингдан ортиқ иш берувчилар билан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 37% корхоналар гибрид иш соатлари

⁹³ Upwork Study Finds 22% of American Workforce Will Be Remote by 2025//
<https://www.upwork.com/press/releases/upwork-study-finds-22-of-american-workforce-will-be-remote-by-2025>

⁹⁴ K.Han. Remote Work Statistics And Trends In 2024//
<https://www.forbes.com/advisor/business/remote-work-statistics/>

иктидорлиларни сақлаб қолиш ва уларнинг сафини кенгайтиришга хизмат қилганини маълум қилганлар⁹⁵.

Covid 19 пандемияси шароитида масофавий ишлашга ўтилиши меҳнат бозорининг реструктуризациясига олиб келди. Пандемия шароитидаги масофавий ишга ўтилиши ва рақамлаштириш жараёнлари етакчи университетларнинг он-лайн курслари, маърузалари ва таълим дастурларидан фойдаланиш имкониятларини яратиши иқтидорли кишиларнинг мустақил равишда таълим олиб, малака оширишларига ва ўз навбатида уларнинг карьераларни давом эттириш мақсадида ривожланган мамлакатларга миграциясига туртки бермоқда. Бу борада Coursera, LinkedIn Learning каби таълимга асосланган платоформалар томонидан сунъий интелект, маълумотлар базаси (data science), дастурий таъминот ва бизнес бошқаруви сингари талаб юқори бўлган соҳаларда билим олган ва турли мамлакатларда тан олинадиган сертификатлар билан таъминланган мутахассисларнинг мазкур соҳада ишчи кучи танқислигига учраган иш берувчилар учун жозибадорлиги ортмоқда. Бундай масофавий таълим платформалари бир томондан, сифатли таълим олиш имкониятлари чекланган мамлакатдаги потенциал мутахассислар учун, бошқа томондан эса, платформалар тақдим этган сертификатлар тан олинадиган мамлакатларда юқори малакали мутахассисларнинг иммиграцион расмийлаштириш босқичларини енгиллаштирмоқда. Хусусан, платформада рўйхатган ўтганлар сони 2016 йилдаги 26 миллион кишидан 2021 йилда 92 миллион кишига, курс тинловчилари эса, 26 миллион кишидан 189 миллион нафарга етган. Географик таркибга эътибор қаратсак, энг кўп тинловчилар Осиё Тинч океани

⁹⁵ ManpowerGroup Employment Outlook Survey 2024.Q2.2024.Global findings. // https://go.manpowergroup.com/hubfs/MPG_GLOBAL_EN_MEOS_Report_2Q24.pdf

минтақасидан бўлиб, уларнинг сони 26 миллион нафарни, тинланган курслар сони эса, 68 миллион нафарни ташкил қилган⁹⁶.

Бизнеснинг халқаролашуви. Кўплаб халқаро корпорациялар ва стартапларнинг хориж мамлакатларида ўз филиалларини ташкил этишлари мутахассислар миграциясига туртки бермоқда. Трансмиллий корпорацияларнинг таълим, профессионал ривожланиш ва карьера қилиш каби имкониятларни тақдим этиш билан юқори малакали кадрларга турли хил мамлакатларда ишлаш ва хориж тажрибасини ўзлаштириш имкониятини яратмоқдалар. Айниқса IT инфратузилманинг масофавий ишлаш имкониятларини кенгайтириши компаниялар ва уларнинг ишчилари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан бирга юқори малакалиларни ўз ватанларини тарк этмасдан туриб хориж компанияларида ишлаш имкониятларини яратмоқда. Шунингдек трансмиллий корпорациялар университетлар ва илмий тадқиқот марказларига инвестициялар киритиш эвазига илмий тадқиқотлар ва инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшмоқда. Бу эса, хориж мамлакатларидаги иқтидорли кишиларни қизиқтириб, уларнинг халқаро илмий тадқиқот ҳамжамиятларига интеграциялашувига сабаб бўлмоқда. Бизнеснинг халқаролашуви айниқса реципиент мамлакатларга интеллектуал мигрантлар ҳисобига иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларини яратиш, солиқларни кенгайтириш, инфратузилманинг ривожланиши каби имкониятларни яратмоқда. Ўз навбатида жамоанинг интернационал характерга эга бўлиши турли хил билим, ғоя ва

⁹⁶ These 3 charts show the global growth in online learning. World economic Forum// <https://www.weforum.org/agenda/2022/01/online-learning-courses-reskill-skills-gap/#:~:text=Online%20learning%20platform%20Coursera%20has%20released%20its%202021,predates%20the%20pandemic%20but%20has%20since%20gained%20momentum.>

тажрибаларнинг уйғунлашувига замин яратади. Ўз навбатида ҳукуматлар томонидан трансмиллий корпорацияларнинг солиқ имтиёзлари ва субсидиялар кабилар ҳисобига қўллаб-қувватланиши янги инвестициялар ва юқори малакали мутахассисларнинг кириб келишини рағбатдантирмоқда.

Мазкур тенденциялар халқаро интеллектуал миграция жараёнлари мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, унинг глобал тараққиёт ва ҳамкорликдаги ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга эканлигини намоён этишда давом этмоқда.

2.2 Юқори малакали ишчи кучи миграцияси

марказларининг жозибадорлик хусусиятлари таҳлили

2022 йил ҳолатига кўра, 284,5 миллион киши яъни аҳолининг 3,6%и ўз ватанидан ташқарида истиқомат қилади, 2030 йилга келиб, бу кўрсаткичнинг улуши 4%ига етиши ва ушбу жараёнда юқори малакали ишчилар мобиллиги аввалги йиллардан кўра фаолроқ бўлиши кутилмоқда⁹⁷. Сўнгги ўн йилда айнан меҳнат мигрантларининг сони 30 миллионг кишига кўпайиб, 2022 йилда 167,7 миллион нафарга етган ва бу жами меҳнат ресурсларининг 4,7%ини ташкил қилган. Меҳнат мигрантларининг 68,4%и юқори даромадли ва 17,4%и ўртачадан юқори даромадли мамлакатларда жойлашган⁹⁸. Айнан юқори ва ўртачадан юқори даромадга эга бўлган иқтисодиётларда иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик, инновацион ва технологик тараққиётга эришишнинг муҳим омили бўлган иқтидорлиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш мазкур мамлакатларда нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида

⁹⁷ Global talent migration: The “new mobility” paradigm, CBRE insights. February 2024.// <https://sprcdn-assets.sprinklr.com/2299/1653f47f-72ba-4bc7-8c04-d34eee5a9ad1-2513204508.pdf>. P.2.

⁹⁸ ILO Global Estimates on International Migrant Workers International migrants in the labour force Fourth edition. ILO 2024. Geneva. P.16.

сақланиб қолмоқда. Ишчи кучи танқислиги муаммосини ҳал қилишнинг ва аҳоли қаришининг салбий оқибатларини юмшатишнинг оптимал йўлини юқори малакали кишилар мобиллигини таъминлаш, деб билган мамлакатлар иқтидорли мутахассислар учун глобал рақобатга киришмасликни иқтисодий тараққиётдан ортда қолиш эҳтимоли эканлигини аллақачон англаб етганлар.

2000-2010 йиллар давомида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида олий маълумотга эга бўлган мигрантларнинг сони 70%га ортиб, 31,5 миллион кишига етди⁹⁹. 2010 йил ҳолатига кўра, мазкур мамлакатларда жами мигрантларнинг 1/3 қисmini ташкил қилган юқори малакали мигрантлар сони 1990 йилларга нисбатан 130%га ортиб, 28 миллион кишига етди. Мазкур юқори малакали мигрантларнинг 70%и Австралия, Канада, АҚШ ва Бирлашган Қиролликда, хусусан уларнинг 11,4 миллион нафари, АҚШда истиқомат қилган. Шу ўринда 1990-2010 йиллар давомида юқори малакали аёл мигрантларнинг улуши 152%га ошиб, 5,7 миллион нафардан 14,4 миллион нафарга етди¹⁰⁰. 2019 йилга келиб эса, фақатгина ЕИ мамлакатларидаги олий маълумотли мигрантлар сони 13 миллион кишига етди¹⁰¹. 2022 йил ҳолатига кўра, ИХТТ мамлакатларидаги мигрантларнинг 82,5%ини олий маълумотли кишилар ташкил қилдилар. Мамлакатлар кесимида таҳлил қилсак, иш билан бандлар таркибида олий

⁹⁹ Serge Feld. International Migration, Remittances and Brain Drain. Impacts on Development. Springer. 2021. P. 14. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-030-75513-3>

¹⁰⁰ Sari Pekkala Kerr, William Kerr, Çağlar Özden, Christopher Parsons. Global Talent Flows. Policy Research Working Paper 7852. World bank group 2016. P.4// <https://documents1.worldbank.org/curated/en/793861475694096298/pdf/WPS7852.pdf>


¹⁰¹ Laurent Bossavie, Daniel Garrote-Sánchez, Mattia Makovec, and Çağlar Özden. International development in focus. Skilled Migration A Sign of Europe's Divide or Integration? The world bank group 2022. P.14.// <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099550107182219118/pdf/IDU00f035be3001db04ff609eef0970f48bd2900.pdf>

маълумотли мигрантларнинг энг кам улуши (70-71%) Италия ва Грецияда, энг юқори улуши (94,5-98%) эса, Дания ва Эстонияда қайд этилган.(2.2.1. Расм).

Рақамлаштириш ва яшил иқтисодиётга трансформациялашув ҳамда аҳоли қариши шароитида жаҳон меҳнат бозорида юзага келган турли хил ўзгаришларни иш ўринларининг беқарорлиги ҳамда компаниялар ва ишчиларнинг потенциал харажатларининг ўсиши билан боғлаш мумкин. Пандемиядан кейинги тикланиш даврида ривожланган мамлакатларда ишчи кучи ва кўникмаларга бўлган талабнинг ҳаддан ортиқ ортиб бориши “иқтидорларни” кўпайтириш ва уларни ушлаб қолиш заруратини оширди.

Аксарият юқори малакали мигрантларни жалб қилувчи ИХТТ мамлакатларида пандемияга қадар ишчи кучи танқислиги 55%ни ташкил қилган бўлса, 2022 йилдаги тикланиш даврида бу кўрсаткич 75%га етди¹⁰².

¹⁰² Retaining Talent at All Ages. Ageing and Employment Policies. OECD Publishing. Paris. OECD (2023). P.12.




2.2.1. Расм. ИХТТ мамлакатларида иш билан бандлар таркибида олий маълумотли мигрантларнинг улуши, 2022й

Манба: Employment rates by place of birth and educational attainment. OECD data explorer.

Бугунги кунга келиб, юқори малакали кадрга бўлган талабнинг унинг таклифига нисбатан АҚШда 2,74 миллион кишига, Германияда эса, 545 минг кишига ортиқ бўлиши бунинг яққол намунаси. Ўттиздан ортиқ мамлакатларни таҳил қилган ВГС тадқиқотлари “иқтидорлар” танқислиги

иқтисодиётлар учун йилига ўртача 1 триллион АҚШ долларни ташкил қилишини кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса, 800 миллионга яқин дунё бўйлаб профессионаллар хорижда ишлаш имкониятларини изламоқдалар¹⁰³.

Пандемиядан кейинги тикланиш даврида юқори малакали кадрларнинг унгача бўлган даврга нисбатан хорижга кўчиш истаги ортган. Хусусан, дунё бўйлаб юқори малакачиларнинг 9,5%и хорижда ишлашни режалаштираётган бўлса, бу кўрсаткич Тинч океани минтақасида 7%ни, Жанубий Америкада 9,1%ни, Шимолий Америкада 8,3%ни, Европада 9,5%ни ва Осиё минтақасида 10,5%ни ташкил қилган.



2.2.2. Расм. Pre ва Post-covid шароитида кўчишни режалаштирган юқори малакали мигрант улуши) Манба: CBRE Labor and Location, Q4 2023.

CBRE таҳлиллари замонавий юқори малакали мутахассислар миграциясини қуйидаги асосий драйверлар билан изоҳлайди¹⁰⁴.

¹⁰³J.Baier and others.Dream Destinations and Mobility Trends. Decoding Global Talent 2024. P.2,6. // <https://web-assets.bcg.com/61/23/006267594700b68f17396371649a/bcg-decoding-global-talent-2024.pdf>

¹⁰⁴ CBRE Labor and Location, Q4 2023.

1. *Иқтисодий, бизнес ва ҳаёт тарзи имкониятлари.* Бу борада ишчилар, хусусан ёшлар юқори қийматли меҳнат бозорлари ҳамда яхшироқ карьера ва яхши иш ҳақи учун кенгайиш имконияти бўлган шаҳарларни изламоқдалар. Турмуш тарзи ва ижтимоий- маданий омилларнинг ҳам роли тобора ошиб бормоқда.

2. *Иқтидор ва кўникмалар учун глобал рақобатбардошлик.* Йирик шаҳарларларда етакчи университетлар, юқори технологик саноат ва тадқиқот марказларининг тўпланиши кўникмаларга бўлган глобал рақобатбардошликни оширмоқда.

3. *Меҳнат бозори шароитлари.* Юқори даромад, қулай ва мослашувчан иш графиги, яшаш ва ишлаш қулайликлари каби меҳнат бозорининг жозибадор шароитлари ишчи кучи мобиллигига асос яратмоқда.

4. *Демографик омиллар.* Демографик ўзгаришларнинг миграцияга таъсир кўрсатиши катта миқдорда ёш аҳолига ҳамда “эрта демографик дивидендга” эга бўлган Ҳиндистон ва Африка каби мамлакатлардан малакали ва олий маълумотли кишиларнинг эмиграцисининг давом этишига тўртки бермоқда.

Юқори малакали мутахассисларнинг замонавий миграцияси дунё бўйлаб ўзига хос хусусиятлар асосида ривожланмоқда. Хусусан, АҚШ ва Канада асосан Хитой, Ҳиндистон ва Филиппиндан, Австралия эса, юқоридаги мамлакатлар билан бирга Янги Зеландиядан, Бирлашган Қироллик бўлса, Ҳиндистон ҳамда Польша, Руминия ва Ирландия каби континентал Европа мамлакатларидан, Швецария Европанинг бошқа ривожланаётган мамлакатларидан, Сингапур Малайзия, Хитой ва Ҳиндистондан юқори малакалиларни жалб қилмоқда. Юқори малакалиларни катта қисмини қабул қилаётган Шимолий Америка ва Европа каби мамлакатлар “пост демографик


дивидент”, Хитой, Ҳиндистон ва Филиппин каби ўз эмигрантлари ҳисобига катта хорижий пул ўтказмаларига эга бўлган мамлакатлар эса “Эрта демографик дивидент” мамлакатларни намоён этмоқдалар.

2023 йилга келиб, ИХТТ мамлакатларининг иқтидорлилар учун жозибадорлиги кўрсаткичи (The OECD Indicators of Talent Attractiveness)га кўра, Янги Зеландия, Швеция, Швецария, Австралия ва Норвегия юқори малакали мутахассислар, Швеция, Швецария, Канада, Норвегия ва Янги Зеландия тадбиркорлар, АҚШ, Германия, Бирлашган Қироллик, Норвегия, Австралия ва Норвегия эса, халқаро талабалар учун жозибадор мамлакатлар бўлиб қолмоқда.

The OECD Indicators of Talent Attractiveness ИХТТ мамлакатларининг 3 та категориядаги иқтидорли мигрантлар, яъни юқори малакали мутахассислар, тадбиркорлар ва халқаро талабаларни жалб қилиш ва уларни ушлаб туриш қобилияти бўйича кучли ва кучсиз томонларини кўп томонлама намоён этувчи илк комплекс инструмент ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич имкониятлар сифати, даромад ва солиқлар, бўлажак истиқболлар, оилавий шароит, кўникмалар муҳити, инклюзивлик ва ҳаёт сифати каби еттита жиҳатни қамраб олган. Шунингдек, мазкур кўрсаткич зарур кўникмаларга эга бўлган потенциал мигрантларнинг виза ёки мамлакатда яшаш рухсатномасини олиш қийинчилигини ҳам ҳисобга олади.

Хусусан, мазкур индекснинг “Имкониятлар сифати” мезонида реципиент мамлакатдаги меҳнат бозоридаги ҳолат, ундаги бандлик даражаси, иш топиш имконияти ва карьера истиқболлари ҳамда маълум бир кўникмаларга эга бўлган кишилар учун визага эга бўлиш ва резидентликка номзод бўлиш каби шароитлар ҳисобга олинади. Юқори малакали мигрантлар учун бундай имкониятлар эшиги Венгрия, Словакия, Люксембург, Чехия ва Латвияда кенг очилган бўлиб,


ИХТТ мамлакатлари ичида бундай мезон бўйича Япония, Голландия, Италия, Корея, Испания каби реципиент мамлакатларда имконият кам.



2.2.3. Расм. ИХТТ мамлакатларининг “имкониятлар сифати” мезони бўйича юқори малакали мигрантлар учун жозибадорлиги

Манба: The OECD Indicators of Talent Attractiveness


“Даромадлар ва солиқлар” мезони бўйича эса, йирик реципиент бўлган Швецария, АҚШ, Дания, Корея ва Австралия ҳамда ҳам реципиент, ҳам донор мамлакат бўлган Чили ва Мексика каби мамлакатлар даромадларнинг тақсимланиши ва солиқ сиёсати борасида юқори малакали мигрантлар учун жозибадор мамлакат бўлиб, Франция, Исроил ва Бальгия каби мамлакатларда эса, бу соҳадаги ноқулайликлари кўп бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Мазкур мезонни аниқлашда реципиент мамлакатдаги ялпи ва соф даромад, иш ҳақининг ўсиши ва иқтисодий барқарорлик ҳисобига даромадларнинг ортиши, тўлов қобилияти ва истеъмол товарлари индекси, даромадларнинг тақсимланиши, аҳоли даромадлари ва солиқлари, солиқ тизимининг шаффофлиги каби хусусиятлар ҳисобга олинади.



2.2.4. Расм. ИХТТ мамлакатларининг “даромадлар ва солиқлар” мезони бўйича юқори малакали мигрантлар учун жозибадорлиги

Манба: The OECD Indicators of Talent Attractiveness

Узоқ муддатли профессионал ўсиш ва юқори малакали мигрантларнинг хавфсизлигини таъминланишини кўрсатувчи “Келажак истикболлари” мезонида реципиент мамлакатдаги умумий иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва прогнозлар, узоқ муддатли бандлик тенденциялари, инновациялар ва технологик тараққиёт, таълим ва кўникмаларнинг ривожланганлиги, турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорлик каби хусусиятлар ҳисобга олинади. Бу борада Португалия, Канада, Ирландия, Литва, Янги Зеландия, Австралия, Япония, АҚШ ва баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида имкониятлар анча кенг. Польша, Исроил, Дания, Колумбия ва Туркия каби мамлакатлар иқтидорли мигрантлар учун келажакдаги барқарорлик имкониятлари кам бўлган мамлакатлар ҳисобланади.



2.2.5. Расм. ИХТТ мамлакатларининг “Келажак истиқболлари” мезони бўйича юқори малакали мигрантлар учун жозибадорлиги

Манба: The OECD Indicators of Talent Attractiveness

Юқори малакали мигрантлар учун жозибадор хусусиятлардан бири бу- уларнинг оила аъзолари билан кўчиб ўтиш имкониятлари ҳисобланади. Бу борада малакали мигрантлар учун Бирлашган Қироллик, Швеция, Финляндия, Австрия, Голландия, Чехия, Франция каби Европа мамлакатларида имкониятлар кенг бўлиб, бу мезон бўйича АҚШ 38 та мамлакат ичида жозибадорлик бўйича 16 ўринда туради. Реципиент мамлакатларнинг оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими, хусусан, бола парвариши таътили, болаларни таълим олиш имкониятлари ва унинг сифати, тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти, иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги баланснинг таъминланганлиги, масофадан туриб ишлаш ва мослашувчан иш графиги, мамлакатдаги жинойятларнинг камлиги каби омиллар интеллектуал мигрантлар оила аъзолари учун жозибадор ҳисобланади. Коста Рика, Япония, Мексика ва Колумбия каби мамлакатлар

оилавий кўчиб ўтиш учун ноқулай бўлган мамлакатлар қаторига киради.

2.2.1.-жадвал

ИХТТнинг иқтидорлилар учун жозибадорлиги кўрсаткичларининг мамлакатлар кесимидаги таҳлили

Категория	Жозибадор мамлакатлар
Имкониятлар сифати	Венгрия, Словакия, Люксембург, Чехия, Латвия, Литва, АҚШ
Даромадалар ва солиқлар	Швецария, АҚШ, Дания, Корея, Австралия, Чили, Мексика
Келажак истиқболлари	Португалия, Канада, Ирландия, Литва, Янги Зеландия, Австралия, Япония, АҚШ
Оилавий шароит	Бирлашган Қироллик, Швецария, Финляндия, Австрия, Голландия, Чехия, Франция
Кўникмалар шароити	Корея, Япония, АҚШ, Швеция, Норвегия, Дания, Германия
Инклюзивлик	Люксембург, Швецария, Янги Зеландия, Австралия, Швеция, Канада
Турмуш даражаси	Норвегия, Швецария, Австралия, Исландия, Голландия, Швеция, АҚШ

Манба: *The OECD Indicators of Talent Attractiveness*


АҚШ ҳамда Осиё мамлакатлари ҳисобланмиш Корея ва Япония юқори малакали мигрантларнинг янги кўникмаларга эга бўлишлари ва мавжудларидан самарали фойдалана олишлари, узлуксиз таълим олиш имконияти бўйича етакчи жозибадор мамлакатлар ҳисобланади. Бундай имкониятлар Германия ва баъзи Шарқий Европа мамлакатларида ҳам яхши яратилган. Европа мамлакатлари ичида Польша, Италия ва Туркияда кўникмаларни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш имкониятлари анча кам.

Инклюзив ва қонун устуворлиги юқори бўлган, ижтимоий интеграция имкониятлари яратилган, тиббий

хизматдан фойдаланиш ҳамда дипломларнинг тан олиниш тизимининг ишга туширилганлиги малакали мигрантларга мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлиқ иштирок этиш имкониятини беради. Интеллектуал мигрантлар бундай имкониятларга Люксембург, Швецария, Янги, Зеландия, Австралия, Канада, АҚШ каби мамлакатларда эга бўлишлари осонроқ. Исроил, Словакия, Туркия, Греция каби мамлакатлар эса, бу борада жозибадор хусусиятга эга эмас.

Реципиент мамлакатдаги турмуш даражасини ифодалувчи омиллар бўлмиш соғлиқни сақлаш хизматларининг сифати ва ундан фойдаланиш имкониятлари, руҳий саломатлик, мигрантларнинг хавфсизлиги, атроф-муҳит тозалиги, уй-жойга эга бўлиш имконияти, ижтимоий ва мадания муҳит каби жихатлар юқори потенциалга эга мигрантларнинг фаровонлиги, қулай турмуш кечириши ва ҳаётдан баҳра олиб яшашларида ҳал қилувчи сабаб ҳисобланади. “Сифатли турмуш” имкониятларини тақлиф қила оладиган мамлакатлар қаторига Европанинг Норвегия, Швеция, Исландия, Голландия каби мамлакатларини ҳамда Автралия, АҚШ ва Канадани киритиш мумкин.

Жами еттита мезонни умумлаштирган ҳолда, Янги Зеландия, Швеция, Швецария, Австралия, Норвегия, Люксембург, Бирлашган Қироллик, Голландия, АҚШ ва Канадани юқори малакали мигрантлар учун жозибадорлик кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатлар деб ҳисоблаш мумкин.



2.2.6. Расм. ИХТТ мамлакатларининг юқори малакали мигрантлар учун жозибадорлиги (жозибадорлик индекси 0-1 масштабда)¹⁰⁵

Манба: The OECD Indicators of Talent Attractiveness

2060 йилга келиб, ИХТТ мамлакатларида 20-64 ёшдаги аҳоли улушининг 2021 йилдаги 58%дан 53%га тушиши¹⁰⁶ меҳнат бозорига кириб келадиган юқори малакали мигрантларнинг сонини қисқаришига ҳамда технологик ўзгаришлар ва глобаллашув жараёнлари шаротида кўникмалар борасида юзага келадиган бўшлиқлар ва аҳоли қариши фонида кадрларнинг чиқиб кетишига олиб келади. Бошқа томондан, Евробарометр кўрсаткичларига кўра, микрокорхоналарнинг 53%и, кичик корхоналарнинг 65%и ҳамда ўрта бизнес корхоналарининг 68%и юқори малакали мутахассислар тақчиллигига учрашда давом этиши¹⁰⁷ кейинги йилларда ҳам мазкур мамлакатларда интеллектуал

¹⁰⁵ Attracting global talent// <https://www.oecd.org/en/topics/migration-policies-returns-and-attracting-talent.html>

¹⁰⁶ Retaining Talent at All Ages. Ageing and Employment Policies. OECD Publishing. Paris. OECD (2023). P.12.

¹⁰⁷ A.Desku. Eurobarometer Survey Unveils Widespread Skill Shortages in Enterprises Across EU // <https://schengen.news/eurobarometer-survey-unveils-widespread-skill-shortages-in-enterprises-across-eu/>

мигрантларга бўлган талабнинг юқори даражада сақланиб қолишини изоҳлайди.


2.3 Халқаро таълим миграцияси потенциал юқори малакали ишчи кучини жалб этишнинг муҳим омили сифатида

Халқаро таълим бутун дунё мамлакатларидаги таълим муассасалари учун тахминан 500 миллиард АҚШ доллари миқдорида қўшимча иқтисодий самарага эга бўлиб, улар халқаро талабаларнинг таълим олиш, яшаш, суғурта, овқатланиш ва бошқа истеъмол харажатлари ҳисобига шаклланади¹⁰⁸. Халқаро таълим миграциясида иқтисодий ва демографик омиллар билан бир қаторда маҳаллий таълимнинг жозибадорлик даражасининг тушиб бориши, талабаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган стипендиялар ва молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги ҳамда миллий хавф ва таҳдид кабилар мамлакатлардан талабаларни ташқарига “итариб чиқаришга” хизмат қилмоқда. Мазкур “итарувчи омиллар”нинг салбий хусусиятлари ташқаридаги “тортувчи омиллар” таъсирида яна ҳам чуқурлашиб бораётгандек туюлмоқда. Хусусан, юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш ва иқтидор эгаларини мамлакатда сақлаб қолишга интилаётган мамлакатларда “тортувчи омилларни” янада жозибадорлигини ошириш саъйи-харакатлари авж олмоқда. Бугунги кунда улар жозибадор бозор ва академик муҳит, юқори сифатли таълим, таълимдан кейинги истиқболлар ҳамда хавфсизлик каби “тортувчи омилларни” трансмиллий, гибрид ёки он-лайн таълимни кенгайтириш, виза расмийлаштирувларини енгиллаштириш, яшаш харажатларини

¹⁰⁸ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P.5.// https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

қоплаш билан янада жозибадорлаштириш ҳисобига келажакда глобал рақобатбардошликни сақлаб қолишга интиломқдалар.

2024 йилда АЕСС томонидан катта қисми Осиё мамлакатларидан бўлган 124 мамлакатнинг 8.300 нафар талабалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 56%и реципиент мамлакатда қолиб ишлаш, 28%и ўша мамлакатга кўчиб кетиш ҳамда атиги 16%и таълимни тугатиши билан ўз ватанига қайтиш истаги борлигини маълум қилганлар. Хориждаги таълим танловига халқаро талабаларнинг 79%и учун таълимдан сўнг ўша мамлакатда ишлаш ҳуқуқи ўта муҳим аҳамият касб этиши маълум бўлган. Шунингдек уларнинг хориждаги қайси мамлакатни танлаш борасидаги қарорлари учун таълимдан сўнг мамлакатда қолиб ишлаш ҳуқуқи ва иш топиш имконияти ҳамда таълимнинг сифат даражаси ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаганлар¹⁰⁹.



2.3.1. Расм. Халқаро талабаларнинг хориж мамлакатларида таълим олишларига таъсир кўрсатувчи омиллар улуши, % Манба: АЕСС

¹⁰⁹ The impact of immigration settings, affordability, and job opportunities on international students' study abroad decisions. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/04/the-impact-of-immigration-settings-affordability-and-job-opportunities-on-international-students-study-abroad-decisions/>


Дунё бўйлаб сўнгги эллик йил ичида йилига ўртача 4-6% миқдорида ўсиб келаётган¹¹⁰ халқаро талабалар охириги йигирма йил ичида уч баробарга ортиб, 2001-2021 йиллар орасида уларнинг сони 2,2 миллион кишидан 6,4 миллион кишига етди. 2030 келиб эса, бу кўрсаткич 10 миллиондан ошиши кутилмоқда¹¹¹. Мазкур жараённинг кенгайишига Африка, Осиё, Яқин Шарқ ва Жанубий Америка минтақаларидаги олий таълим тизими ҳажмининг ёшларни қамраб ололмаётганлиги, баъзи ҳолларда таълим сифатидан етарли даражада қониқмаслик, дунё бўйлаб қочоқлар ва улар орасида 18-24 ёшдагилар сонининг ортиб бориши ҳамда ёшларнинг улуши қисқариб бораётган юқори даромадли мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошликларини сақлаб қолишларида юқори малакали ишчи кучига бўлган боғлиқларининг чуқурлашиб бораётгани каби омиллар таъсир кўрсатмоқда.

2024 йил ҳолатига кўра, халқаро талабаларнинг 57%и осиеликлардан иборат бўлиб, уларнинг 1 миллиондан ортиғини Хитой, 508 минг нафарини Ҳиндистон ҳамда 137 минг нафарини Вьетнам, 123 минг нафарини Германия ва 109 минг нафарини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Халқаро талабаларнинг 60%дан ортиғи ўрта даромадли мамлакатлардан ташриф буюрганлар¹¹².

¹¹⁰ Holon IQ. International education. 2024 global students flow. US outlook. May. 2024. P.5. // https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

¹¹¹ A. Goodman, Ceo and Mirka Martel. Outlook 2030 Brief: The U.S. and International Education // <https://www.iie.org/publications/outlook-2030-brief-the-u-s-and-international-education/>

¹¹² International students. Migration data portal // <https://www.migrationdataportal.org/themes/international-students#:~:text=Prominent%20countries%20of%20origin%20of%20international%20students%20in,America%20%28GMDAC%20analysis%20based%20on%20UIS%2C%20202%203%29.>




2.3.2. Расм. Халқаро талабаларни етказиб берувчи асосий донор мамлакатлар улуши, %

Манба: International students. Migration data portal

Ҳозирда энг катта донор мамлакат Хитой бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда бу борада Ҳиндистон Хитойни ортда қолдириши прогноз қилинмоқда. 2023 йил ҳолатига кўра, глобал миқёсда халқаро талабалар сонининг ортишининг 63%и Ҳиндистон улушига тўғри келган. Буни бевосита Ҳиндистон аҳолиси таркибида ёшларнинг улуши юқорилиги, мамлакатдаги олий таълимга бўлган талаб ва таклифнинг номуносиблиги ҳамда ҳиндистонлик оилалар орасида хориждаги таълимни қоплаш имкониятига эга бўлган оилалар сонининг ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, АҚШда таълим олаётган ҳинд талабаларнинг 79%и магистратурада, 11%и эса, бакалавриатуранинг айнан STEM йўналишларида таълим олаётган бир пайтда магистратура

босқичидаги хитойлик талабаларнинг улуши атиги 37%ни ташкил қилмоқда¹¹³.

Халқаро талабаларни қабул қилувчи асосий йирик малакатлар қаторига АҚШ, Бирлашган Қиролик, Канада, Австралия каби инглиз тилида сўзлашувчи “Big Four” яъни “катта тўртлик” мамлакатлари ҳамда Германия, Франция, Россия, Туркия, ХХР ва Японияни киритиш мумкин.



2.3.3.Расм. Халқаро талабаларни жалб қилувчи мамлакатлар, %

Манба: Project atlas 2023. Global mobility trends.

Халқаро талабаларнинг ҳар еттидан бештаси юқори даромадли мамлакатлардаги таълим дастурларида иштирок этади, хусусан уларнинг 4,3 миллиони ИХТТ мамлакатларида таълим оладилар. Мазкур мамлакатларда илк бор ўқиш рухсатини қўлга киритган халқаро талабалар сони 2012-2019 йиллар давомида 1,1 миллиондан 1,5 миллион нафарга етиб, пандемия даврида икки бараварга қисқариб кетди, аммо 2021 йилда яна 1,3 миллион нафар халқаро талабалар ўқишга қабул қилиниб, 2022 йилда бу рақам 42%га ортиб 1,9 миллион кишига етди. Мамлакатлар кесимида қарайдиган бўлсак, энг

¹¹³ Holon IQ. International education. 2024 global students flow. US outlook. May. 2024. P.25. // https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

юқори ўсиш Япония, Янги Зеландия, Австралия ва Германия мамлактларига тўғри келди¹¹⁴.

2.3.1.-жадвал

2021-2022 йиллар давомида халқаро талабалар ташрифи бўйича энг юқори ўсишга эга бўлган ИХТТ мамлакатлари

Мамлакат	2021 йил, млн киши	2022 йил, млн киши	2022 йилда 2021 йилга нисбатан ўсиш, %
Япония	11,7	167,1	+1 334
Янги Зеландия	0,8	10,3	+1 116
Австралия	62,2	193,2	+211
Германия	18,7	54,9	+193

Манба: OECD International migration database//

<https://stat.link/6aoz3r>

ИХТТ мамлакатларидаги халқаро талабаларнинг 20%и АҚШ, 14%и Бирлашган Қироллик, 9%и Австралия ҳамда 15%и Франция ва Германия улушига тўғри келади. Мазкур гуруҳ мамлакатларининг йирик донорлари Хитой, Ҳиндистон ва Вьетнам ҳисобланади. ИХТТ мамлакатларидаги олий таълим тизимида халқаро талабаларнинг умумий улуши бакалавриатурада 6%ни, магистратурада 20%ни ҳамда докторантурада 24%ни ташкил қилади. Хусусан, бакалавриатурада Австралия, АҚШ, Австрия, магистратурада Бирлашган Қироллик, Австралия, Швецария, докторантурада эса, Швецария, Голландия ва Янги Зеландия халқаро талабалар улуши бўйича юқори ўринларда туради.

¹¹⁴ International migration outlook 2023.

2.3.2.-жадвал

Олий таълим тизимида халқаро талабалар улуши бўйича етакчи ИХТТ мамлакатлари¹¹⁵

Бакалавриатура	Магистратура	Докторантура	Барча таълим босқичлари ¹¹⁶
Люксембург-49%	Люксембург-76%	Люксембург-91%	Люксембург-49%
Австралия-22%	Бирлашган Қироллик-39	Швецария-57%	Канада-30%
АҚШ-20%	Австралия-38%	Голландия-48%	Австралия-24%
Австрия-19%	Швецария-30%	Янги Зеландия-47%	Бирлашган Қироллик-22%
Швецария-18%	Латвия-27%	Бирлашган Қироллик-41%	Франция-13%
Канада-17%	Австрия-25%	Австрия, Исландия-39%	Германия-12%

Халқаро талабаларнинг докторантура, ундай кейинги ўринда эса, магистратурадаги улуши юқори бўлиб, барча таълим босқичлари бўйича биринчи ўринда Люксембург, ундан кейин Канада, Австралия ва Бирлашган Қироллик каби мамлакатлар етакчилик қилади¹¹⁷.

Бугунги кунда “Катта тўртлик” мамлакатлари халқаро талабаларнинг 43%ини жалб қилган. Мазкур мамлакатларнинг улуши йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери 40%дан камаймайди. Бу борада АҚШнинг “Катта тўртлик”даги улуши 2000 йилларда 55%ни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб, 40%га тушди. 2018-2023 йиллар оралиғида АҚШнинг мазкур

¹¹⁵ OECD Data explorer. Foreign / international students enrolled// [https://data-explorer.oecd.org/vis?tenant=archive&df\[ds\]=DisseminateArchiveDMZ&df\[id\]=DF_RFOREIGN&df\[ag\]=OECD&dq=.....&lom=LASTNPERIODS&lo=5&to\[TIME_PERIOD\]=false](https://data-explorer.oecd.org/vis?tenant=archive&df[ds]=DisseminateArchiveDMZ&df[id]=DF_RFOREIGN&df[ag]=OECD&dq=.....&lom=LASTNPERIODS&lo=5&to[TIME_PERIOD]=false)

¹¹⁶ Global mobility trends.Project atlas 2023// https://www.iie.org/wp-content/uploads/2024/01/Project-Atlas_Infographic_2023_2.pdf

¹¹⁷ International migration outlook 2023

мамлакатлар ичидаги улуши ортмаган, аксинча бу улуш Канада ва Бирлашган Қиролликда 1,6 ва Австралияда 1,4 баробарга ошганини кўришимиз мумкин¹¹⁸. Бунинг сабабини қолган 3 та йирик реципиент мамлакатларда пандемиядан сўнг тикланиш даврида кўпроқ талабаларни жалб қилиш учун олиб борган интилишлари билан изоҳлаш мумкин.

Халқаро талабаларнинг катта қисми учун жозибадор бўлган АҚШда талабалар мобиллиги мамлакат экспорт саноатининг бешдан бир қисмини ташкил этиб, 368 мингдан ортиқ иш ўринлари айнан халқаро талабаларнинг АҚШда таълим олишларига доир маслаҳатлар бериш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ¹¹⁹. АҚШда ҳар учта халқаро талаба битта иш ўрнини яратилишига сабаб бўлиб, мамлакатнинг 9 та штати халқаро талабалар ҳисобига 1 миллиард АҚШ долларида ортиқ фойда кўради.

АҚШга халқаро талабалар оқими 1950 йилларда бошланган бўлиб, 1970-2022 йиллар давомида уларнинг сони 144,7 минг кишидан 1,057 миллион кишига етган. Пандемия йилларида халқаро талабалар оқими аввалги йилларга нисбатан 15%га қисқариб кетган бўлсада, аммо 2021 йилда 4%га, 2022 йилда 12%га, 2023 йилда 8%га ошди. Мамлакатдаги халқаро талабалар сонининг ўсиши бўйича прогнозларга кўра, уларнинг сони энг ёмон ҳолатда 1,3 миллион кишига, энг яхши ҳолатда эса, камида 2 миллион кишига етиши мумкин.

¹¹⁸ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P.5. // https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

¹¹⁹ A. Goodman, Ceo and Mirka Martel. Outlook 2030 Brief: The U.S. and International Education // <https://www.iie.org/publications/outlook-2030-brief-the-u-s-and-international-education/>


2.3.3.-жадвал

АҚШда 2030 йилга келиб халқаро талабалар сони бўйича прогноз сценарийлари¹²⁰

Ўсиш сценарийси	Йиллик ўсиш %	2030 йилга прогноз
Юқори ўсиш	8-10%	2,0 миллион нафар
Барқарор ўсиш	5-7%	1,7 миллион нафар
Қуйи ўсиш	2-3%	1,3 миллион нафар

АҚШга талабалар дунёнинг 210 мамлакатидан ташриф буюриб, уларнинг 52%и Хитой ва Ҳиндистон улушига тўғри келади. Мамлакатдаги учинчи йирик донор мамлакат Корея Республикаси бўлиб, АҚШдаги корейликларнинг 71%и бакалавр босқичида таълим олади. Аммо корейликлар хориждаги қиммат олий таълим харажатларини қоплаш қобилиятига эга бўлишларига қарамай, сўнгги йилларда Кореяда ёшларнинг тобора улуши қисқариб бораётгани сабабли ҳукумат мамлакатдаги олий таълим сифатини ошириш ва шу орқали маҳаллий талабаларни ушлаб туришга ҳамда хорижлик талабаларни жалб қилишга интилмоқда. Бугунги кунда топ 1000 таликдан ўрин олган университетларнинг 36 таси ҳамда топ 100 таликдаги университетларнинг 6 таси айнан Кореяда жойлашган. Шу муносабат билан АҚШдаги халқаро талабаларнинг учинчи йирик гуруҳи бўлмиш корейликлар сонининг кейинги йилларда қисқариб бориши кузатилади.

¹²⁰ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P. 22. // https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf



2.3.4. Расм. АҚШдаги хорижлик талабалар сони, 2023 ва 2030 йиллар¹²¹

2022-2023 ўқув йили ҳолатига кўра, АҚШда Ҳиндистон (51%) билан бир қаторда Бангладеш (47%), Нигерия (46%), Эрон (42%), Непал, Бразилия(41%) каби мамлакатлардан халқаро талабалар сони юқори суръатлар билан ўсган. Кейинги йилларда АҚШда халқаро талабалар сонини ошириш бўйича афзаллик биринчи ўринда Ҳиндистонга (70%), иккинчи бўлиб, Вьетнамга (66%), ундан кейингина Хитой ва Корея Республикаси (53%)га берилган ¹²².

2023 йилда халқаро талабаларнинг АҚШ иқтисодиётига қўшган улуши 40 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, мазкур талабаларнинг ярмидан кўпини таълими АҚШ ташқарисидан, яъни шахсий маблағлар эвазига молиялаштирилган. Мамлакатдаги коллежларга халқаро талабаларнинг ҳиссаси 4 йиллик қисқаришдан сўнг, 2022 йилдан эътиборан 17%лик ўсиш билан тикланди.

¹²¹ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P. 22. // https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

¹²² J. Baer, M. Martel. Fall 2023 Snapshot on International Student Enrollment. Institute of International Education. 2023. P. 8., 12. // <https://www.iie.org/wp-content/uploads/2023/11/Fall-2023-Snapshot.pdf>

Халқаро талабалар таълим олаётган йўналишларнинг ўртача 44%и STEM, 22%и эса бизнес ва менежмент соҳаларига тўғри келади¹²³. Хусусан, АҚШда аккредитациядан ўтган университетларда таълим олувчи F-1 визасига эга хорижлик талабаларга OPT (Optional practical training) яъни “Ихтиёрий амалий тайёрлов” дастурида иштирок этиш имконияти яратилган бўлиб, унда талабалар таълим олиш даврида 20 соат ишлаш ва таълимни тугатгач ўз соҳаси бўйича бир йил давомида ишлаш имкониятига эга бўладилар. Бу борада STEM соҳасида таълим олган OPT дастури иштирокчиларига эса, уч йил муддат давомида ишлаш рухсатномаси берилади. Бугунги кунда АҚШда таълим олаётган халқаро магистрантларнинг 64%и айнан STEM OPT иштирокчилари ҳисобланди¹²⁴.

Жами халқаро талабаларнинг 17%ини жалб қилиб, бу борада 1-ўринда турган АҚШда 4 мингга яқин институтлар фаоллик кўрсатиб, жами талабалар таркибида хориждан келганларнинг улуши 6%ни ташкил қилади. АҚШдаги топ 100 таликка кирувчи университетлар мамлакатдаги халқаро талабаларнинг 57%ини жалб қилишга муваффақ бўлган. QS рейтингини бўйича топ 100 таликка кирувчи университетларнинг 82 таси 10 та мамлакат, яъни АҚШ, Австралия, Бирлашган Қироллик, Хитой, Корея Республикаси, Гонконг, Швеция, Канада ва Германияда жойлашган. Уларнинг 27 таси АҚШда, 17 таси эса, Бирлашган Қиролликда жойлашган. Times Higher Education рейтингини бўйича эса, 36 таси АҚШда, 11 таси Бирлашган Қиролликда жойлашган. Бу борада рақобатчи мамлакатларда имкониятлар янада кенгрок.

Хусусан, 169 тагина институтлари ҳисобига халқаро талабаларнинг 11%ини, яъни 680 минг нафарини жалб қила

¹²³ Project Atlas 2023

¹²⁴ julie baer , mirka martel. fall 2023 snapshot on international student enrollment. November 2023. P.6. // <https://www.iie.org/wp-content/uploads/2023/11/Fall-2023-Snapshot.pdf>

олган Бирлашган Қиролликда хориждан келганлар жами талабаларнинг 22%ини ташкил қилади. 2017-2022 йиллар давомида мамлакатда халқаро талабалар сони 50%га, 2020 йилда берилган визалар сони эса, деярли 30%га ортган. Мамлакатдаги халқаро талабаларнинг 40%и хитойлик ва ҳиндистонлик талабалар улушига тўғри келади. 2023 йил ҳолатига кўра, дуёнинг чорак қисмидан ортиқ (58 та) мамлакатларини бошқараётган шахслар Бирлашган Қиролликда таълим олган бўлиб, бу кўрсаткич бўйича мамлакат АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. 2022 йилга келиб халқаро талабаларнинг таълим учун тўловлари миқдори 9 миллиард фунт стерлингга етиб, соҳа даромадларининг 19,1%ини ташкил қилган. Қиролликда халқаро талабаларнинг ўқишлари давомида ҳар бир парламент сайлов округи учун 58 миллион фунт стерлинг миқдорида соф иқтисодий фойда келтирадилар, бу рақам мамлакатдаги жон бошига резидент учун 560 фунт стерлингга тўғри келади. Мамлакатнинг халқаро таълим ва трансмиллий таълим билан боғлиқ бўлган экспорт ҳажми 2010-2021 йилларда 76%га ўсиб, 27 миллиард фунт стерлингга етган. Бирлашган Қиролликдаги университетларнинг халқаро талабаларнинг тўловларига боғлиқлиги юқори бўлиб, талабалар сонининг қисқариши мамлакатдаги университетларнинг ярмидан кўпини танг аҳволга келиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, мамлакатдаги LSE Universityнинг 66%, University of Arts df BPP Universityнинг 54%, Imperial Universityнинг 53%, University College Londonнинг 52%, Cranfield University нинг 50% талабалари халқаро талабалардир. Шунингдек, мамлактнинг топ 10 та университетлардаги тадқиқотларнинг 8-17% гача бўлган улуши ёки 135 миллион фунт стерлинггача

бўлган қиймати айнан ЕИлик бўлмаган халқаро талабалар ҳисобига молиялаштирилади¹²⁵.

Канада эса, 249 та институтлар фаоллиги билан 660 минг нафар, яъни жами халқаро талабаларнинг 10%ини жалб қилинган бўлиб, уларнинг улуши мамлакатдаги талабаларнинг 30%ини ташкил қилади. 2024 йилга келиб, Канада халқаро талабаларга бериладиган визаларни 2023 йилга нисбатан 35%га қисқартиришни, халқаро талабалар сони 2022 йилдаги даражага туширишни режалаштирган.

Ўзидаги 190 та институт ҳисобига дунёдаги халқаро талабаларнинг 6%ини, яъни 362 минг нафарини жалб қилган Австралияда эса, мамлакатдаги талабаларнинг чорак қисми хориждан ташриф буюрган. Австралияда ҳам халқаро талабаларни жалб қилиш суръатларини камайтириш мақсадида 2023 йилнинг иккинчи ярмида 20% талабагорларнинг (покистонлик ва хиндистонлик талабаларнинг 1/3 қисми, непаллик талабаларнинг ярмидан кўпи) рад этилиши мамлакатдаги университетларнинг 300 миллион Австралия доллари миқдоридаги даромадларининг йўқотилишига сабаб бўлган¹²⁶.

Юқоридаги “Катта тўртлик” мамлакатларидан ташқари бошқа мамлакатларда ҳам халқаро талабалар улушининг сўнгги йилларда мунтазам равишда ортиб бораётганини, хусусан, бу борада йиллик ўртача 3-5%лик ўсиш билан 800 минг нафардан ортиқ талабани жалб қилган Германия ва Францияни мисол қилиш мумкин. Шу ўринда инглиз тили асосий тил бўлмаган мамлакатларда ҳам инглиз тилидаги

¹²⁵ Paul Bolton, Joe Lewis, Melanie Gower. International students in UK higher education. Research briefing. 28 May. 2024. P. 7, 17, 21.

¹²⁶ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P. 18. //

https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

таълимни ташкил қилиниши халқаро талабалар оқимини кенгайтирмоқда. Хусусан, айнан Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия ва Франция инглиз тилидаги таълим йўналишларини очиш эвазига халқаро талабаларни жалб қилиш режасини ишлаб чиққан. “Катта тўртлик”дан ташқари дунё бўйлаб инглиз тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари (ETP-english taught programme) сони 2014 -2023 йиллар давомида 3 бараварга кўпайиб, 40.786 тага етди, 2024 йилда уларнинг сони 2021 йилга нисбатан 22%га кўп бўлиши кутилмоқда “Катта тўртлик” мамлакатларида эса, унинг улуши 82%дан 78%га тушди. ЕТРларнинг 63%и магистратура босқичига тўғри келади. Шу кунга қадар ЕТР таълим йўналишларининг энг кўп таклифи яъни 50%и Европа мамлакатларининг Германия, Ирландия, Голландия каби мамлакатлардан кузатилган бўлса, сўнгги йилларда бу соҳада Туркия, Португалия ва Италия ҳам фаоллашиб бормоқда¹²⁷.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида Хитой ва Хиндистонда кузатилаётган хар тарафлама тараққиёт сиёсий доираларда АҚШ ва Европа мамлакатлари иқтидорлиларни жалб қилиш ва мамлакатда олиб қолиш бўйича абсолют рақобатбардошликларинини йўқотиб бормоқдалар. Чунки мазкур мамлакатлардаги иммиграция сиёсати иқтидорлиларни таълимдан сўнг мамлакатда қолиш имкониятилари учун у қадар очик эмас. Халқаро талабаларнинг донори бўлган ғарб мамлакатларидаги йирик шаҳарларда юқори инфляция, ҳаёт даражасининг қимматлашуви ва иқтисодий ноаниқлик шароитида аҳоли орасида уй-жой ва соғлиқни сақлаш каби бошқа ҳаётий муҳим бўлган хизматларга эга бўлиш имкониятларининг қисқариб бораётгани билан боғлиқ

¹²⁷ Number of English-taught degree programmes rises by 22% from 2021 to 2024. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/06/number-of-english-taught-degree-programmes-rises-by-22-from-2021-to-2024/>

омиллар мазкур мамлакатларда халқаро талабалар оқимини камайтириш чораларни кўриш заруратини тақозо этмоқда.

“Катта тўртлик” мамлакатларида халқаро талабалар сонини қисқартириш университетлар учун жиддий молиявий қийинчиликларни туғдириши табиий. Бу борада университетлар ходимларни, курсларни ҳамда инновацион тадқиқотларни қисқартириш, ҳаттоки факультетларни тугатиш каби чораларни қўллашга мажбур қилмоқда. Хорижий талабалар оқимига ўта боғланиб қолган университетларга эса, ҳаттоки молиявий банкрот бўлиш хавф солмоқда. Хусусан, университетларининг даромадини энг ками 30%и халқаро талабаларга боғланиб қолган Британияда хорижлик талабаларга оила аъзоларини олиб келишга рухсат берилишининг бекор қилиниши мазкур мамлакатда ўқиш истагида бўлган талабгорлар сонининг яна ҳам қисқаришига олиб келади. Масалан, мазкур омил 2024 йилда мамлакатга кириб келувчи аспирант талабалар сонинг 3 бараварга¹²⁸, унинг ЕИдан бўлмаган учинчи йирик донор мамлакати нигериялик талабгорлар сонининг 2024 йилда 49%га қисқариб кетишига сабаб бўлди. Бошқа томондан, эса мамлакатда инфляция ҳисобига харажатлар ва иш ҳақининг ошиши маҳаллий таълим тўловларининг реал қийматини пасайишига олиб келмоқда. Натижада британия университетлари хар бир маҳаллий талаба учун ўртача 3 минг фунт стерлинг йўқотмоқда. Аммо маҳаллий талабалар ҳисобига кўриладиган зарарнинг маълум қисмини қоплаб келаётган халқаро талабалар оқимидан олинадиган фойда қисми ҳам тобора қисқариб боради. 2021-2022 ўқув йилида халқаро талабалар ҳисобига келадиган тушум 10 миллиард фунт стерлингга етиб, британия университети даромадларининг 21%ини ташкил

¹²⁸ Paul Bolton, Joe Lewis, Melanie Gower. International students in UK higher education. Research briefing. 28 May. 2024. P.4.

қилган¹²⁹. Guardian таҳлилларига кўра, 2023 йилда университетларнинг ҳар бир 5 фунтининг 1 фунти халқаро талабалар ҳисобидан келган. Қолган етакчи мамлакатлар билан солиштирганда давлат олий таълимига бошқа мамлакатларга нисбатан кам харажат қиладиган Британиядаги университетларнинг 1/3 қисми 2024 йилда жиддий молиявий қийинчиликка учраган ва мазкур йили мамлакатдаги университетларнинг 40%и бюджет тақчиллигига учраши кутилмоқда. Хусусан, 2024 йилда Британиянинг 24% университетларини ўзида жамлаган Russel Group ассоциациясида талабгорлар сони уч бараварга қисқарган бўлиб, бу 500 миллион фунт стерлинг даромадни йўқотилишига олиб келиши маълум бўлган¹³⁰.

Халқаро талабаларни қабул қилувчи мамлакатларда 2023 йилда юқори инфляция кўрсаткичлари (АҚШ 6,4%, Австралия 7%, Германия 7,4%, Бирлашган Қироллик 8,9%) кузатилди¹³¹. Табиийки, бошқа ривожланаётган, хусусан талабаларни етказиб берувчи мамлакатларда бу кўрсаткичлар анча юқори бўлиб, оилаларнинг тўлов қобилиятини пасайтириб юбормоқда. Сўнгги бир йил АҚШ, Канада ва Европа мамлакатларидаги озиқ-овқат ва энергетика хизматлари нархларининг ошиб бораётгани валюта кризисини бошдан кечираётган донор мамлакатлардан ташриф буюрувчи талабаларнинг хорижда таълим олиш фикрини қайта кўриб чиқишга ундамоқда.

2025 йилда хорижда таълим олишни режалаштираётган потенциал талабалар ўртасида ўтказилган тадқиқот

¹²⁹ Student Migration to the UK. 24 Jan 2024. The migration observatory// <https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/student-migration-to-the-uk/>

¹³⁰ International enrolment declines pressuring UK universities this year, with one in three facing significant financial challenges. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/07/international-enrolment-declines-pressuring-uk-universities-this-year-with-one-in-three-facing-significant-financial-challenges/>

¹³¹ The cost of living: A closer look at inflation and foreign exchange trends in key student markets. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2023/04/the-cost-of-living-a-closer-look-at-inflation-and-foreign-exchange-trends-in-key-student-markets/>

натижаларига кўра, ҳар олтита респондентдан биттаси ўқиш учун дастлаб мақсад қилган дестинация мамлакатларини ўзгартирганликлари маълум бўлиб, айнан “Big Four” мамлакатлари борасидаги қарорларида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Хусусан, 2024 йил ҳолатига кўра, уларнинг қизиқиши Янги Зеландияга 86%га, Германияга 36%га ва АҚШга 13%га ортган бўлиб, қолган йирик реципиент мамлакатлар Канадага 32%, Бирлашган Қиролликга 16% ва Австралияга 9%га қизиқиш камайган. Бундай ўзгарувчан қарорларга уларнинг 24%и дастлабки танланган мамлакатлардаги нархларнинг ўзгариши, 14%и эса, халқаро талабаларга нисбатан миграция сиёсатидаги ўзгаришлар сабаб бўлганини маълум қилганлар¹³².

Халқаро таълим бозорида ғарб мамлакатларида шундай шароит юзага келган бир пайтда мазкур бозорда сўнгги йилларда фаоллашиб ва ўзининг анча “юмшоқ” иммиграция сиёсати билан жозибадор мамлакатларга айланётган Корея Республикаси, Хитой, Туркия, Малайзия ва Тайвань каби мамлакатлар эса, Осиё минтақасида жойлашган мамлакатлардан ташриф буюрувчи талабаларни жалб қилишда фаоллашиб бормоқда. Биз юқорида таъкидлаган айнан инглиз тилидаги таълим йўналишларининг ташкил этилиши Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг глобал таълим бозоридаги иштирокининг фаоллашувига туртки бермоқда. Бугунги кунда ЕТР дастурларининг 12%и Шарқий Осиё мамлакатлари (Малайзия, Япония, Корея, Таиланд)га ва тахминан 6%и Хитойга тўғри келади¹³³.

¹³² The impact of immigration settings, affordability, and job opportunities on international students' study abroad decisions. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/04/the-impact-of-immigration-settings-affordability-and-job-opportunities-on-international-students-study-abroad-decisions/>

¹³³ Number of English-taught degree programmes rises by 22% from 2021 to 2024. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/06/number-of-english-taught-degree-programmes-rises-by-22-from-2021-to-2024/>

Хусусан, 70%га яқин талабалари ғарб мамлакатларида таълим олаётган Япониядаги 231 минг нафар халқаро талабаларнинг 80%и Осиёнинг Хитой, Вьетнам, Непал, Корея ва Индонезия каби мамлакатларидан, айнан 45%и эса, Хитойдан ташриф буюрган¹³⁴. Ўз навбатида халқаро талабалар оқимининг катта қисмини ташкил қилувчи хитойлик талабалар учун хитойлик оилаларнинг молиявий аҳволи яхшиланиб уларнинг ўз фарзанларини учун хориждаги таълимни тўлаб беришга қодирликларини ошиши ва Хитойнинг халқаро таълим бозоридаги муҳим донор мамлакатлардан бирига айланишига қарамай, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, мамлакатда етакчи ва рақобатбардош университетлар сонининг ортиши, мультихалқаро иш берувчиларнинг кўпайиши ҳамда пандемия ва унинг оқибатлари кўплаб хитойлик талабаларни ўз ватанларида ёки минтақа ичида таълим олишга мажбур қилиши Хитойни янги халқаро таълим марказларидан бирига айланишига туртки бермоқда. Хорижда таълим олишни режалаштирган хитойлик ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномаларнинг кўрсатишича, 2023 йилга келиб хорижда, хусусан минтақа ташқарисида таълим олишни ҳоҳловчилар сони 2019 йилга нисбатан қисқарган. Хусусан, бу кўрсаткич АҚШ учун 45%дан 34%га, Бирлашган Қиролик учун 33%дан 31%га, Канада учун 24%дан 21%га, Австралия учун 20%дан 14%га қисқарганини, аксинча Гонконг, Хитой учун 10%дан 15%га, Япония учун 9%дан 15%га, Сингапур учун 9%дан 14%га ўсган.

Шу ўринда хитойлик таълим олувчилар орасида яна бир янги тенденция, яъни 12 йиллик мактаб таълими (К-12) учун

¹³⁴ Japan aims to rebuild foreign enrolment by 2027.ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2023/03/japan-aims-to-rebuild-foreign-enrolment-by-2027/>

хам хитойликлар ўз фарзандларини Малайзия, Таиланд ва Сингапур каби мамлакатлардаги ғарбий университетлар билан боғлиқ бўлган халқаро мактабларга юбориш ҳолатлари кенгаймоқда. Хусусан, хитойлик мазкур таълим талабгорлари сони 2020-2021 йилларда Малайзия ва Таиландда 150%га ортган¹³⁵. Аммо Хитойда ёшлар орасида давом этаётган юқори ишсизлик хитойликларни мамлакат ташқарисида таълим олиш имкониятларини янада диверсификациялашга ундамоқда. 144 та мактаб битирувчилар ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, 2024 йилда битирувчиларнинг 1/3 қисмига яқини битта мамлакатдаги, 37%и иккита мамлакатдаги, 24%и эса, учта мамлакатдаги университетларга таълим олиш учун хужжатлар тақдим этган¹³⁶.

Аҳоли камайиши муаммосига қарши кураш бошлаган ҳамда 2020- 2040 йиллар оралиғида маҳаллий аҳоли орасида университетга топшириши мумкин бўлган талабалар сони 40%га қисқариши кутилаётган¹³⁷ Корея Республикаси эса, 2023 йилга келиб, вьетнамлик талабаларни Канадага нисбатан 75%га, АҚШга нисбатан эса, 62%га кўпроқ жалб қила олган¹³⁸. Бугунги кунда Хитой, Вьетнам ва Ўзбекистонлик талабалар мамлакатдаги халқаро талабаларнинг 75%ини ташкил қилади. Хукумат томонидан талабаларга хафтасига ишлашга рухсат бериладиган соатларни ошириш, дам олиш кунлари чекловларсиз ишлашга рухсат бериш, талабаларни виза

¹³⁵ Special report: Chinese students are turning to Asian destinations in greater numbers. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2023/06/special-report-chinese-students-are-turning-to-asian-destinations-in-greater-numbers/>

¹³⁶ Demand for study abroad rising in China but students considering more destinations in 2024. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/02/demand-for-study-abroad-rising-in-china-but-students-considering-more-destinations-in-2024/>

¹³⁷ Korea eases work and visa policies in a bid to further boost foreign enrolment. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2023/07/korea-eases-work-and-visa-policies-in-a-bid-to-further-boost-foreign-enrolment/>

¹³⁸ South Korea on track to attract thousands more international students within the decade. ICEF monitor// <https://monitor.icef.com/2024/07/south-korea-on-track-to-attract-thousands-more-international-students-within-the-decade/>

олишлари учун молия талаб миқдорини қисқартириш, таълимни тугатгач иш қидириш учун малакатда қолиш муддатини олти ойдан уч йилга узайтириш, хорижлик талабалар даъвогар бўла оладиган иш ўринларини кенгайтириш, STEM соҳасида таълим олувчи талабаларга стипендияларни кўпайтириш ва мазкур соҳа битирувчиларига мамлакат резиденти бўлиш имкониятларини яратиш ва енгиллаштириш, халқаро талабаларга жавоб берувчи университетлар сонини ошириш ва уларга имтиёзлар бериш каби чораларни кўриш билан ҳозирда 207 минг нафарни ташкил қилаётган халқаро талабалар сонини 2027 йилга келиб 300 минг нафарга етказишни мақсад қилган.

Шу ўринда Осиёлик талабаларнинг хориждаги таълим харажатларининг қоплай олиши масаласи муҳим роль ўйнайди. Бу борада QS томонидан ҳамёнбоплиги нуқтаи назаридан етакчи бўлган талабалар шаҳарлари рейтингида айнан Осиё мамлакатларидаги Сингапур, Токио, Гонконг, Сеул ва Куала Лумпур каби шаҳарлар етакчилик қилган. Айнан мазкур мамлакатлар талабалар учун энг яхши шаҳарлар рейтингида ҳам топ 20 таликдан жой олган¹³⁹.

Бир томондан, географик ва маданий яқинлик, ҳамёнбоп таълим харажатлари каби омиллар осиеликлар учун минтақа ичида жойлашган юқори рейтингларга эга университетларга афзаллик беришларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқа томондан эса, Канада, Австралия ва Бирлашган Қироллик каби мамлакатларда хорижлик талабаларни жалб қилиш суръатларини секинлаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилаётган бир пайтда Осиё мамлакатлари халқаро талабаларни жалб қилиш бўйича рекорд кўрсаткичларга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

¹³⁹ QS Best Student Cities 2023// <https://www.topuniversities.com/city-rankings/2023>

Шарқий Осиё минтақасида халқаро талабалар оқими 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 22%, хусусан, Японияда 21%, Малайзияда 14%(2021-2022 йилларда 28%), Корея Республикасида 24%га ошган. Тарихан қуйи туғилиш кўрсаткичлари кузатилаётган, 2035 йилга келиб фертилик кўрсаткичи дунё бўйлаб энг қуйи даражага тушиши кутилаётган ва шу сабабли иқтисодиётда иш кучи танқислиги муаммоси чуқурлашиб бораётган Тайвань ҳам 2023 йилга келиб, пандемия давридаги йўқотишларни 90%га тиклаб олиш имкониятига эга бўлди. 2030 йилга келиб 400 минг нафар ишчи кучи танқислигига учраши кутилатаётган мазкур мамлакат Хитой, Гонконг ва Сингапур каби мамлакатлар билан иқтидорли ёшлар учун рақобатлашиш зарурлигини англаб етмоқда ва шу муносабат билан 2030 йилга келиб мазкур оқим хажмини 320 минг кишига етказишни режалаштирган¹⁴⁰.

Пандемия ва геосиёсий вазият борасидаги босимнинг ортиши кишиларда уйларида узок бўлмаган ёки тарихий, маданий, этник жиҳатдан яқин ва қулай бўлган ҳудудларда таълим олиш имкониятларини кенгайтди. 2020 йил ҳолатига кўра, халқаро талабалар таркибида осийлик талабалар Тайванда 40%ни, Кореяда 50%ни, Хитойда 60%ни, Японияда 94%ни ташкил қилади¹⁴¹. Айнан пандемия ва унинг асоратларини юмшатиш шароитида халқаро талабалар орасида Осиё мамлакатларида нисбатан арзонга ғарб дипломларига эга бўлиш имконини берувчи трансмиллий таълим (TNE-Transnational education) тизими кенг ривожлана бошлади. 2020-2021 йиллар давомида британия институтлари томонидан 218 та мамлакатнинг 510 минг нафар талабаларига трансмиллий таълим хизматлари кўрсатилган. Трансмиллий


¹⁴⁰ Taiwan ties new international recruitment goals to labour shortages.ICEF monitor//

<https://monitor.icef.com/2023/02/taiwan-ties-new-international-recruitment-goals-to-labour-shortages/>

¹⁴¹ Closer to home: Intra-regional mobility in Asia.ICEF monitor//

<https://monitor.icef.com/2019/12/closer-to-home-intra-regional-mobility-in-asia/>

таълим соҳасида етакчи бўлган Бирлашган Қиролликда 156 та ташкилот TNE хизматларини тақдим этиб, уларнинг 15 таси мамлакатдаги жами TNE иштирокчиларининг 50%ини жалб қилган. Мазкур таълим шакли тингловчиларининг катта қисми Осиё минтақасидан бўлиб, мамлакатлар кесимида уларнинг 12%и Хитой, 9,5%и Малайзия 7,5%и Шри-Ланка, 5,5и Сингапур, 4,7%и Миср улушига тўғри келади. Мазкур таълим тури тингловчиларининг 67%и бакалавриатура, 31%и эса магистратура босқичига тўғри келади¹⁴².



2.3.5. Расм.Бирлашган Қироллик трансмиллий таълим тизими иштирокчиларининг тақсимланиши, %¹⁴³

Хар йили ўртача 15 минг нафар талабани хорижга таълим олишга юборадиган БАА 2023 йилдан бошлаб 2028 йилга қадар 6 минг нафар маҳаллий талабаларни 2+2 шаклидаги трансмиллий таълим тизими бўйича АҚШ ва Канадада таълим

¹⁴² The scale of UK higher education transnational education 2020–21.Trend analysis and regional highlights.British council. UK 2022. P.2,18. //

<https://www.universitiesuk.ac.uk/sites/default/files/field/downloads/2022-11/UUKi%20Scale%20of%20UK%20HE%20TNE%202020-21%20updated.pdf>

¹⁴³ The scale of UK higher education transnational education 2020–21.Trend analysis and regional highlights.British council. UK 2022. P.2,18. //

<https://www.universitiesuk.ac.uk/sites/default/files/field/downloads/2022-11/UUKi%20Scale%20of%20UK%20HE%20TNE%202020-21%20updated.pdf>

олишларини молиялиштиришга қаратилган қиймати 520 миллион АҚШ долларилик Khotwa (RizeUp) дастурини ишга туширди¹⁴⁴. Шунингдек, Саудия Арабистони ҳукумати томонидан 2030 йилга қадар инглиз тилида сўзламайдиган Япония, Корея ва Германия каби мамлакатларга 2030 йилга 70 минг нафар талабаларни таълим олиш учун юборишни бошлаган¹⁴⁵. 2020 йилда халқаро талабаларни юбориш бўйича тўртинчи ўринда бўлган мисрлик талабаларнинг 1/3 қисми БАА ва Саудия Арабистонида таълим олган. Ўз навбатида хорижий университетларнинг филиалларига рекорд даражадаги сонга эга бўлган Мисрга ҳам БАА, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия ва Германия каби мамлакатлардан 34 минг нафар хорижий талабалар ўқишга келади.

2021 ва 2023 йилларда 10 минг нафар талабалар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, хорижий мамлакатга бориб кундузги таълим олишни режалаштираётган талабалар улуши 81%дан 71%га қисқарган. Шунингдек, ўз мамлакатада туриб аккредитациядан ўтган хорижий ҳамкор университетда ўқиш истагини билдирган талабалар улуши 10%дан 17%га ошган. Трансмиллий таълим шаклини танлов сифатида қабул қилаётган талабалар учун хорижий таълим учун нисбатан арзон тўлов, таълимдан сўнгги халқаро квалификациядан миграцияни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш, битирувчиларнинг таълимдан сўнг ишлаш имкониятига эга бўлишлари, юқори рейтингга эга бўлган университетда таълим олиш имкониятини осон қўлга киритиш

¹⁴⁴ UAE sets a new tone for scholarship programmes in the Persian Gulf// <https://monitor.icef.com/2022/11/uae-sets-a-new-tone-for-scholarship-programmes-in-the-persian-gulf/>

¹⁴⁵ Updated Saudi scholarship programme will send 70,000 students abroad by 2030 // <https://monitor.icef.com/2022/05/updated-saudi-scholarship-programme-will-send-70000-students-abroad-by-2030/>

каби омиллар роль ўйнайди. Аммо мазкур таълим шаклининг асосий ҳал қилувчи мотиви бу- хорижий университет дипломига эга бўлган талабаларнинг хорижга бориб ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳисобланади. Шунингдек, хорижга бориб ўқиш истаги камайган талабаларнинг 56%и хориж мамлакатларидаги яшаш харажатларининг ошиши уларнинг қаерда таълим олишлари борасидаги режаларига ўзгартириш киритишга сабаб бўлган¹⁴⁶. Айнан трансмиллий таълим шакли шу каби муаммоларни юзага келишини олдини олишга хизмат қилмоқда.

Халқаро таълим миграциясининг ривожланишини унинг иштирокчиларининг халқаро таълим бозоридаги юзага келаётган сабаб ва омиллар ҳамда оқибатларга бўлган муносабати асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, 32 та мамлакатдан ташриф буюрган 166 нафар АҚШда таълим олаётган талабалар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, респондентларнинг хорижда таълим олишига ижтимоий сабаблардан ҳам кўра, профессионал омиллар етакчилик қилишини кўриш мумкин. Респондентларнинг 88%и уларнинг хорижда таълим олишига у ердаги таълим тизимининг юқори сифатга эга эканлиги ҳамда уларнинг 74%и хорижий таълим келажакда карьера имкониятлари эшигини очиб беришини маълум қилганлар. АҚШда таълим олиш 83%респондентларга улар танлаган соҳа бўйича анча сифатли таълим олиш, 73% респондентларга яхшироқ профессионал “нетворкинг”га эга бўлиш, 70%ига яхшироқ устоз ва маслаҳатчига учраш, 69%ига яхшироқ иш топиш имкониятларини яратиши маълум бўлган. АҚШдаги талабаларнинг 78%и таълимни тугатгач мамлакатда қолишни режалаштирган бўлиб, уларнинг бу қарорга келишидаги 4 та

¹⁴⁶ Survey finds students more open to branch campus study.ICEF monitor//
<https://monitor.icef.com/2023/12/survey-finds-students-more-open-to-branch-campus-study/>

асосий сабабнинг учтаси профессионал омиллар бўлиб, атиги 20%гина респондентларга АҚШда қолиш қарорига ижтимоий омиллар таъсир қилгани маълум бўлган. Респондентлар орасида таълимдан сўнг ўз карьера режаларини академик муҳитдан ташқарида давом эттириш истагида бўлганларнинг 90%и АҚШда қолишни режалаштирган. Аксинча, ўз карьерасини академик муҳитда давом эттириш истагида бўлганларнинг 86%и уларнинг фаолияти ўз Ватанларида ватандошлари томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланишини билдирганлар. Таълимдан сўнг АҚШни тарк этиш истгани билдирган респондентларнинг 72%и учун оила асосий омил бўлган¹⁴⁷. Шунингдек, респондентларнинг 64%ини осийликлар ташкил этган мазкур тадқиқот натижаларида халқаро талабалар АҚШ таълим тизимининг сифати ва кучли томонини унинг танқидий фикрлашга асосланганлиги, уларнинг ватанларида олган базавий билимлари кучли бўлишига қарамадан АҚШнинг танқидий фикрлаш ва аудитория муҳокамасига асослаган таълим тизими уларнинг билимларини чуқурлашувида муҳим роль ўйнашини таъкидлаганлар. АҚШда олий таълим харажатлари йилига халқаро талабалар учун 2004-2022 йиллар оралиғида деярли 50%га қимматлашгани, яъни 32 минг АҚШ долларида 51 минг АҚШ долларига етганига қарамай, халқаро талаблар оқими 60%дан ортиқ миқдорда ўсган¹⁴⁸.

British Council томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, пандемия давридаги катта йўқотишлардан 2023 йилга келиб тўлиқ тикланиб олган халқаро талабаларни қабул қилувчи

¹⁴⁷ Xueying Han ,Galen Stocking,Matthew A. Gebbie,Richard P. Appelbaum. Will They Stay or Will They Go? International Graduate Students and Their Decisions to Stay or Leave the U.S. upon Graduation// <https://journals.plos.org/plosone/article?id=10.1371/journal.pone.0118183>

¹⁴⁸ Holon IQ.International education. 204 global students flow.US outlook.May.2024.P.16.// https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

йирик мамлакатларда 2023 йилда рекорд даражада юқори бўлган талабаларни қабул қилди ва 2024 йилдан бошлаб Австралия, Канада ва Бирлашган Қиролликда уларни қабул қилиш хажми аста-секин қисқариб, узок муддатли барқарор даражага қайтади. Эндиликда мазкур мамлакатлар талабалар сонига қаратилган урғудан, энг яхши талабаларни жозибадор шароитларга таклиф қилишга қаратилган сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратадилар.

Глобал демографик вазият ва университетлардаги таълим сифати кейинги йилларда ҳам халқаро таълим миграциясининг муҳим омили бўлиб қолади ва мазкур оқим мамлакатлар ўртасидаги рақобатбардошликни кучайтиради. Кейинги ўттиз йил ичида 75%и Осиё ва Африка минтақасидан бўлган инглиз тилидаги олий таълимга ва етакчи университетларнинг дипломига эҳтиёж сезувчи мактаб битирувчилар ҳисобига потенциал халқаро талабалар сони кўшимча 1 миллиардга кишига ортиши башорат қилинмоқда¹⁴⁹. Бу эса, халқаро таълим бозорининг ҳам донорлари, ҳам реципиентлари олдида янги стратегик вазифаларни қўйиш ҳамда мазкур жараённинг хавфсизлик ва ижтимоий муаммолар билан боғлиқ асоратларини камайтириш ва унинг ижобий оқибатларини оширишга қаратилиши лозим.

II БОБ бўйича хулосалар

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши ва дунё бўйлаб 75% иш берувчилар ўзлари учун зарур бўлган иқтидор эгаларини топишда қийинчиликларга учраши, технологик мараказлар томонидан юқори малакали кадрларга бўлган

¹⁴⁹ Holon IQ. International education. 204 global students flow. US outlook. May. 2024. P.5.// https://uploads-ssl.webflow.com/620ed79721f927c823c09714/664f2feb80d9d84c48ae9905_HolonIQ%202024%20Global%20Student%20Flows%20-%20US%20Outlook.pdf

талабнинг ортиши, турли хил стипендиялар ва грантлар эвазига иқтидорли мутахассислар ва олимларни ҳамда ёшларни жалб қилишга қаратилган халқаро дастурларнинг кенгайиши, жозибадор иммиграция сиёсати, глобллашув ва рақамлаштириш шароитида таълим платформалари билан бирга турли касбий платформалар ва ижтимоий тармоқларнинг ҳам ривожланиши, пандемия ва бизнеснинг халқаролашуви каби халқаро интеллектуал миграция жараёнларининг замонавий тенденцияларини намоён этмоқда.

ИХТТ мамлакатларининг иқтидорлилар учун жозибадорлиги кўрсаткичига кўра, Янги Зеландия, Швеция, Швецария, Австралия ва Норвегия юқори малакали мутахассислар, Швеция, Швецария, Канада, Норвегия ва Янги Зеландия тадбиркорлар, АҚШ, Германия, Бирлашган Қироллик, Норвегия, Австралия ва Норвегия эса, халқаро талабалар учун жозибадор мамлакатлар бўлиб қолмоқда. Янги Зеландия, Швеция, Швецария, Австралия, Норвегия, Люксембург, Бирлашган Қироллик, Голландия, АҚШ ва Канада юқори малакали мигрантлар учун барча жозибадорлик мезонлари кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатлар ҳисобланади.

Африка, Осиё, Яқин Шарқ ва Жанубий Америка минтақаларидаги олий таълим тизими ҳажмининг ёшларни қамраб ололмаётганлиги, унинг сифатидан етарли даражада қоникмаслик, дунё бўйлаб қочоқлар ва улар орасида 18-24 ёшдагилар сонининг ортиб бориши ҳамда ёшларнинг улуши қисқариб бораётган юқори даромадли мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошликларини сақлаб қолишларида юқори малакали ишчи кучига бўлган боғлиқларининг чуқурлашиб бораётгани каби омиллар халқаро талабалар миграциясининг тобора кенгайишга туртки бермоқда.

2024 йил ҳолатига кўра, халқаро талабаларнинг 57%и осиеликлардан иборат бўлиб, АҚШ, Бирлашган Қироллик, Канада, Австралия каби инглиз тилида сўзлашувчи “катта тўртлик” мамлакатлари жами талабаларнинг 43%ини жалб қилган асосий реципиент мамлакатлар ҳисобланади. “Катта тўртлик” мамлакатларидан ташқари инглиз тили асосий тил бўлмаган мамлакатларда ҳам инглиз тилидаги таълимни ташкил қилиниши Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия ва Франция каби мамлакатларни халқаро таълим миграциясининг янги ўчоқларига айлантирмоқда.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида Хитой ва Хиндистонда кузатилаётган хар тарафлама тараққиёт АҚШ ва Европа мамлакатларининг иқтидорлиларни жалб қилиш ва мамлакатда олиб қолиш бўйича рақобатбардошликларинини йўқотиб бормоқдалар. Ғарб мамлакатларидаги йирик шаҳарларда юқори инфляция, ҳаёт даражасининг қимматлашуви ва иқтисодий ноаниқлик шароитида аҳоли орасида уй-жой ва соғлиқни сақлаш каби бошқа ҳаётий муҳим бўлган хизматларга эга бўлиш имкониятларининг қисқариб бориши мазкур мамлакатларда халқаро талабалар оқимини камайтириш чораларни кўриш заруратини тақозо этмоқда.

Пандемия ва геосиёсий вазият кишиларда уйларида узоқ бўлмаган ёки тарихий, маданий, этник жиҳатдан яқин ва қулай бўлган худудларда таълим олиш имкониятларини кенгайтирди ва бу борада Осиё мамлакатларида нисбатан арзонга ғарб дипломларига эга бўлиш имконини берувчи трансмиллий таълим тизими кенг ривожлана бошлади

III БОБ. ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМЛАРИ


3.1 Юқори малакали мигрантларни жалб қилишнинг хориж тажрибаси

Жаҳонда таълим даражасининг ортиши олий маълумотга эга кишиларнинг катта гуруҳини шаклланишига туртки берак экан, уларнинг аксарияти бу борада кенг имкониятлар эшигини очиб берувчи АҚШга оқиб кела бошладилар. АҚШнинг иммиграция сиёсатида кузатилган ўзгаришлар ва глобал таълим тенденциялари 1990 йиллардан кейин олий маълумотли мигрантлар сонининг юқори суръатлар билан ўсишига туртки берди.

Дунё бўйича мигрантларнинг энг катта қисмига, яъни бешдан бирига эга бўлган АҚШда 334,9 миллион¹⁵⁰ аҳолининг 46 миллионини яъни, деярли 14%ини халқаро мигрантлар ташкил қилади. Мамлакатдаги 140 миллион нафар меҳнат ресурсларининг 30 миллиони меҳнат мигрантларидан иборат бўлиб, уларнинг 22 миллиони қонуний мавқеъга эга. Дунёда нафақат мигрантлар сони балки, айнан юқори малакали мигрантларни жалб қилиш бўйича ҳам етакчилик қилиб келаётган АҚШда маҳаллий аҳолига нисбатан мигрантлар орасида олий маълумотлилар улушининг кўпроқ ўсишини кузатиш мумкин. Хусусан, маҳаллий аҳоли ва иммигрантлар ўртасидаги олий маълумотлилар улушининг ўсиши 1990-2000 йилларда 38% ва 87%ни, 2000-2010 йилларда 26%ва 57%ни, 2010-2018 йилларда 24% ва 38%ни ташкил қилди¹⁵¹.

¹⁵⁰ <https://www.statista.com/statistics/263762/total-population-of-the-united-states/>

¹⁵¹ Kira Olsen-Medina, Jeanne Batalova. College-Educated Immigrants in the United States. Migration policy institute// <https://www.migrationpolicy.org/article/college-educated-immigrants-united-states/>



3.1.1. Расм. АҚШда олий маълумотга эга бўлганлар сонинг ўсиши, 1990-2018 йиллар, %

Манба: Migration Policy Institute (MPI) analysis of data from the U.S. Census Bureau's 1990 and 2000 Decennial Census and 2010 and 2018 American Community Survey (ACS).

Шунингдек, бакалавр даражасига эга бўлганлар 1990-2000 йиллар давомида маҳаллий аҳоли орасида 32%га, мигрантлар орасида 89%га, 2000-2022 йиллар орасида эса, бу кўрсаткич маҳаллий аҳоли орасида 75%га, мигрантлар орасида эса, 141%га ортган. Шу билан бирга АҚШда маҳаллийлаштирилган (naturalized citizens) фуқароларнинг қарийб 40%и бакалавр ва ундан юқори даражага эга бўлганлар бўлиб, уларнинг 22,1%и бакалавр ва 17,1%и магистр ёки илмий даражага эга бўлган кишилардир. АҚШ фуқаролиги бўлмаган мигрантларнинг эса, 19%игина олий маълумотлидир¹⁵².

¹⁵² <https://www.migrationpolicy.org/data/state-profiles/state/language/US>

3.1.1.-жадвал

АҚШда маҳаллий аҳоли ва мигрантлар орасида бакалавр ва магистр даражасига эга кишилар улуши, 1990-2022 йиллар

	1990		2000		2022	
	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр
Маҳаллий аҳоли	13,3%	7,1%	15,8%	10,3%	22,2%	13,7%
Мигрантлар	11,5%	8,8%	13,7%	8,6%	19,1%	15,6%


Манба: Migration policy institute

2023 йил ҳолатига кўра, олий маълумотга эга бўлган 25 ёшдан катталар маҳаллий аҳоли орасида 36% , мигрантлар орасида эса, 35% улушни ташкил қилади. Олий маълумотли мигрантларнинг 19,1%и бакалавр, 15,6 %и магистр ва ундан юқори даражага эга бўлиб, мазкур улуш маҳаллий аҳоли орасида 22,2% ва 13,7% нисбатни ташкил қилади¹⁵³.

АҚШга кириб келаётган мигрантлар орасида тобора олий маълумотлилар улуши ортиб бормокда. Хусусан, 2020-2022 йиллар орасида мамлакатга кириб келган мигрантларнинг 48%и олий маълумотли кишилар бўлган. Аммо мигрантлар таркибида олий маълумотга эга бўлганлар улуши донор минтақалар ва мамлакатлар кесимида турлича ҳолатни ифодалайди. Хусусан, Жанубий Осиё (77%), Марказий Осиё (55%), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка (53%), Канада ва Жанубий Америка (52%), Шимолий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрганлар орасида олий маълумотлилар улуши юқори бўлиб, Мексика (9%) ва Марказий Америка (12%)ликлар орасида эса, аксинча ҳолат

¹⁵³ <https://www.migrationpolicy.org/data/state-profiles/state/language/US>

кузатилади.¹⁵⁴ Мамлакатлар кесимида эса, бу борада БАА, Хиндистон (81%), Саудия Арабистони (80%), Монголия (75%), Тайвань (74%), Сингапур (70%) каби мамлакатлар етакчилик қилади. 2020-2022 йиллар мобайнида кириб келган мигрантларга эътибор қаратилса, бу борада Тайвань (88%) етакчи бўлиб, ундан кейинги ўринларни мигрантларининг 85-87%и олий маълумотга эга бўлган Корея, Франция, Хиндистон ва Япония эгаллади¹⁵⁵.




3.1.2. Расм. АҚШдаги 25 ёшдан катта бўлган олий маълумотли мигрантларнинг минтақалар кесимидаги улуши *Манба: Pew Research Center*

Олий маълумотга эга бўлган юқори малакали мигрантларнинг мамлакат иқтисодиётига интеграциялашувини таҳлил қилишда улар эгаллаётган иш ўринларига ҳамда фаолият кўрсатадиган соҳа ва тармоқларга

¹⁵⁴ [Mohamad Moslimani, Jeffrey S. Passel. What the data says about immigrants in the U.S.// https://www.pewresearch.org/short-reads/2024/07/22/key-findings-about-us-immigrants/](https://www.pewresearch.org/short-reads/2024/07/22/key-findings-about-us-immigrants/)

¹⁵⁵ [Frequently Requested Statistics on Immigrants and Immigration in the United States// https://www.migrationpolicy.org/article/frequently-requested-statistics-immigrants-and-immigration-united-states-2024](https://www.migrationpolicy.org/article/frequently-requested-statistics-immigrants-and-immigration-united-states-2024)

эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнгги йигирма йил ичида мамлакатда олий маълумотга эга мигрантларнинг компьютер технологиялари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги улуши ортган. Хусусан, ҳар ўн та компьютер технологиялари соҳасидаги маҳаллий кадрга 4,2 та хорижлик мутахассис тўғри келади, мазкур кўрсаткич ўқитувчилар орасида 10:3, врачлар ва муҳандислар орасида эса, 10:2,5 нисбатни ташкил қилади¹⁵⁶.



3.1.3. Расм. АҚШдаги олий маълумотли мигрантларнинг касб соҳалари бўйича тақсимланиши¹⁵⁷

Манба: American community Service

Олий маълумотли мигрантларнинг фаолият йўналишларини аниқлаш уларнинг реципиент мамлакатдаги меҳнат самарадорлигига таъсирини ўрганиш имконини беради. Бу борада Джовани Пери ва Чад Спарберлар ўз тадқиқотлари давомида мигрантлар кўпроқ дастурлаш,

¹⁵⁶ Nicolas Morales. College-Educated Immigrants Bolster U.S. Productivity. Economic Brief March 2021, No. 21-08. Federal reserve bank of Richmond// https://www.richmondfed.org/publications/research/economic_brief/2021/eb_21-08

¹⁵⁷ Nicolas Morales. College-Educated Immigrants Bolster U.S. Productivity. Economic Brief March 2021, No. 21-08. Federal reserve bank of Richmond// https://www.richmondfed.org/publications/research/economic_brief/2021/eb_21-08

математика, мухандислик каби миқдорий ва таҳлил кўникмаларни, маҳаллий аҳоли эса, коммуникация ва бошқа интерактив кўникмаларни талаб қилувчи соҳаларда банд бўлишларини, маълум бир соҳада олий маълумотли мигрантлар сонининг ошиши билан маҳаллий аҳоли нисбатан юқори коммуникатив кўникмаларни талаб қилувчи касбларга ўтиб кетишларини маълум қилганлар¹⁵⁸. Бу ҳолат мигрантлар ва маҳаллий аҳоли бир-бирларини тўлдирувчи кўникмаларга эга бўлиб, уларнинг муштараклиги турли ҳил соҳаларда ихтисослашув имкониятларини кенгайтиришини англатади.

АҚШдаги олий маълумотли мигрантларнинг топ бешта банд бўлган соҳаларига менежмент, компьютер ва математика, соғлиқни сақлаш, бизнес ва молия ҳамда таълим соҳаларида фаолият кўрсатадилар¹⁵⁹.

3.1.2.-жадвал

АҚШда маҳаллий аҳоли ва мигрантлар банд бўлган топ 5та соҳа

№	Маҳаллий аҳоли	Мигрантлар
1	Менежмент-17%	Менежмент-15%
2	Таълим-14%	Математика ва компьютер-12%
3	Бизнес ва молия-11%	Соғлиқни сақлаш-12%
4	Соғлиқни сақлаш-10%	Бизнес ва молия-10
5	Савдо-8%	Таълим-9


Манба: *Migration policy institute*

Олий маълумотга эга бўлган мигрантларнинг банд бўлган соҳалардаги улушига эътибор қаратсак, айнан соғлиқни сақлаш, компьютер ва математика, қурилиш ва таъмирлаш

¹⁵⁸ Giovanni Peri, Chad Sparber. Task Specialization, Immigration, and Wages// American Economic Journal: Applied Economics, July 2009, vol. 1, no. 3, pp. 156.

¹⁵⁹ Kira Olsen-Medina, Jeanne Batalova. College-Educated Immigrants in the United States. Migration policy institute// <https://www.migrationpolicy.org/article/college-educated-immigrants-united-states/>

каби соҳаларда банд бўлганларнинг учдан бир қисмигача бўлган улушни ташкил қиладилар.



3.1.4. Расм. АҚШда олий маълумотли мигрантларнинг соҳалар бўйича улуши

Манба: *US Census Bureau, 2018*

Юқоридаги таҳлиллар юқори малакали мигрантлар таълим, соғлиқни сақлаш ва ахборот технологиялари каби тобора кенгайиб бораётган ва малака тақчиллигини ҳис қилаётган соҳаларни тўлдираётганликларини кўрсатмоқда. Биргина соғлиқни сақлаш соҳаси мисолида кўрадиган бўлсак, 2021 йил ҳолатига кўра, 2,8 миллион нафар мигрантлар соғлиқни сақлаш соҳасида иш билан банд қилинган бўлиб, бу рақам мазкур соҳада жами бандларнинг 18%ига тўғри келган. Бу борада штатлар кесимидаги таҳлил эса, мигрант врачларнинг улуши Нью-Джерсида 37%, Флоридада 35%, Нью-Йоркда 33%ни ташкил қилишини кўрсатади¹⁶⁰.

¹⁶⁰ David Brancaccio, Chris Farrell, Alex Schroeder. More immigration means gains for U.S. economy, CBO says// <https://www.marketplace.org/2024/04/10/more-immigration-means-gains-for-u-s-economy-cbo-says/>

АҚШдаги қуйи туғилиш кўрсаткичлари фонида мигрантларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги роли кейинги йилларда ҳам ортиб бориши, хусусан, 2034 йилга келиб, АҚШда врачлар тақчиллиги 124 минг нафар кишига етиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, АҚШга кириб келаётган ҳар минг кишига тўғри келадиган врачлар сонининг 0,04 тага кўпайиши аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 20,6 кунга узайишига сабаб бўлмоқда¹⁶¹.


Юқори малакали мигрантларни турли ҳил соҳалар ва минтақалар кесимида таҳлил қилсак, Шимолий Европа ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан келганлар барча соҳаларда катта улушга эгалар. Шунингдек, Шимолий Европа бошқарув лавозимларидаги ҳамда фан ва таълим, Шарқий Осиё компьютер технологиялари, илмий тадқиқот, бизнес ва молия, Жанубий Осиё эса, ахборот технологиялари билан бирга соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали мигрантларни етказиб бериш бўйича етакчилик қилади.

Юқори малакали мутахассис бўлган мигрантларга бериладиган Н1-В визасига эга бўлувчиларнинг 34%ини бакалавр, 22%ини магистр, 8%ини фан доктори ва 4%ини профессионал даражага ва 32%ини номаълум даражага эга эга бўлганлар ташкил қилади. Уларнинг 85%и 25-39 ёш оралиғида бўлиб, визага эгаларининг тахминан 72%и Ҳиндистон, 12%и Хитой, 1,2%и Филиппин ва 1%и Канада ҳамда 1%дан биров камроғи Корея Республикаси, Мексика, Покистон, Тайвань, Бразилия ва Непал улушига тўғри келади.

Н1-В виза дастуридан энг кўп ахборот технологиялари соҳасидаги компаниялар фойдаланади. 2019 йилда Н1-В визасига эга бўлганларнинг 75%ини ахборот технологиялари

¹⁶¹ Braga, Gaurav Khanna. Sarah Turner Migration Policy and the Supply of Foreign Physicians: Evidence from the Conrad 30 Waiver Program. NBER Working Paper No. 32005 December 2023. P.16. // https://www.nber.org/system/files/working_papers/w32005/w32005.pdf

соҳаси вакиллари ташкил қилган. Шунингдек, таълим, муҳандислик, тиббиёт каби соҳа вакиллари ҳам мазкур дастурнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади¹⁶².



3.1.5. Расм. Н1-В визаси тақдим этиладиган соҳалар

Манба: U.S. Citizenship and Immigration Services

АҚШда бакалавр даражасига эга бўлган мутахассисларнинг ҳафталик иш ҳақи маҳаллий аҳоли ўртасида ўртача 1.602 АҚШ долларини, мигрантлар орасида эса, 1. 637 АҚШ долларини ташкил этади¹⁶³. Н1-В визаси эгаларининг эса, йиллик даромадлари ўртача 90.000-153.000 АҚШ доллари атрофида бўлиб, энг қуйи ўртача иш ҳақи профессионал даража вакиллариға (йилиға ўртача 94 минг АҚШ доллари), энг юқори ўртача иш ҳақи (йилиға ўртача 120 минг АҚШ доллари) эса, фан доктори илмий даражасига эга мутахассисларға тўғри келади.

¹⁶² Characteristics of H-1B Specialty Occupation Workers. U.S. Citizenship and Immigration Services 2024// https://www.uscis.gov/sites/default/files/document/reports/OLA_Signed_H-1B_Characteristics_Congressional_Report_FY2023.pdf

¹⁶³ www.statista.com

3.1.3.-жадвал

H1-B виза эгаларининг таълим даражасига кўра йиллик ўртача иш ҳақи

Маълумот даражаси	Йиллик ўртача иш ҳақи, АҚШ доллари
Бакалавр	80.000-135.000
Магистр	90.000-148.000
Фан доктори	95.000-155.000
Профессional даража	69.000-140.00

Манба: U.S. Citizenship and Immigration Services

Аммо шу билан бирга АҚШдаги олий маълумотга эга бўлган 10,5 миллион мигрантларнинг 20%и яъни 2,1 миллионининг ўз соҳаси бўйича кўникмаларидан фойдаланилмайди¹⁶⁴. Мазкур “Brain Waste” яъни “Мия чиқиндилари” ёки “ақлий салоҳиятнинг зое кетиши” номи остидаги капиталнинг исроф қилиниши билан боғлиқ бўлган муаммоларга учраган олий маълумотли мигрантлар паст малака талаб қилувчи идиш ювувчи, хайдовчи, энага, кўрикчи каби ишларда фаолият кўрсатадилар.

H1-B виза дастури ҳар йили хусусий компаниялар учун 65 мингта ҳамда АҚШда илмий даражани кўлга киритганлар учун 20 мингта квотага эга бўлиб, мазкур дастурда хорижликни ёллаш имкониятини кўлга киритган компания бундай имкониятини кўлдан бой берган компанияга нисбатан 0,83 та кишининг бандлигини оширишга эришади. Бу борада малакали мутахассислар тақчиллигига кўпроқ учраган, ходимлари сони 10 кишигача бўлган кичик корхоналарнинг эса, мазкур дастур орқали хорижликни ёллашга муваффақ бўлишлари уларнинг кенгайиш имкониятларини янада оширади. Табиийки, юқори самарали ва ходимларини катта иш

¹⁶⁴ <https://www.migrationpolicy.org/data/state-profiles/state/workforce/US>

ҳақи билан таъминловчи компаниялар айнан H1-B виза дастурлари имкониятларига ҳисобига кенгайишга муваффақ бўлган. Шу сабабли ҳам H1-B виза дастурида юқори малакали хорижликни ёллашга муваффақ бўла олмаган ва малакали ишчиларнинг катта ҳажмдаги тақчиллигига учраган фирмалар бундай имкониятни қўлдан бой берганликлари учун кўпроқ муаммога учрайдилар. Чунки H1-B виза дастури орқали юқори малакали мутахассисни жалб қила олган компаниялар айнан даромадларини ва иш ҳақи фондини ошириш ҳисобига кенгайишга муваффақ бўлганлар. Шунингдек, тадқиқотлар мазкур дастурда барча талабномалари қабул қилинган компанияларнинг бундай имкониятни қўлдан бой берган компанияларга нисбатан кейинги беш йил ичида “яшаб қолиш” имконияти 2,3%га юқори эканлигини кўрсатади. Америка сиёсий миллий фонди тадқиқотлари NFAPнинг кўрсатишича, қиймати миллиард АҚШ долларига тенг бўлган компанияларнинг 55% асосчиларидан бири айнан иммигрант ҳисобланади¹⁶⁵.

Шу билан бирга юқори малакали мигрантни ёллашга муваффақ бўлган компания нафақат иш ҳақи фонди ва даромадлари ҳисобига кенгайиш ҳамда “бизнесда қолиш”, балки унинг 40 ёшгача бўлган олий маълумотли маҳаллий ва хорижий ходимларининг иш ҳақини 4-5%га ошириш имкониятини ҳам қўлга киритиши тадқиқотларда ўз исботини топган¹⁶⁶. Шунингдек, тадқиқотларда 2000-2019 йиллар давомида олий маълумотга эга бўлган мигрантлар АҚШдаги маълумотга эга бўлмаган ёки қуйи маълумотли маҳаллий

¹⁶⁵ Stuart Anderson. Highly Skilled Immigrants Drive U.S. Innovation, Report Shows// <https://www.forbes.com/sites/stuartanderson/2023/01/12/highly-inventive-immigrants-also-make-natives-more-innovative/>

¹⁶⁶ Nicolas Morales. How Do College-Educated Immigrants Affect US Firms and Workers? Economic Brief. May 2024, No. 24-15// https://www.richmondfed.org/publications/research/economic_brief/2024/eb_24-15

ишчиларнинг ҳам иш ҳақиларининг 1,7%-2,6% даражада ўсишига ижобий таъсир кўрсатгани таъкидланади ¹⁶⁷.

Иммигрантлар АҚШ аҳолисининг 14%ини ташкил қилсада, мамлакат ЯИМнинг 17%ини таъминлашга ҳисса қўшади. Хусусан, 2021 йилда мамлакатнинг 19,1 триллион АҚШ долларилик ЯИМнинг 3,3 триллиони иммигрантлар ҳиссасига тўғри келган¹⁶⁸. Конгресс бюджет бошқаруви СВО (Congressional Budget Office) иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, иммигрантлар ҳисобига кейинги ўн йил давомида мамлакат ЯИМ 7 миллиард АҚШ долларига ошади, федерал солиқлар тушуми кутилганидан кўра 1 триллион долларга кўпроқ бўлади¹⁶⁹. Бу борада йиллик даромад 167 миллиард АҚШ долларига ёки умумий даромаднинг 2,2 фоизига етади. Айнан мигрантлар томонидан тўланадиган даромад солиқлари ва иш ҳақидан олинадиган солиқлар мазкур даромадлар хажмига катта таъсир кўрсатади¹⁷⁰. Масалан, 2018 йилда миллиардлаб солиқларни тўлаган мигрантлар 1,2 триллион долларлик тўлов қобилятини сақлаб қолган ҳолда товар ва хизматларга бўлган талабга эҳтиёж сезиб, маҳаллий бизнесни ривожланишига туртки берганлар¹⁷¹.

¹⁶⁷ Stuart Anderson. Immigrants Raise Wages And Boost Employment Of U.S.-Born Workers// <https://www.forbes.com/sites/stuartanderson/2024/05/01/immigrants-raise-wages-and-boost-employment-of-us-born-workers/>

¹⁶⁸ Immigration Benefits All Americans and Strengthens the Economy// <https://www.fwd.us/news/americans-and-immigration/>

¹⁶⁹ David Brancaccio, Chris Farrell, Alex Schroeder. More immigration means gains for U.S. economy, CBO says// <https://www.marketplace.org/2024/04/10/more-immigration-means-gains-for-u-s-economy-cbo-says/>

¹⁷⁰ Effects of the Immigration Surge on the Federal Budget and the Economy. Congressional budget office. July 2024// <https://www.cbo.gov/system/files/2024-07/60165-Immigration.pdf>

¹⁷¹ Immigration Facts: The Positive economic Impact of Immigration. Immigrants and Immigration Mythbusters: Addressing Common Misconception// <https://www.congress.gov/118/meeting/house/116727/documents/HHRG-118-JU01-20240111-SD012.pdf>

Шунингдек, АҚШ миллий академияси ҳисоботида 2006-2013 йиллар давомида мамлакатга кириб келган мигрантлар таҳлили кейинги 75 йил давомида уларнинг ҳар бири улар ва уларнинг авлодлари оладиган ёрдам пулларида ўртача 330 доллардан ортиқ солиқ олиб келишини кўрсатган ¹⁷².

Юқоридаги таҳлиллар, айнан юқори малакали мигрантлар иқтидор эгаларига бўлган тақчилликни қондириш эвазига меҳнат унумдорлигининг ортишига, инфляция кўрсаткичларининг қисқаришига, тўлов қобилиятининг ортишига, компанияларнинг кенгайишига, бизнеснинг барқарорлашувига, инновацияларнинг ривожланишига, ЯИМ ҳамда мамлакат иқтисодий ўсишига туртки бараётганликларини кўрсатади. Айнан мигрантларнинг мавжудлиги ҳам мигрантлар, ҳам маҳаллий аҳоли учун иш ўринларини яратишга қодир бўлган трансмиллий корпорацияларнинг фаолиятининг кенгайишига туртки бермоқда. Тадқиқотлар АҚШда миграциянинг қисқариши йигирма йил ичида мамлакат ЯИМнинг 2%га, иқтисодий ўсишнинг 12,5%га, иш ўринларининг 4,6 миллионга қисқаришига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда¹⁷³.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш Бюроси маълумотларига кўра, америка таълим тизими томонидан STEM соҳалари бўйича етарли ҳажмдаги кадрларни етиштириб чиқарилмаслиги юқори малакали мигрантларни янада кўпроқ жалб қилиш ва ушлаб қолиш заруратини туғдиради. Хусусан, STEM йўналишида таълим олган ҳар тўртта талабанинг учтаси университетни тугатгач , но STEM йўналишида ишлашни

¹⁷² Immigration Is Powering the U.S. Economy// <https://time.com/6963553/immigration-u-s-economy/>

¹⁷³ Immigration Facts: The Positive economic Impact of Immigration.Immigrants and Immigration Mythbusters:
Addressing Common Misconception//
<https://www.congress.gov/118/meeting/house/116727/documents/HHRG-118-JU01-20240111-SD012.pdf>

давом эттиради. Аксинча, АҚШда таълим олаётган хорижлик талабаларнинг деярли ярми STEM йўналишида таълим олса, фан ва техника соҳасидаги докторантларнинг эса, учдан бир қисми хорижликлар ҳисобланади. Табиийки, баъзи хорижлик талабалар таълимни тугатгач ўз ватанларига қайтсаларда, аммо аксарияти АҚШда қолиб, меҳнат бозорида ўз фаолиятини давом эттиришни истайди. Бу борада аҳолини рўйхатга олиш Бюроси маълумотлари олий маълумот ва илмий даражалилар қанчалик кўп бўлса, улар таркибидаги хорижликларнинг ҳам улуши юқори эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, АҚШда туғилганларнинг 65%и бакалавр ва 5%и фан доктори даражасига эга бўлса, хорижликларнинг 60%и бакалавр ва 10%и фан доктори даражасига эга. Бу ҳолат, юқори малакали мигрантлар улуши маҳаллий малакали кадрларга нисбатан юқори эканлигини кўрсатади. Юқори илмий даражага эга бўлганларнинг мигрантлар таркибидаги юқори улуши юқори малакали муҳожирларнинг илм-фанда инновацияларни ривожлантиришда катта салмоқга эга эканликларини изоҳлайди.

Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси NBER маълумотларига кўра, иммигрантлар АҚШдаги кашфиётчиларнинг 16%ини ташкил қилсаларда¹⁷⁴, улар мамлакатдаги инновацияларнинг 23%ини ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, айнан мигрантлар ахборот коммуникация, фармацевтика, тиббиёт, электроника ва кимё каби соҳалардаги инновацияларнинг 25%ини бошқарадилар.

Кашфиётчи мигрантларнинг кўпроқ хорижий технологияларга суянишлари, хорижий кашфиётчилар билан ҳамкорлик қилишлари ва ташқи бозорларда

¹⁷⁴ Stuart Anderson. Highly Skilled Immigrants Drive U.S. Innovation, Report Shows// <https://www.forbes.com/sites/stuartanderson/2023/01/12/highly-inventive-immigrants-also-make-natives-more-innovative/>

иктибосланишлари уларнинг ғояларини мамлакат ташқарисига чиқишига имкон яратади. АҚШда маҳаллий кашфиётчиларга нисбатан, иммигрантлар анча самарадор эканини сўнгги қирқ йил ичидаги АҚШда яратилган инновацияларнинг 30%ини асосчиси иммигрантлар эканлиги, уларнинг 73%и маҳаллий кашфиётларнинг инновацион хусусиятларини оширишга бевосита таъсир кўрсатиб келаётгани билан изоҳлаш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда хорижий докторантлар сонининг 10%га ортиши патент талабномаларининг 4,5%га, университет патент грантларининг 6,8%га ва но университет патент грантларининг 5%га ортишига олиб келади¹⁷⁵.

Шунингдек тадқиқотлар иммигрантлар маҳаллий аҳолига нисбатан бизнес фаолиятини 80%га ва ишчи ўринларини 42%га кўпроқ яратишларини ҳамда мигрант асосчисига эга бўлган компания асосчилари таркибида мигрант бўлмаган компанияларга нисбатан 35%га кўпроқ патентга эга бўлишларини кўрсатокда¹⁷⁶.

Юқори малакали мигрантларни жалб қилувчи яна бир етакчи марказлардан бири Бирлашган Қироллик ҳисобланади. Бирлашган Қироллик Миллий статистика қўмитаси ONS маълумотларига кўра, 2021 йил ҳолатига кўра, 67,6 миллион аҳолига эга бўлган мамлакатда 10 миллион нафар мигрант бўлиб, уларнинг 3,4 миллиони ЕИ, қолган 6,4 миллиони эса, ЕИдан ташқари мамлакатлардан ташриф буюрганлар¹⁷⁷. Қироллик аҳолисининг 16%ини мигрантлар ташкил қилиб,

¹⁷⁵ Shai Bernstein, Rebecca Diamond, Timothy McQuade and Beatriz Pousada. The Contribution of High-Skilled Immigrants to Innovation in the United States. Working Paper 22-065// https://www.hbs.edu/ris/Publication%20Files/22-065_75b489b5-ce29-49db-942d-972a18c58822.pdf

¹⁷⁶ Peter Dizikes. Study: Immigrants in the U.S. are more likely to start firms, create jobs Compared to native-born citizens, immigrants are more frequently involved in founding companies at all scales.// <https://news.mit.edu/2022/study-immigrants-more-likely-start-firms-create-jobs-0509>

¹⁷⁷ The changing picture of long-term international migration, England and Wales: Census 2021// <https://www.ons.gov.uk/peoplepopulationandcommunity/populationandmigration/internationalmigration/articles/thechangingpictureoflongterminternationalmigrationenglandandwales/census2021>

уларнинг 9,3%ини ЕИдан ташқари мамлакатлар фуқароларидир. Маҳаллий аҳолининг 34%и, жами ЕИда туғилганларнинг 38%и, мигрантларнинг эса, 44%и олий маълумотга эга.

3.1.4.-жадвал

Буюк Британияда олий маълумотли маҳаллий аҳоли ва мигрантларнинг улуши¹⁷⁸

Аҳоли	Аёллар	Эркаклар	Умумий
ЕИда туғилганлар	35%	41%	38%
Мигрантлар (ЕИ дан ташқари)	44%	44%	44%
Британияликлар	33%	35%	34%

Манба: Office for national statistics

Мигрантларнинг катта қисми Ҳиндистон (9%), Польша (7,8%), Покистон (6,1%), Руминия (5,1%), Ирландия ва Нигерия каби мамлакатлар фуқароларига тўғри келади¹⁷⁹. 2010-2019 йиллар оралиғида кўчиб келганларнинг 40%и миграциядан асосий мақсад ишлаш эканлигини маълум қилганлар. Қиролликдаги ЕИлик мигрантлар ЕИдан бўлмаган мигрантлардан фарқли равишда камроқ иш ҳақи эвазига қуйи малакали ишларда ишлайдилар. Хусусан, маҳаллий аҳолининг 31%и, ЕИлик мигрантларнинг 29%, ЕИлик бўлмаган


¹⁷⁸ Analysis of social characteristics of international migrants living in England and Wales: Census 2021//

<https://www.ons.gov.uk/peoplepopulationandcommunity/populationandmigration/internationalmigration/articles/analysisofsocialcharacteristicsofinternationalmigrantslivinginenglandandwales/census2021#qualifications>

¹⁷⁹ Migrants in the UK: An Overview. The migration observatory//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/migrants-in-the-uk-an-overview/>

мигрантларнинг эса, 37%и юқори малакали ишларда фаолият кўрсатади. Шунингдек, айнан ишлаш мақсадида келган мигрантлар кесимида таҳлил қилсак, бу борада ЕИлик мигрантларнинг 27%и, ЕИлик бўлмаган мигрантларнинг эса, 51%и юқори малакали ишларда банд. Хар иккала категория бўйича оилавий мақсадда келган мигрантлар кесимида ҳам ЕИдан бўлмаган мигрантларнинг улуши 5%га юқори. Таълим мақсадида келган ЕИдан бўлмаган мигрантларнинг деярли ярми (46%и) юқори малакали ишларда ишлаши “ақлий салоҳият оқими”нинг донор мамлакатлар учун қанчалик катта йўқотиш эканлигини изохлайди.



3.1.6.Расм. Бирлашган Қиролликда маҳаллий аҳоли ва мигрантларнинг малака бўйича тақсимооти

Манба: Migration observatory

Қиролликда иқтидорли мутахассисларни жалб қилишга қаратилган тўртта виза дастурлари бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- Skilled worker. Иш берувчи томонидан Қиролликда ишга таклиф этилган ва доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳуқуқига эга “Малакали мутахассис”;
- Innovation founder. Қиролликда инновацион бизнесни ташкил этмоқчи бўлган “Инноватор”

- Global talent. Академик соҳа, фан ва маданият, технология соҳасида лидер бўлган, ишлаш учун таклифномаси бўлмаса ҳам доимий яшаш имконитияга эга бўлиши мумкин бўлган “Глобал иқтидор эгаси”;
- High potential individual, high value. Сўнгги беш йил ичида дунёнинг топ университети битирувчиси бўлган, дипломи британия дипломига эквивалент бўлган, мамлакатга ишлаш учун таклифномасиз кириш имкониятига эга бўлган “Юқори потенциалга эга шахс”.

3.1.5.-жадвал

Малакали мутахассиларга виза берилувчи топ 5 та мамлакат


Малакали ишчи кучи(тиббиёт соҳасидан ташқари)	Тиббиёт соҳасидаги малакали ишчи кучи	Юқори салоҳиятли мутахассис
Хиндистон-33%	Хиндистон-32%	Хиндистон-14%
АҚШ-6%	Зимбабве-16%	Россия-11%
Филиппин-4%	Нигерия-15%	Хитой-10%
ЖАР-4%	Филиппин-11%	Нигерия-10%
Франция-4%	Гаана-4%	АҚШ-8%

Манба: Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics

Пандемия мамлакатдаги айнан ЕИдан бўлмаган меҳнат мигрантларига жиддий таъсир кўрсатиб, натижада уларга бериладиган визалар сони 40%га камайиб кетди. Пре ва постпандемия даврида, яъни 2019-2022 йилларда йилда ЕИдан бўлмаган меҳнат мигрантларининг сони 137 мингтадан 241 минг кишига етган бўлса, уларнинг 130 минг нафарини, айнан юқори малакали мигрантлар ташкил этган ¹⁸⁰.

¹⁸⁰ Work visas and migrant workers in the UK//


<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/work-visas-and-migrant-workers-in-the-uk/>



3.1.7. Расм. 2018-2022 йиллар давомида Бирлашган Қиролликда юқори малакали кадрлар,инноватор, инвесторларга берилган визалар сони

Манба: Home office immigration system statistics


2023 йилнинг июнь ойига келиб, бундай юқори малакали мигрантларга бериладиган визалар сони 189 мингта етиб, уларнинг 62%и тиббиёт, 8%и профессионал ва техник соҳаларга, 5%дан молия ва суғурта ҳамда АКТ соҳаларига тўғри келган.



3.1.8. Расм. 2023 йилда Бирлашган Бирлашган Қиролликда “Малакали ишчи” виза тақдим этилган соҳалар

Манба: Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics

Сўнгги ўн йилдирки Қиролликнинг тиббиёт соҳаси хорижликларга боғланиб қолган. 62%и тиббиёт соҳасига ажратилган малакали ишчи визасининг 32%и парвариш, 13%и ҳамширалик, 9%и қариялар парвариши ва 5%и врачлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ишчиларга тақдим этилди¹⁸¹. 2023 йил ҳолатига кўра, мамлакатда 1.124.00 та бўш иш ўрни бўлган бўлса, шунинг 208 минтаси тиббиёт соҳасига тўғри келган. Тиббиёт соҳасига катта миқдорда ЕИликларни жалб этиш тенденцияси давом этган 2013-2019 йилларда ҳам врачларнинг 90%ини ЕИлик бўлмаганлар ташкил қилган. Малакали ишчи кучи визаси билан фаолият кўрсатаётган врачларнинг катта қисми Ҳиндистон (20%), Нигерия(15%), Покистон (12%), Миср(9%) каби мамлакатларда ташриф буюрганлар¹⁸².



3.1.9. Расм. 2023 йилда Бирлашган Қиролликда “Малакали ишчи” визага эга бўлган касблар тақсимооти, %¹⁸³

Манба: *Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics*

¹⁸¹ Work visas and migrant workers in the UK//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/work-visas-and-migrant-workers-in-the-uk/>


¹⁸² Migration and the health and care workforce//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/migration-and-the-health-and-care-workforce/>

¹⁸³ Work visas and migrant workers in the UK//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/work-visas-and-migrant-workers-in-the-uk/>

Шу ўринда айнан тиббиёт соҳасида визага эга бўлаётган малакали кадрлар сони ҳаттоки АКТ ва бошқа соҳаларда берилаётган визалар сонига нисбатан барқарор ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. 2023 йил ҳолатига кўра, таълим визасини ишчи визасига ўзгартирган халқаро талабаларнинг 56%и айнан тиббиёт соҳасининг парвариш, 3%и врачлик, 1%и ҳамширалик, 3%и АКТ, 2%и бухгалтерия, 1%дан таълим, бизнес, молия каби соҳалар бўйича ишларга жойлашганлар¹⁸⁴.




3.1.10. Расм. Бирлашган Қиролликда малакали ишчи визасига эга бўлганлар сони, 2010-2022 йиллар

Манба: Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics

АКТ соҳасида берилаётган визалар сони ортиб бораётган бўлсада, аммо соғлиқни сақлаш, туризм каби бошқа соҳалардаги визалар улуши билан солиштирганда мазкур соҳа улушининг қисқариб бораётганини кўрамиз.

¹⁸⁴ International students entering the UK labour market


17 Apr 2024// <https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/commentaries/international-students-entering-the-uk-labour-market/>



3.1.11. Расм. Бирлашган Қиролликда малакали ишчи визасига эга бўлганларнинг соҳалар бўйича улуши, 2010-2022 йиллар

Манба: Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics

Шунга қарамай, малакали ишчи кучи визасига эга бўлган соҳаларда айнан олий маълумотлиларнинг улуши АКТ (87%), профессионал ва техник (88%), таълим (89%) молия ва суғурта (93%) соҳаларида юқори ҳисобланади.




3.1.12. Расм. 2023 йилда Бирлашган Бирлашган Қиролликда “Малакали ишчи” визаси тақдим этилган соҳаларда олий маълумотларнинг улуши, %

Манба: Migration observatory analyses of Home Office immigration statistics

“Юқори салоҳиятга эга шахс” категориясига кирувчи юқори малакали ишчилар эса, маҳаллий аҳолининг 33%ини,

жами хорижликларнинг эса, 36%и ташкил қилади. Шимолий Америка, Океания минтақаси мамлакатлари ҳамда Ҳиндистонлик мигрантларнинг ярмидан кўпи ҳамда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёлик муҳожирларнинг деяррли ярми юқори малакага, аксинча аксинча ЕИ-2 ва ЕИ-8 мамлакатларидан келган мигрантларнинг 80%дан ортиғи паст малакага эга кишилардир. ЕИлик бўлмаган муҳожирларнинг АКТ, мухандислик, бошқарув, илм-фан, таълим, савдо, текстиль каби соҳалардаги юқори малакали ишлардаги, ЕИликларнинг эса, ишлаб чиқариш, қурилиш, ҳайдовчилик каби соҳалардаги қуйи малакали ишлардаги бандлик даражаси юқори. Биргина таълим соҳасига эътибор қаратсак, мамлакат университетларидаги ўқитувчиларнинг 32%и хорижликлар бўлиб, мухандислик ва технология таълим йўналишида уларнинг улуши 48%, табиий фанларда эса, 39%ни ташкил қилади¹⁸⁵.



3.1.13. Расм. Буюк Британияда юқори малакали ишчиларнинг улуши¹⁸⁶

Манба: Migration observatory analysis of the annual Population survey 2022

¹⁸⁵ Paul Bolton, Joe Lewis, Melanie Gower. International students in UK higher education. Research briefing. 28 May. 2024. P. 17.

¹⁸⁶ Migrants in the UK Labour Market: An Overview//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/migrants-in-the-uk-labour-market-an-overview/>

Мамлакатда ЕИлик бўлмаган мигрантларнинг ўртача иш ҳақи маҳаллий аҳолиникига нисбатан юқори. Хусусан, ўртача иш ҳақи маҳаллий аҳоли орасида 32 минг, ЕИликлар орасида 31,2 минг фунт стерлингни, мигрантлар орасида эса, 35 минг фунт стерлингни ташкил қилади. Айнан юқори малакалиларнинг улуши катта қисмни ташкил қилган юқорида таъкидланган Шимолий Америка ва Океания минтақасидан келган мигрантлар учун 44 минг фунт стерлинг, Хиндистонлик мигрантлар учун 39 минг фунт стерлинг, ЕИ-14 мамлакатларидан келган мигрантлар учун 38,3 минг фунт стерлинг ўртача иш ҳақи ҳисобаланади. Шунингдек, юқори иш ҳақининг аҳоли кесимидаги таҳлили маҳаллийлар ва ЕИликлар орасида 45 минг, ЕИ-14 мамлакатлари фуқаролари орасида 54 минг, ЕИлик бўлмаган жами мигрантлар орасида эса, 52 минг, Шимолий Америка ва Океания минтақалари мамлакатлари ва Хиндистонликлар орасида 60 минг стерлингни ташкил қилади.(3.1.6.-жадвал) 2023 йилда университетни тамомлаб, таълим визасини малакали ишчи визасига ўзгартирган халқаро талабаларнинг 61%и 31минг фунт стерлингдан ортиқ даромадга эга бўлган¹⁸⁷.

¹⁸⁷ International students entering the UK labour market

17 Apr 2024// <https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/commentaries/international-students-entering-the-uk-labour-market/>

3.1.6.-жадвал

Бирлашган Қиролликда ишчиларнинг йиллик ўртача даромадлари, фунт стерлинг¹⁸⁸

Мамлакатлар	Даромадлар нинг 25%	Даромадлар нинг 50%	Даромадлар нинг 75%и
Шимолий Америка ва Океания	30.000	44.000	61.000
Хиндистон	25.000	39.000	60.000
ЕИ-14	27.000	38.300	54.000
Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё	24.500	38.000	52.000
ЕИ бўлмаган мамлакатлар	24.000	35.000	52.000
Жами мигрантлар	24.000	33.000	51.000
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, Марказий Осиё	24.000	34.000	48.000
Марказий ва Жанубий Америка	24.000	35.000	47.000
Суб-Сахро Африка	24.000	33.600	48.00
Бирлашган Қироллик	23.000	32.000	45.000
ЕИ	23.400	31.200	45.000
Покистон ва бошқа Жанубий Осиё мамлакатлари	21.000	28.200	43.000
ЕИ-8		27.000	39.000
ЕИ-2		27.500	36.400

Манба: Migration observatory analysis of the annual Population survey 2022

Шу билан бирга юқори малакали мигрантлар орасида таълим даражасига нисбатан қуйи бўлган (overqualified) фаолият билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бу

¹⁸⁸ Migrants in the UK Labour Market: An Overview//


<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/migrants-in-the-uk-labour-market-an-overview/>

борада “ортиқча квалификация” кўрсаткичи олий маълумотга эга бўлган кишиларнинг ўрта ёки қуйи малакали ишлар билан банд бўлишларига ишора қилади. Катта қисми ўзининг таълим даражасига мос бўлган иш билан таъминланган маҳаллий аҳоли ҳамда Шимолий Америка ва Океания, ЕИ-14 мамлакатлари ва ҳиндистонликлар орасида “Ортиқча квалификация” 20%гача бўлган қуйи кўрсаткичларни ташкил қилади. Аксинча, “Ортиқча квалификация” кўрсаткичи юқори бўлган Е-8 (44%), Е-2(39%), Покистон ва Жанубий Осиё минтақа мамлакатларидан (40%) ташриф буюрганларнинг ўз таълим даражасидан қуйи бўлган ишларда фаолият кўрсатишини иш берувчиларнинг хорижий квалификацияларни тан олиши, Қироллик учун зарур бўлган кўникмаларнинг етишмаслиши, мигрантларнинг иш қидириш борасида етарлича маълумотга эга бўлмаслиги каби омиллар билан изоҳлаш мумкин¹⁸⁹. Шунингдек таълим визасидан ишчи визага ўтаётган собиқ халқаро талабалар орасида ҳам тезроқ иш топиб, мамлакатда қолиш мақсадида “Ортиқча квалификация” ишлатиш ҳолатлари кўп кузатилади. Бу ҳолат эса, иш берувчиларга ташқаридан тўғридан-тўғри Қиролликдаги шароитларга мослашмаган ва унинг кўникмаларини ўзлаштирмаган мигрант мутахассисдан кўра, ишлаш ва яшаш борасида маълум муддат давомида адаптация жараёнларидан ўтган халқаро талабаларни “Ортиқча квалификация” эвазига ёллаш қўл келади. Шунингдек, мослашув жараёнларидан ўтиб бўлган собиқ халқаро талабаларнинг ўз оила аъзоларини олиб киришга камроқ интилишлари ҳам Қиролликда мигрантларнинг ўз

¹⁸⁹ Migrants in the UK Labour Market: An Overview//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/migrants-in-the-uk-labour-market-an-overview/>

“тобёъ”ларини олиб келишларини чеклашга қаратилган сиёсати шароитида муҳим аҳамият касб этмоқда.



3.1.14. Расм Бирлашган Қиролликда мамлакатлар бўйича “ортиқча квалификация” кўрсаткичи

Манба: Migration observatory analysis

2019-2022 йиллар давомида ЕИлик бўлмаган талабгорлар нуқтаи назаридан сони юқори суръатлар билан ўсган виза тури айнан таълим визаси бўлиб, потенциал жиҳатдан юқори малакали миграциянинг муҳим манбаи бўлган мазкур виза эгаларининг сони 2019-2022 йиллар давомида 42%га ортиб, 284 мингтадан 600 минг кишига етган. Бу даврда ишчи визалар сони 27%га, малакали ишчи визалари эса, 24% ўсган ¹⁹⁰.

Қиролликдаги юқори малакали мигрант категориясига кирувчиларнинг яна бири бу- инновацион бизнесни юритувчи инноваторлар ҳисобланади. Аҳолининг 16%ини хорижликлар ташкил қилсада, мамлакатдаги юқори суръатлар билан ўсаётган 39% стартапларнинг камида битта таъсисчиси

¹⁹⁰ Why has non-EU migration to the UK risen?//

<https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/commentaries/why-has-non-eu-migration-to-the-uk-risen/>

мигрант бўлиб, уларнинг 14%ининг ягона таъсисчиси хорижлик, 25%ининг таъсисчилари ҳам британиялик, ҳам хорижликдан иборат¹⁹¹. Британияда маҳаллий аҳолининг 10,4%и, мигрантларнинг эса, 17,2%и хусусий бизнесини йўлга қўйган бўлиб, Мамлакатдаги ҳар еттига компаниянинг биттаси хорижлик томонидан ташкил этилган¹⁹². Юқори малакали мутахассисларнинг “Global talent” категориясига кирувчи мамлакатдаги Нобел мукофоти совриндорларининг ҳам 40%ини айнан мигрантлар ташкил этади.

Юқори суръатлар билан ривожланаётан глобал иқтисодиёт шароитида юқори малакали мигрантларнинг Бирлашган Қиролликдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Зарур замонавий билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган юқори малакали мигрантлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва турли соҳалардаги инновацияларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай мутахассисларга талаб ортиб бораётган бир пайтда уларнинг мазкур мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятига эътибор қаратиш лозим.

Хусусан, 2004-2022 йиллар оралиғида Қиролликда аҳоли ўсишининг 60%и соф миграция ҳисобига кузатилган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 2021-2046 йиллар давомида 67 миллион кишидан 77 миллион кишига етишининг 92%и яна айнан соф миграция ҳисобига бўлиши прогноз қилинмоқда¹⁹³. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Бирлашган Қиролликда юқори

¹⁹¹ Ph.Salter. Foreign-Born Founders Behind 39% Of The UK's Fastest-Growing Companies// <https://www.forbes.com/sites/philipsalter/2023/08/22/foreign-born-founders-behind-39-of-the-uks-fastest-growing-companies/>

¹⁹² Migrants set up one in seven UK companies, study reveals.Financial times// <https://www.ft.com/content/dc7f9f0e-a3ae-11e3-88b0-00144feab7de>

¹⁹³ The Impact of Migration on UK Population Growth// <https://migrationobservatory.ox.ac.uk/resources/briefings/the-impact-of-migration-on-uk-population-growth/>

малакали мигрантлар сонининг 1%га ошиши, самарадорликни 0,4-0,5%га ошишига олиб келади¹⁹⁴.

“Graduate” визага эга битирувчи собиқ халқаро талабалар ҳисобига келадиган жами солиқлар, виза тўловлари ҳамда иммиграцион тиббий тўловлар миқдори 588 миллион, мазкур виза эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун давлат харажатлари 518 миллион фунт стерлингни ташкил қилади. Шундай экан, мамлакатда университет битирувчи сифатида ишлаётган мигрантларнинг иқтисодий эмас, соф молиявий фискал фойдаси 70 миллион фунт стерлингга тенг. “Graduate” визага эга бир бакалавр битирувчиси 1.200 фунт стерлинг, аспирант эса, 4.400 фунт стерлинг соф фискал фойда келтиради¹⁹⁵.

Бугунги кунда Қиролликдаги иш ўринларининг 14%ини яратиб келаётган, даромади камида 1 миллион фунт стерлинг бўлган компанияларга дунёнинг 155 мамлакатидан деярли ярим миллион киши асос солган. Қиймати 1 миллиард доллардан юқори бўлган Қиролликдаги компанияларнинг ҳар ўнтадан тўққизтасининг асосчиларидан бири мигрант ёки мигрантнинг фарзандидир¹⁹⁶.

АҚШ ва Бирлашган Қиролликнинг бутун дунё бўйлаб юқори малакали кишиларни жалб қилиш ва ушлаб туришга қаратилган сиёсати таҳлили интеллектуал миграция реципиент мамлакат учун ҳар тарафлама муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси иқтидор эгалари учун рақобат кескинлашаётган бир пайтда юқори малакали мигрантларнинг салоҳиятидан фойдаланиш учун

¹⁹⁴ F. Jaumotte, Florence, K. Koloskova, S. Saxena. Impact of migration on income levels in advanced economies International Monetary Fund. Spillover Task Force. 2016. P.2.

¹⁹⁵ Paul Bolton, Joe Lewis, Melanie Gower. International students in UK higher education. Research briefing. 28 May. 2024. P.44.

¹⁹⁶ Immigrant entrepreneurs behind fantastic UK businesses// <https://startups.co.uk/entrepreneurs/immigrant-entrepreneurs-behind-fantastic-uk-businesses/>

очиқ ва қулай муҳитни таъминлаш реципиент мамлакатларда иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва инновацияларни қўллаб-қувватлашдек муҳим мақсадларга эришишда ўта зарур эканлигини намоён этмоқда.

Етакчи таълим, техник кўникмалар ҳамда салмоқли тажрибага эга бўлган интеллектуал мигрантлар АҚШ ва Бирлашган Қироллик каби йирик реципиент мамлакатлардаги турли соҳа ва тармоқларнинг асосини ташкил қилиб келмоқда. Фан, таълим ва соғлиқни сақлашдан бошлаб технологиялар ва молия каби соҳаларнинг ўсиши ва ривожланишида ҳамда корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб қолишда уларнинг тажрибаси ва хиссаси беқиёс.

Юқори суръатлар билан ривожланаётган технологиялар ва ортиб бораётган талаб шароитида юқори малакали мутахассис тақчиллигига учраётган соҳаларда фаолият кўрсатаётган интеллектуал мигрантлар кўрсатиладиган хизматлар узлуксизлигини ҳамда муҳим бўлган лойиҳаларни амалга оширилишини таъминлаб келмоқдалар. Шу ўринда бутун дунё бўйлаб кечаётган рақамлашув шароитида етакчи иқтисодиётга эга бўлган АҚШ ва Бирлашган Қироллик каби мамлакатларда ахборот технологиялари соҳасида дастурий таъминотчилар, киберхавфсизлик, маълумотлар базаси билан ишловчи ва сунъий интелект мутахассислари, булутли (cloud) муҳандислар ва архитекторлар ҳамда бизнес таҳлилчилар каби юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж кун-сайин ортиб бормоқда. Айнан АКТ ҳамда ИТТКИ (НИОКР) каби юқори қийматга эга соҳаларда фаол хизмат қилиб келаётган малакали меҳнат мигрантлар самарадор ишлаб чиқариш циклини яратишни рағбатлантириш орқали мамлакат ЯИМ ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқдалар.

Интеллектуал мигрантлар илгари сурётган янги ғоялар ва уникал технологиялар эвазига турли тармоқларда кузатилаётган товар ва хизматлар хилма-хиллиги ҳамда юқори самарадорлик кўрсаткичлари реципиент мамлакатларнинг истиқболдаги тараққиётини рағбатлантиришга турки берилмоқда. Айнан инновацион ғоялар замонавий жиҳатдан такомиллашган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш, бизнес ландшафтларини бойитиш орқали компания ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда хорижий инвесторлар ва трансмиллий корпорацияларнинг юқори малакали кадрлари мавжуд бўлган соҳа ва тармоқларни инновациялар учун юқори салоҳиятли деб баҳолашлари эса, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошишида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, мигрантларнинг ўзларидаги билим ва тажрибани бўлишишлари бир томондан, маълум бир кадрларнинг кўникмаларини ортиши эвазига уларнинг яхшироқ иш ҳақи билан таъминланишлари меҳнат ресурсларининг моддий фаровонлигини ортишига, бошқа томондан эса, фаолияти янги келган мигрант ҳисобига енгиллашадиган маҳаллий кадрларнинг соҳадаги бошқа жараёнларга эътибор қаратишлари шароитида юзага келган уйғунлик соҳада ривожланиш ва ихтисослашув имкониятларини кенгайтirmoқда.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мигрантлар эвазига эришилаётган тадбиркорлик руҳи ва инновациялар уйғунлигидаги ижобий макроиқтисодий ўзгаришлар иқтидор эгаларини жалб қилишга тобе бўлган иқтисодиётлар учун мазкур сиёсатни такомиллаштиришни давом эттириш учун ишончли ва яққол далил бўла олади. Шундай экан, юқори малакали мигрантларнинг инновацияларни илгари суриш,

иқтисодий ўсиш ва бизнесни рағбатлантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш, иш кучи танқислигини юмшатиш ва меҳнат ресурсларини бойитиш каби муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олган реципиент мамлакатлар ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар шартига қарамай кейинги йилларда ҳам интеллектуал миграцияни рағбатлантиришда ва мигрантларнинг жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлашда давом этишини башорат қилиш мумкин.

Аммо, шу билан бирга АҚШдан ташқари “Катта тўртлик” мамлакатларида кейинги йилларда режалаштирилаётган интеллектуал миграциянинг муҳим потенциалини ташкил қилувчи халқаро талабаларни чекловчи миграция сиёсати халқаро ҳамкорлик асосида юқори рақобатбардошлик ва самарадорликни таъминлаб келаётган соҳа ва тармоқларга юқори малакали кадрларни кириб келишини қисқаришига сабаб бўлиши ва бу ҳолат “ақлий салоҳият”ни жалб қилиб келаётган мамлакатларда “ақлий салоҳият оқими” муаммосини юзага келтириши мумкинлиги эҳтимолини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

3.2. Донор мамлакатларда “ақлий салоҳият оқими” муаммоси ва унинг оқибатларини юмшатиш чора-тадбирлари

“Ақлий салоҳият оқими”- бу “итарувчи” ва “жалб қилувчи” омиллар таъсирида соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳасидаги юқори малакали мутахассисларнинг мамлакатни тарқ этишини англатади. “Ақлий салоҳият оқими” донор мамлакатлар учун инсон капитали захирасининг камайиши билан бирга маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорликнинг қисқаришига, шунингдек, сўнгги технология ва илм-фан ютуқларидан хабардор бўлган

битирувчилар ва малакали ишчилардан маҳрум бўлишига, шундоқ ҳам чекланган ресурслар ва тақчил бюджет шароитида ҳукуматнинг мазкур кадрларни тайёрлашга сарфлаган инвестицияларидан, йўқотилган мутахассислардан келиши мумкин бўлган солиқ тушумларидан ажралишига ҳамда аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириши лозим бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг сони ва сифатининг тушиб кетишига олиб келади. Аксарият ҳолатларда “ақлий салоҳият оқими” муаммоси юзага келаётган соҳаларнинг етарлича молиялаштирилмаслиги, меҳнат қилиш шароитларининг замон талабига жавоб бермаслиги, қуйи иш ҳақи даражаси, лидерлик ва креативликка рағбатнинг сезилмаслиги кузатилади. “Ақлий салоҳият оқими”га учраётган мамлакатлар нафақат таълим учун сарфлаган инвестициялар ёки йўқотилган кадрлар эвазига кутиладиган даромад солиқларидан, балки мазкур мутахассисларнинг, хусусан врачларнинг соғлиқни сақлаш, ўқитувчиларнинг таълим, дастурчиларнинг ахборот технологиялари соҳасининг тараққиёти учун қўшадиган ҳиссаларидан маҳрум бўлмоқдалар.

Қуйи ва ўрта даромадли мамлакатлардан юқори малакали мутахассисларнинг эмиграциясига “ақлий салоҳият оқими” сифатида қаралишига сабаб юқори малакали кадрларнинг йўқотилиши эвазига донор мамлакатларнинг харажатлари мазкур мигрантлар ҳисобига мамлакатга киритиладиган пул ўтказмалари ва билимлар трансфери ҳисобига қўриладиган фойдадан ортиб кетиши туфайли иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади. Юқори малакали мутахассисларнинг эмиграцияси глобал феномен бўлиб, унинг ҳажми юқори даромадли ИХТТ мамлакатларидаги 4%, ўрта даромадли мамлакатлардаги 10% ва қуйи даромадли мамлакатлардаги 20% юқори малакали аҳолининг улушини

ташкил этади. Олий маълумотли мутахассислар бошланғич маълумотга эга мутахассисларга нисбатан 7,3 маротаба, ўрта маълумотли мутахассисларга нисбатан эса, 3,5 маротаба кўпроқ миграцияни амалга оширадилар¹⁹⁷. Масалан, АҚШдаги тахминан 40 миллион нафар иммигрантларнинг 22%и бошланғич, 18%и ўрта ва 35%и олий маълумотли мигрантлар бўлиб, буни баъзи йирик реципиент мамлакатлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

3.2.1.-жадвал

АҚШдаги йирик реципиент мамлакатларидан ташриф буюрган 25 ёшдан катта бўлган мигрантларнинг таълим даражаси бўйича тақсимланиши¹⁹⁸

Донор мамлакат	Мигрантлар сони, киши	Бошланғич таълим	Ўрта таълим	Олий таълим
Ҳиндистон	2,528,000	6%	7%	81%
Хитой	2,145,000	17%	12%	52%
Филиппин	1,851,000	15%	26%	53%
Вьетнам	1,242,000	21%	20%	29%
Корея Республикаси	956,000	16%	18%	58%

Суб Сахро Африкаси, Кариб ҳавзаси ва Осиё Тинч океани минтақасида жойлашган қуйи даромадли мамлакатларда юқори малакали кадрларнинг миграцияси қуйи маълумотлиларникига нисбатан 30 баробор кўп бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради. Кариб ҳавзасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг олий маълумотли

¹⁹⁷ Migrants, Refugees, and Societies.world development report 2023.

¹⁹⁸ Educational Attainment of U.S. Adults (ages 25 and over) by Nativity and Select Country of Birth, 2022.MPI data hub.Migration facts, stats and maps

аҳолисининг 40%дан ортиғи ва Кабо Верданда 70%и хорижда, Суб Сахро Африкасида таълим олган врачларнинг чорак қисми ИХТТ мамлакатларининг ўзида фаолият кўрсатади.

Дунё аҳолисининг атига бешдан бир қисми яшайдиган ИХТТ мамлакатлари жами “ақлий салоҳият оқими”нинг 75%ини ўзига жалб қилган бўлиб, уларнинг деярли ярми АҚШда жойлашган. Хусусан, дунё бўйлаб Нобель мукофоти совриндорларининг 65%и АҚШ муассасаларида фаолият кўрсатган бўлсаларда, уларнинг ярмини мигрантлар ташкил қилади¹⁹⁹.

Юқори малакали мигрантларни жалб қилувчи ИХТТ мамлакатларида сўнгги йиллар давомида умумий мигрантлар таркибида тобора маълумотлилар сонининг ортиб боришини кузатар эканмиз, донор мамлакатлар учун “ақллар чиқиб кетиши” муаммоси қанчалик чуқурлашиб бораётганини англаш имконига эга бўламиз. Хусусан, 2011 йил ҳолатига кўра, олий маълумотга эга бўлган ҳар 9 та Африкаликнинг, ҳар 13 та Лотин Америкаликнинг, ҳар 30 та Кариб ҳавзасида туғилганларнинг биттаси ИХТТ мамлакатларида яшаган²⁰⁰. Шунингдек, 2000-2015 йиллар давомида ИХТТ мамлакатларидаги қуйи маълумотли мигрантлар сони 5 миллионга кўпайган бўлса, юқори малакали мигрантлар сони тахминан 20 миллионга кўпайган.

¹⁹⁹ Caglar Ozden. Global talent flows: Causes and consequences of high-skilled migration// <https://blogs.worldbank.org/en/developmenttalk/global-talent-flows-causes-and-consequences-high-skilled-migration>

²⁰⁰ S. Irudaya Rajan. High-skilled migration. Routledge Handbook of Immigration and Refugee Studies. Edited by Anna Triandafyllidou. 2015. P.88.// <https://doi.org/10.4324/9781315759302>

3.2.2.-жадвал

ИХТТ мамлакатларидаги олий маълумотли мигрантлар сони, 2000-2010 йиллар, миллион киши²⁰¹

Олий маълумотли халқаро мигрантлар сонин, (миллион киши)	2000	2010
Донор минтақалар		
Африка	1705.5	3060.6
Осиё	6110.0	10,914.9
Европа	6767.2	10,887.4
Шимолий Америка	841.6	1159.9
Лотин Америкаси	2680.3	4929.3
Океания	305.5	465.3
Мамлакатлар гуруҳи		
ИХТТ мамлакатлари	6491.5	9923.2
ИХТТ бўлмаган ривожланган мамлакатлар	1276.6	1992.5
Қуйи/ўрта даромадли мамлакатлар	10,622.7	19,472.0
Жами	18,390.0	31,387.7

Манба: UN 2015, EOCED 2015, Arslan, C., Dumont, J.-C., Kone, Z., Moullan, Y., Özden, C., Parsons, C., & Xenogiani, T. (2015). A new profile of migrants in the aftermath of the recent economic crisis. OECD Social, Employment and Migration Working Papers, n° 160. <https://doi.org/10.1787/5jxt2t3nnjr5-en>

*Africa's Development Dynamics 2024. Skills, jobs and productivity. AUC/OECD 2024.

2015-2016 йил ҳолатига кўра, ИХТТ мамлакатларида 40 миллион нафар юқори малакали мигрантлар фаолият кўрсатган. 2010-2020 йиллар давомида эса, юқори малакали мигрантлар улуши ИХТТ мамлакатларида 9% га ортган.

²⁰¹ Serge Feld. International Migration, Remittances and Brain Drain. Impacts on Development. Springer. 2021. P. 15. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-030-75513-3>

Агар ҳолатга ИХТТ мамлакатлари ичидаги ЕИ кесимида кўрадиган бўлсак, 2012-2022 давомида ЕИ мамлакатларида юқори малакали мигрантлар улуши 24%дан 31%га етган²⁰². Минтақадаги но ЕИлик мигрантлар сони 27,3 миллион бўлиб, 2023 йилга келиб, 24-25 ёшдаги но ЕИлик бўлган мигрантларнинг 35%и олий маълумотга эга бўлган бўлиб, 2030 йилга келиб уларнинг улуши 45%га етиши кутилмоқда²⁰³.

“Ақлий салоҳият оқими” кузатилаётган энг катта минтақа Осиё бўлиб, юқори малакали кишилар эмиграциясининг 78%и асосан учта мамлакат, яъни Хитой, Ҳиндистон ва Филиппин ҳисобига таъминланган. Шунингдек, Осиё минтақасини тарк этаётган юқори малакали мигрантлар улуши (35%) малакасиз мигрантлар улуши (16%)га нисбатан икка маротабадан ортиқ. Мазкур ҳолат Хитой кесимида 47% ва 15% нисбат билан 3 баробар тафовутни ташкил қилади. Юқоридаги жадвалга кўра, ИХТТ мамлакатларидаги юқори малакали мигрантларнинг тахминан учдан бир қисми Осиё, яна шунчаси Европа мамлакатларига тўғри келса, 15%и Лотин Америкаси мамлакатлари улушига тўғри келади. Аммо Осиё минтақасидан фарқли равишда Лотин Америкаси етказиб бераётган юқори малакали мигрантларнинг улуши (16%) малакасиз мигрантларга (34%) нисбатан икки баробар кам бўлиб, фақатгина Аргентина ва Бразилиялик мигрантлар орасидаги юқори малакачиларнинг улуши юқорироқ. Африка минтақаси етказиб берувчи “ақлий салоҳият” таркибида эса, юқори малакали ва малакасиз мигрантларнинг улуши деярли бир хил 10% ва 12% нисбатни ташкил қилади. Аммо маълум бир омиллар сабабли Нигерия, Жанубий Африка ҳамда Мисрни тарк этаётган мигрантлар таркибида ҳам

²⁰² The education of immigrants in the European Union// <https://www.rfberlin.com/the-education-of-immigrants-in-the-european-union/>

²⁰³ Migrant integration statistics – education.Eurostat statistics explained.

малакасизларга нисбатан юқори малакачиларнинг улуши анча юқори. Табиийки, мамлакатни тарқ этаётган мигрантларнинг малакачалари ўртасидаги кескин тафовутларни уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда олий таълим тизимига хизмат қилувчи инфратузилманинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш ўринли бўлади.

2000-2015 йиллар давомида “ақллар оқими” Ҳиндистон (123,4%), Покистон (122,9%), Колумбия (115,9%), Польша (115,4%), Руминия (107,0%), Бразилия (102,3%), Гонконг (98,2%), Мексика (86,4%), Хитой (85,9%), Жанубий Африка (83,1%) каби мамлакатларда юқори суръатлар билан ўсганини кузатиш мумкин.

3.2.3.-жадвал

Юқори малакали мутахассисларни экспорт қилувчи энг йирик мамлакатлар²⁰⁴

Донор мамлакатлар	Юқори малакали эмигрантлар сони
Ҳиндистон	3,12 миллин
Хитой	2,25 миллион
Филиппин	1,89 миллион
Буюк Британия	1,75 миллион
Германия	1,47 миллион
Польша	1,20 миллион
Мексика	1,14 миллион
Россия	1,06 миллион

Манба: OECD, world Bank 2015-2016


Шу ўринда донор мамлакатдаги “ақлий салоҳият оқими” ҳажмини изоҳлаш имконини берувчи юқори малакачиларнинг эмиграция суръати кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга

²⁰⁴ Katharina Buchholz. Where Highly Educated Migrants Come From//
<https://www.statista.com/chart/4015/the-top-countries-for-highly-educated-migrants/>

мувофиқ бўлиб, у мамлакатда туғилиб, хорижда яшаётган олий маълумотли кишиларнинг мамлакат ичида қолган олий маълумотли кишиларга нисбатани англатади. Мазкур кўрсаткич бўйича айнан 2000-2015 йиллар давомида ўз битирувчиларини тор ички меҳнат бозоридаги имкониятлар билан қониқтира олмаган, иш ҳақи даражаси қуйи бўлгани сабабли ИХТТ мамлакатларига юқори малакали мутахассисларининг эмиграция суръатлари юқори бўлган Гаити (75%), Мавритания (43%), Зимбабве (43%), Конго (37%), Жамайка, Хондурас (32%) каби мамлакатларни ҳам келтириш мумкин. Минтақалар кесимида кўрадиган бўлсак, Африка минтақасида 14-43%ни, Лотин ва Марказий Америка минтақасида 10-75%ни, Осиё минтақасида эса, 8-20%ни ташкил қилган ²⁰⁵.

Шунингдек, инсон капитали ва “ақлий салоҳият оқими”ни ифодаловчи Brain Drain индекси мавжуд бўлиб, у “инсон капитали оқими”нинг иқтисодий таъсирини ўлчайди. 0 дан 10 га бўлган ўлчовни ташкил қилувчи мазкур индекснинг юқори рақамлари инсон капитали оқимининг юқори даражасини ифодалайди. 2023 йил ҳолатига кўра, Самоа, Жамайка, Фаластин, Украина, Эль Сальвадор, Сомали, Эритрея, Афғонистон ва Албания каби мамлакатлар юқори “инсон капитали оқими” индексига эга етакчи мамлакатлар деб топилган.

²⁰⁵ Serge Feld. International Migration, Remittances and Brain Drain. Impacts on Development. Springer. 2021. P. 16-21. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-030-75513-3>



3.2.1. Расм. Brain Drain индекси бўйича етакчи мамлакатлар, 2023²⁰⁶

1990 йиллардан бери йилига ўртача йигирма минг нафар мутахассисларни йўқотувчи Африка минтақасидан эмиграция қилувчиларнинг ўртача 40%ини юқори малакали мигрантлар ташкил қилса, унинг 5 та мамлакати Гамбия, Кабо-Верде, Сейшель ороллари, Маврикий, Сьерра-Леонеларда 50%дан юқори²⁰⁷.

Кишилар эга бўлган малака даражаси уларнинг миграция тўғрисидаги қарорни қабул қилишида муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2020 йил ҳолатига кўра, 74% юқори малакали кадрлар бошқа минтақага, хусусан, уларнинг 98%и юқори даромадли мамлакатларга бориб ишлаш ҳоҳишлари бор эканлигини маълум қилганлар. Буни бевосита, 2020 йил ҳолатига кўра, Шарқий Африка минтақасидаги олий маълумотли кадрларнинг деярли ярми

²⁰⁶ Brain Drain Countries 2024// <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/brain-drain-countries>

²⁰⁷ Kellie Burk. Incentives to Reverse Africa's Brain Drain. ABIC, November 30, 2005// https://pdf.usaid.gov/pdf_docs/PNADR133.pdf

(47%), яъни 2 миллион нафари хорижда, хусусан, уларнинг 72%и юқори даромадли мамлакатларда фаолият кўрсатгани билан ҳам изоҳлаш мумкин²⁰⁸. Шу ўринда сунъий интеллект, нанотехнология, биотехнология, квант ҳисоблашлар каби етакчи технологиялар ҳамда олий таълим, фан ва тадқиқотлар, дастурлаш каби глобаллашган профессионал тармоқларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар юқори даромад ва карьера имкониятлари кенгроқ юқори даромадли мамлакатларга, бошқарув ва умумий технологик кўникмаларга эга бўлган кадрлар ўзи яшаётган мамлакатга нисбатан ривожланганроқ мамлакатга бориб ишлашларини таъкидлаш жоиз.

Иқтисодий ривожланиш даражаси қуйи бўлган мамлакатларнинг иқтидорли меҳнат ресурсларини истиқболли ва имкониятлари кенгроқ бўлган мамлакатлар ҳисобига бой беришлари натижасида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий салбий ўзгаришлар юзага келмоқда. Биргина соғлиқни сақлаш соҳасига йўнатиштирилган харажатларнинг атиги 12%ини жалб қилган қуйи даромадли мамлакатларга глобал касалликларнинг 90% юки тўғри келади. Ўз навбатида соғлиқни сақлашга қаратилган ўртача даромадларга нисбатан 100 баробар кўп маблағ сарфлаётган юқори даромадли мамлакатлар жон бошига тўғри келадиган тиббиёт ходимлари ва ётоқ ўринлари сони бўйича қуйи кўрсаткичларга эга бўлган ўрта ва қуйи даромадли мамлакатларнинг кўплаб юқори малакали тиббиёт ходимларини ўзига жалб қилиб олган²⁰⁹. Бунга 341 миллион аҳолига эга бўлган АҚШдаги врачларнинг катта қисмини таъминлаб бераётган 1,4 миллиард аҳолиси бор

²⁰⁸ Africa's Development Dynamics 2024: Skills, Jobs and Productivity, AUC, Addis Ababa/OECD Publishing, AUC/OECD (2024).P.55// https://www.oecd-ilibrary.org/development/africa-s-development-dynamics-2024_df06c7a4-en

²⁰⁹ R. Beaulieu. Human flight and brain drain:an exploration of costs and benefits over time. Baltimore, Maryland May 2023. P.13.

Ҳиндистон ЯИМда соғлиқни сақлаш харажатларининг улуши 3%ни, АҚШда эса, 13%ни ташкил қилиб, 1 врачга тўғри келадиган беморлар улуши Ҳиндистонда 2083 кишига, АҚШда эса, 500 кишини ташкил қилиши мисол бўла олади²¹⁰. Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган врачлар сонини жон бошига ЯИМ билан боғлаб ўрганилганда Миср, Ҳиндистон, Покистон, Филиппин ва Корея Республикалари ўзлари учун зарур бўлгандан кўра кўпроқ врачлар етиштириши ва уларнинг катта қисмини юқори даромадли мамлакатларга экспорт қилиши маълум бўлган²¹¹. Бу ҳолатни Нигериядаги стоматологлар мисолида кўрадиган бўлсак, Нигерия Тиббий ва Стоматология Кенгашидан рўйхатдан ўтган 80 минг нафар стоматологларнинг атиги 30 минг нафаригина мамлакат ичкарисида, яримдан кўпи эса, хорижда фаолият кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳар минг кишига кимида 4,45 та врач, акушер ёки ҳамшира тўғри келиши лозимлигини тавсия қилиб турган бир пайтда Нигерияда бу кўрсаткич 2,1 дан пастни ташкил қилмоқда.²¹²

²¹⁰ Telemedicine Portal Extends Quality Healthcare to India's Rural Poor

[//www.microsoft.com/resources/casestudies/CaseStudy.asp?CaseStudyID=15863](http://www.microsoft.com/resources/casestudies/CaseStudy.asp?CaseStudyID=15863)

²¹¹ F. Levy. The first world's role in the third world brain drain. *BMJ* 2003;327:930//

<https://www.bmj.com/content/327/7407/170.1>

²¹² Lawal, L., Lawal, A.O., Amosu, O.P. et al. The COVID-19 pandemic and health workforce brain drain in Nigeria. *Int J Equity Health* 21, 174 (2022). <https://link.springer.com/article/10.1186/s12939-022-01789-z#citeas>

3.2.4.-жадвал

ИХТТ мамлакатлари томон “Врачлар оқими” муаммосини бошдан кечираётган етакчи мамлакатлар²¹³

Мамлакатлар	Хориждаги врачлар сони	Хориждаги эмигрант врачларининг маҳаллий врачларга нисбатан улуши, %
Хиндистон	74.455	7,3%
Покистон	25.607	10,6%
Руминия	21.800	37,2%
Германия	18.827	5,0%
Буюк Британия	18.314	8,6%
Россия	17.227	3,1%
Миср	12.585	16,8%
Польша	11.521	8,1%

Манба: OECD, WHO, 2021

Донор мамлакатларда айнан “итарувчи омил” бўлиб хизмат қилган муаммолар ечимига қаратилган сайёи-харакатлар, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш тизими сифатини кўтариш ҳамда иш ҳақиларини оширишларига қарамасдан хорижда таълим олган фуқароларнинг ўз ватанларига қайтишга бўлган иштиёқларининг етарли даражада тикланмаётганилигини кўриш мумкин. Буни бевосита мамлакатда инсон капиталини сақлаб қолиш ёки тиклаш учун хизмат қиладиган фан-техника тараққиётининг кузатилмаётгани ҳамда технологик ва инновацион салоҳиётнинг ошмаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда тадқиқот доирасида “ақлий салоҳият оқими” муаммосининг хориж тажрибасига эътибор қаратар эканмиз, дунёда ўз “ақлий салоҳият эгалари”ни катта миқдорда чиқиб

²¹³ Katharina Buchholz. The Countries Experiencing Doctor Brain Drain//
<https://www.statista.com/chart/29667/doctor-brain-drain/>

кетишини бошдан кечираётган ва бунинг ортидан катта муаммоларга учраётган Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси каби мамлакатларни танламасликка қарор қилдик ва буни мазкур мамлакатларда Ўзбекистондан фарқли равишда юқори даражадаги қашшоқлик, иқтисодий инқирозлар, хавфсизлик, сиёсий нотинчлик каби таркибий ҳамда тарихий, ижтимоӣ ва маданий характердаги уникал муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда мазкур мамлакатларда иқтидор эгаларини ушлаб қолиш борасидаги ислохотларнинг самараси ҳали сезилмагани билан изоҳлаш мумкин. Аксинча, географик жиҳатдан бир минтақада жойлашган, Ўзбекистон каби барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига ва юқори малакали кадрларга бўлган юқори талабга эга бўлган, ҳам ички, ҳам ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини бошдан кечираётган, малакали кадрларни ушлаб қолиш ва жалб қилиш мақсадида юқори технологиялар, фан ва инновацияларни ривожлантираётган ҳамда “ақллар оқими”ни олдини олиш борасида самарали курашиб келаётган Малайзияни танлашга қарор қилдик.

Малайзияда “ақлий салоҳият оқими” дастлаб 1963 йилдан бошлаб, фуқароларнинг олий маълумот олиш мақсадида хорижга чиқиб кетиши шаклида намоён бўла бошлаган. Малайзияда олий таълим институтлари сони чекланган шароитда ҳукумат томонидан давлат олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда “ирқий квота”ни жорий этилиши яъни маҳаллий туб малай аҳолисига афзаллик берилиши натижасида мамлакатда яшовчи бошқа этник гуруҳлардан бўлган иқтидорли талабаларнинг таълим олиш мақсадида хорижга чиқиб кетиши, улар таълимни тугатдан сўнг ҳам мамлакатга келиб ишлаш имкониятларининг рад этилиши кузатилган. 1980 йилларда мамлакатда тўрттагина олий таълим муассасалари бўлиб, 1980-1985

йиллар оралиғида хорижда таълим олаётган малайзиялик талабаларининг сони 50 минг кишигача етиб, бу кўрсаткич бўйича Малайзия дунё бўйича 2-3 ўринларни эгаллаб келган.

1990 йилларга келиб, ҳукумат томонидан олий таълим муассасаларига қабул қилишда “ирқий квота”ларнинг бекор қилиниши, олий таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг кучайиши, мамлакат олий таълим тизимининг халқаролашуви натижасида Малайзияда университетлар сони 20 тадан ортиб, 1995-2010 йилларда давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони 210 мингтадан 463 минтагача, жами талабалар сони эса, 1 миллионтагача етди²¹⁴.

Аммо мамлакатдаги адолатсиз сиёсий ва ижтимоий тизим, меҳнат бозорининг тор сиғими, иш билан боғлиқ стресс ва қоникмаслик, чуқур консерватизм, бюрократия, ижтимоий, сиёсий, институционал шароитларнинг иерархияси ва шафқатсизлиги, креативлик, инновациялар ва интеллектуал рағбатнинг мавжуд эмаслиги, таълим, соғлиқни сақлаш ва турмуш даражасининг қуйи даражаси, иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги баланснинг йўқлиги, хавфизлик, коррупция кабилар малакали кадрларнинг эмиграциясини кучайтирди. 1960 йилларни бошидаги олий маълумотга эга бўлиш мақсадидаги 10 минг нафар потенциал жиҳатдан интеллектуал кадрларнинг миграция оқимлари 2005 йилга келиб, 150 маротабага ортиб, 1,5 миллион нафар тайёр юқори малакали, интеллектуал билим эгаларининг “ақлий салоҳият оқими” шаклидаги анча “хавотирли” миграциясига айланди²¹⁵.

²¹⁴ Adam Tyson. The Political Economy of Brain Drain and Talent Capture: Evidence from Malaysia and Singapore. Routledge Malaysian Studies Series. Paperback. 2019. P. 123, 124.

²¹⁵ Jauhar, Junaimah Binti, Ahmad Bashawir Abdul Ghani, and Rabiul Islam. Brain drain to Singapore: a conceptual of Malaysian's diaspora. The social sciences 2015. 10(6)P.704.

3.2.5.-жадвал

Малайзияда ақлий салоҳият оқимини юзага келтирувчи омиллар²¹⁶

Иш билан боғлиқ омиллар	
“Итарувчи” омиллар	“Жалб қилувчи” омиллар
Кишиларни қониктирмайдиган ва жозибадор бўлмаган иш ҳақи, махсулдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликнинг узилганлиги, иш ҳақини статик ошиши, ишдан ва ишлаш шароитидан қоникмаслик, малакалар бўйича иш ҳақи тафовутларининг камлиги, ишга жойлашиш имкониятларининг камлиги, меҳнат қилиш хавфсизлигининг қуйи даражада эканлиги, иш берувчиларнинг паст малакали ишчи кучини афзал кўриши, карьера қилиш имкониятининг камлиги ва унда адолатсизликнинг ҳукм суриши, меҳнатнинг қадрланмаслиги, шахсий ривожланиш учун имкониятларнинг камлиги, кескин, авторитар ва самарасиз иш муҳити, қарор қабул қилишда ходимнинг қуйи иштироки, шахсий ҳаёт ва иш балансининг таъминланмаганлиги, ишдаги экстремал стресслар, ходимни етарлича ишга жалб қила олмаслик ва уни ташкил этишдаги муаммолар, ишда креативликнинг тушиб кетиши, маданиятнинг етишмаслиги, иқтидорли бўлмаган мутахассислар билан ишлашдаги қийинчиликлар, етакчи	Юқори иш ҳақи ва у билан боғлиқ имтиёзлар, рағбатланиш тизими, меҳнат хавфсизлиги ва барқарорлик, қулай ишлаш муҳити, иш ва шахсий ҳаёт балансининг таъминланганлиги, ишга жойлашиш, карьера зинапояларидан кўтарилиш, шахс сифатида ривожланиш, янги кўникмаларга эга бўлишда халқаро ҳамкорлик қилиш, яхшироқ ва замонавий илмий тадқиот олиб бориш имкониятлари, динамизм, креативлик ва инновация, “хавотирли” ва кескин амалиётларнинг камлиги, замонавий технологиялар ва стартапларга киришнинг осонлиги, нисбатан замонавий жамият

²¹⁶Malaysian Brain Drain: Voices Echoing Through Research// <https://www.businesstoday.com.my/2024/05/16/malaysian-brain-drain-voices-echoing-through-research/>

технологиялардан кам фойдаланадиган иш муҳити	
Ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий омиллар	
“Итарувчи” омиллар	“Жалб қилувчи” омиллар
Қуйи турмуш даражаси ва стандартлари, оила аъзоларини учун сифатлироқ яшаш шароитини таъминлаб бериш хоҳиши, соғлиқни сақлаш имкониятларининг камлиги, ижтимоий ва маданий ҳаётдан қониқмаслик, ҳаёт тарзининг қуйи сифатда бўлиши, сифатли таълим олиш имкониятининг чекланганлиги, таълим тизимининг заифлиги ва эскирганлиги, мактаб таълимининг ёмонлашуви, ҳаёт ва шахсий ҳафсизликнинг таъминланмаганлиги, жиноятларнинг кўплиги, диний ва этник келишмовчиликлар, иқтисодий беқарорлик ва имкониятларнинг камлиги, валюта диспаратети (номутаносиблиги), қуйи тўлов қобилияти, сиёсий беқарорлик, ижтимоий адолатсизлик, меритократиянинг мавжуд эмаслиги, гендер дикриминацияси, кескин бюрократик ва автократив муҳит, қонун ва тартибга бўйсунмаслик, давлатга бўлган ишончсизлик	Юқори турмуш тарзи ва стандартлари, ижтимоий фаровонлик, ижтимоий ва маданий ҳаётдан қониқиб, нисбатан замонавий жамият, ишчининг ўзи ва фарзандларининг юқори сифатли таълимга эга бўлиш имконияти, ҳаёт хавфсизлиги, жиноятларнинг камлиги, иқтисодий шароитнинг яхшилиги, барқарор сиёсий тизим, коррупциянинг учрамаслиги ёки камлиги, қонун ва адолат устуворлиги, тенглик

Манба: Emir research

“Ақлий салоҳият оқими” жараёнларини бошдан кечираётган мамлакатларга хос бўлган қуйи интеллектуал ва академик стандартлар, юқори малакали кишиларни ўрнига кадрларнинг топилмаслиги, ижодий салоҳиятнинг тушиб бориши, саноатнинг қуйи даражада ривожланиши, иқтисодиётнинг заифлашуви, хорижий инвестициялар

оқимининг қисқариши, ишга жойлашиш имкониятларининг камайиши каби оқибатлар Малайзияни ҳам четлаб ўтмади.

Хориждаги малайзиялик юқори малакали мигрантлар сони 1990-2000 йиллар давомида йилига ўртача 5,2%га ўсиб, бир декада ичида 60%га ортди. Малайзияда “ақлий салоҳият оқими” 2007 йилда 140 минг нафар, 2008-2009 йилларда эса, 2 бараварга ортиб, 305 минг кишига етди. 1990-2000 йиллар давомида ИХТТ мамлакатларидаги олий маълумотли малайзияликларнинг сони 40%га ортиб, жами 100 минг кишига етди²¹⁷.

3.2.6.-жадвал

Хориждаги малайзия диаспораси ва “ақлий салоҳият оқими”²¹⁸

Мамлакатлар	1990		2000		2010	
	Диаспора	Brain Drain	Диаспора	Brain Drain	Диаспора	Brain Drain
Австралия	44,984	35,366	56,961	38,620	101,522	51,556
Канада	12,150	8,480	17,150	12,170	24,063	12,807
Янги Зеландия	6,069	4,239	7,548	4,221	15,995	6,708
Буюк Британия	31,130	15,328	38,147	12,898	65,498	16,609
АҚШ	17,725	13,745	36,994	24,085	61,160	34,045
Сингапур	185,906	19,005	286,048	66,452	350,672	121,662
Бруней Султонлиги	49,439	3,142	60,401	6,438	76,567	10,208
Филиппин			6,323	2,974	5,059	1,785
Тайвань			5,686	2,916	8,411	3,235
Хитой			5,255	2,655	9,226	3,496
Бошқалар			45,549	19,130		

Манба:Frederic Docquer, Abdelsam Marfouk, O’zden, Parson. Brain drain Database, World Bank (2005), singstat(2011)

²¹⁷ Jauhar, Junaimah Binti, Ahmad Bashawir Abdul Ghani, and Rabiul Islam. Brain drain to Singapore: a conceptual of Malaysian’s diaspora. The social sciences 2015. 10(6)P.704.

²¹⁸ Malaysia economic monitor. Brain drain. World Bank/ 2011.P.93.

2000 йилларга келиб, Канада, Британия, Янги Зеландия, АҚШ каби мамлакатлардаги малайзиялик “ақлий салоҳият оқими”нинг ўсиш суръатлари секинлашиб, Сингапур ва Бруней томон мазкур оқимнинг ўсиши интенсивлашди. 1990 йилларда малайзиялик юқори малакали кишиларни жалб қилиш бўйича Австралия етакчилик қилган бўлса, 2000 йилларга келиб, Сингапурнинг ўзи жами Малайзия “ақлий салоҳияти”нинг 40%ини жалб қилди. 2010 йилга келиб, Сингапурдаги малайзиялик олий маълумотли мигрантлар 2000 йилга нисбатан 2 бароварга, 1990 йилларга нисбатан 3 бараварга ортиб кетди ҳамда мамлакатдаги малайзия диаспорасининг деярли ярмини юқори малакали кишилар ташкил эта бошлади. 2010 йилга келиб, хориждаги қарийб 1 миллионга яқин малай диаспорасининг учдан бир қисмини юқори малакали кишилар ташкил қилган бўлиб, Сингапур Малайзия диаспорасининг 57%ини, малай “ақлий салоҳият оқими”нинг эса, 54%ини жалб қилган²¹⁹.

2015-2016 йил ҳолатига кўра, Малайзиянинг юқори малакани талаб қилувчи ахборот технологиялари, электроника, муҳандислик ва илмий тадқиқот соҳалари талаб даражасидаги билимга эга бўлган кадрлар танқислигига учраган. Мазкур соҳаларда жозибадор иш ҳақи таклифи мавжуд бўлишига қарамасдан, инновациялардан узоқ ва бюрократизм ҳамда коррупцияга тўла бўлган маданият шаклидаги омиллар юқори малакали кишиларни ўзидан “итармоқда”.

Сингапурдаги жами бухгалтерларнинг 34%ини малайзияликлар ташкил қилсада, тадқиқотлар Малайзиянинг ўзидаги бухгалтерлар танқислиги 60 минг кишига етиши прогноз қилинмоқда. АҚШ ва Бирлашган Қиролликдаги бухгалтерлар учун янги стандартларни таништириш билан

²¹⁹ MALAYSIA ECONOMIC MONITOR. BRAIN DRAIN. World Bank/ 2011.P.104.

боғлиқ имкониятларнинг юзага келиши малайзиялик ҳисобчиларнинг Сингапур билан бирга Бирлашган Қироллик, Хитой ва Гонконг каби мамлакатларга бориб ишлашларига туртки бермоқда. Малайзиялик бухгалтерларнинг Сингапурга миграцияси қаратилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, барча “итарувчи” ва “жалб қилувчи” омиллар ичида Сингапурда ишлаётган бухгалтерларни иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги балансинг таъминланиши, реципиент мамлакатлар томонидан таклиф этилган очиқ иммиграция сиёсати ҳамда малай бухгалтерларининг халқаро тажрибага эга эканлиги ҳамда ижтимоий тармоқнинг ривожланганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилганини кўрсатади.

2018 йилга келиб, Австралиядаги малайзиялик врачлар сони 2,545 кишига етиб, Малайзия Австралияга врачлар етказиб берувчи етакчи 10 та мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Малайзия ҳукуматининг ҳар 4 мингта беморга 1 та врач тўғри келишига эришишга қаратилган мақсадига етиши учун 8 минг нафар врачга эҳтиёж сезмоқда²²⁰. Гарчанд, ИХТТ мамлакатлари бўлмиш Австралия, Канада, Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатлардаги врачларнинг 25-32%и айнан Малайзия, Филиппин ва Индонезия каби Жануби Шарқий Осиё мамлакатларида таълим олганлар²²¹.

Жаҳон Банки ҳисоботида кўра, Малайзия 1990 йилларнинг охиридан бери йилига ўртача 20% малакали тиббиёт мутахассисларини йўқотиб келмоқда. 2021 йил 2,5 минг малайзиялик врачлар Бирлашган Қиролликда фаолият кўрсатган бўлса, 2023 йилга келиб, уларнинг сони 21%га

²²⁰ Brain Drain In Malaysia's Primary Care: Why It Matters – Frustrated Malaysian GP. CodeBlue | 28 March 2023

²²¹Rohina Joshi MBBS, MPH, PhD , Kenneth Yakubu MBBS, PhD Candidate, Vikash Ranjan Keshri MBBS, MD , Vivekanand Jha MBBS, MD, DM. Skilled Health Workforce Emigration: Its Consequences, Ethics, and Potential Solutions. Mayo Clinic Proceedings, Volume 98, Issue 7, July 2023, P. 963 // <https://doi.org/10.1016/j.mayocp.2023.02.035>

ортиб, 3,1 минг кишига етди. 2022 йилда 316 нафар тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномага натижаларига кўра, ишдан қониқиш даражаси атиги 30%ни ташкил қилган. Малайзия университетининг тиббиёт соҳасидаги янги битирувчиларининг камида 30%и Сингапурга ишлашга кетмоқда. Натижада бир врачга тўғри келадиган беморлар сони Малайзияда 1:412, Сингапурда 1:312, 1 ҳамширага тўғри келадиган беморлар сони Малайзияда 1:279, Сингапурда 1:129, бир фармацевт ходимга тўғри келадиган беморлар сони эса, 1:1653 ва 1:1446 нисбатни ташкил қилади²²².

2022 йил ҳолатига кўра, малайзия диаспорасининг сони 2,5 миллион кишига тенг бўлиб, 0,5 миллиони 25 ёшдан катта бўлган юқори малакали кишилардир. Биргина Сингапурда 1 миллиондан ортиқ малайзия диаспораси мавжуд бўлиб, уларнинг тахминан 250 минг нафари юқор малакали кишилардир²²³. 2024 йилдаги Department of Statistics Malaysia (DOSM)нинг маълумотларига кўра, Сингапурдаги малайзиялик меҳнат мигрантларнинг 39%и, Брунейдаги малайзияликларнинг 68%и юқори малакали мутахассислардир²²⁴.

2024 йил ҳолатига кўра, Малайзияда Human flight and brain drain индекси 4,4 кўрсаткични ташкил қилган²²⁵. Шу ўринда 2010-2015 йилларда 54 минг нафар малайзияликларнинг оммавий равишда фуқароликдан воз кечишлари ҳолатлари ҳам кузатилганини, Human flight and brain drain индекс 2015 йилдаги 0.3 индексга қисқаришни


²²² Malaysia's healthcare dilemma: Tackling the issue of brain drain — Jachintha Joyce// <https://www.malaymail.com/news/what-you-think/2024/01/19/malaysias-healthcare-dilemma-tackling-the-issue-of-brain-drain-jachintha-joyce/113311>

²²³ M.Hussin, M. Peredaryenko. Malaysian brain drain – don't go chasing waterfalls. Emir research. <https://www.emirresearch.com/malaysian-brain-drain-dont-go-chasing-waterfalls/>

²²⁴ J. Bunyan. What you should know about: Malaysia's brain drain and who's benefitting from it// <https://www.malaymail.com/news/malaysia/2024/07/29/what-you-should-know-about-malaysias-brain-drain-and-whos-benefitting-from-it/144271>

²²⁵ Fragile state index. <https://fragilestatesindex.org/global-data/>

ҳисобга олмаганда 2020 йилгача барқарор ўсиб келганини кузатиш мумкин.



3.2.2.Расм. Малайзияда Human flight and Brain Drain индекси, 2006-2024 йиллар

2024 йил ҳолатига кўра, Малайзияда “ақлий салоҳият оқими” 5,5 %ни ташкил қилади, мазкур кўрсаткич дунё бўйлаб ўртача 3,3%га тенг²²⁶. Шунинг таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Малайзиядаги “ақлий салоҳият оқими”нинг сабабларидан бири бу- миграциянинг “занжир эффекти” ҳам бўлиб, хориждаги малай диаспораси янги мигрантларнинг кириб келиши ва жамиятга мослашишига ёрдам бериб келмоқда.

Малайзия ҳукумати мамлакатдаги “ақлий салоҳият оқими” муаммосини унинг дастлабки омилларига барҳам бериш йўлидан боришни маъқул кўрди. Хусусан, юқори таъкидланган сифатли ва кенг қамровли олий таълим тизимига эришиш орқали интеллектуал миграцияни юмшатиш мақсадида Малайзия АҚШ ва Англия модели уйғунлигидаги олий таълим тизимини шакллантириш ва уни халқаролаштириш ҳисобига ислоҳ қилишни режалаштирди. Бу борада ҳукумат университет профессор -ўқитувчиларининг

²²⁶ HR Minister: Malaysia's 5.5% Brain Drain Is Almost Double Of The Global Average// <https://says.com/my/news/hr-minister-malaysia-brain-drain-issue-5-5-percent-higher-than-global>

таълим бериш, илмий тадқиқот олиб бориш ва университетга ўз хиссасини қўшишидан ташқари уларнинг университетларни бошқаришдек муҳим вазифасини самарали амалга оширишини таъминлаш мақсадида уларнинг хорижда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2008-2019 йиллар давомида хорижга магистратура ёки докторантурага кетган биргина USM университети ўқитувчиларининг 60%и Британияда, 16%и Австралияда ва 9%и АҚШда таълим олганлар.

Таълимнинг бу шаклда халқаролашуви мамлакатда ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда олий таълимдан кейинги таълим олиш имкониятларини ва ҳажмини кенгайтирди. Хусусан, 2011-2021 йиллар давомида докторантурада таълим олганлар Индонезияда 32 мингтадан 42 мингтагача, Вьетнамда 4 мингтадан 18 мингтагача етган бўлса, Малайзияда эса бу кўрсаткич, 30 мингтадан 60 мингтагача етган. Ўз навбатида айнан 2000 йиллардан кейин малайзияликлар орасида хорижда айниқса, STEM йўналишларида илмий даража олувчилар сони ҳам ортиб бораверди ²²⁷.

Халқаро академик алмашинувининг самарали йўлга қўйилиши таълим бозорининг халқаролашуви яъни, таълим дастурларининг трансмиллийлашуви ва қўшма илмий тадқиқот лойиҳаларининг ривожланишига олиб келди. Натижада мамлакатдаги етакчи университетларда замонавий халқаро стандартларга жавоб берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби ва мамлакатни тарк этмаган ҳолатда улардан таълим олиш имкониятига эга бўлган маҳаллий ва халқаро талабалар сони кўпайди. Хусусан, 2023 йил ҳолатига кўра, жами 56.448 та малайзияликлар хорижда таълим олаётган бўлса, 104 минг

²²⁷ Nobuko Kayashima , Miki Sugimura, Kazuo Kuroda, Yuto Kitamura. Impacts of Study Abroad on Higher Education Development Examining the Experiences of Faculty at Leading Universities in Southeast Asia. Springer 2020// <https://link.springer.com/book/10.1007/978-981-97-0775-1>

нафар халқаро талабаларнинг 44 минг нафари давлат, 60 минг нафари эса, Малайзиянинг хусусий олий таълим муассасаларида таълим олмоқдалар. Кейинги йилларда халқаро талабалар сонини 250 минг кишига етказиш режалаштирилган. Демак, олий таълим тизимининг халқаролашуви натижасида Малайзия “ақлий салоҳият оқими” муаммосидан азият чекаётган шароитда ҳам мамлакат ичидаги битирувчилар сонини камайиши кузатилмади ва университетлар буни халқаро талабалар ҳисобига қоплаб туриш имконига эга бўлмоқдалар.

Шу ўринда 1970 йиллардан бери Малайзияда саноат, электроника, нефт кимёси, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги каби тармоқларнинг ривожланиши ҳамда ички ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, кейинги йилларда турмуш даражаси, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатининг яхшиланиши шароитида аҳолининг паст малакали ишларни бажариш истагининг йўқолиши каби омиллар хориждан қуйи малакали ишчи кучига бўлган талабнинг ортишига олиб келди. Ўз навбатида ҳукумат томонидан ишчи визаларини олишни енгиллаштириш каби махсус миграцион дастурларнинг йўлга қўйилиши Индонезия, Бангладеш, Непал, Вьетнам ва Филиппин каби қўшни Жануби Шарқий Осиё мамлакатларидан вақтинчалик қуйи малакали ишчи кучининг кириб келиши учун замин яратди. Арзон ишчи кучи ҳисобига мамлакатда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб қолишдан ҳамда ҳали давом этаётган “ақлий салоҳият оқими” фонида юз бераётган юқори малакали ишчи кучи танқислигини ҳал қилишда қўшни мамлакатлардан арзонроқ ишчи кучи ёллашдан манфаатдор бўлган Малайзияда иммиграция жараёнларни йил сайин фаоллашиб бормоқда. Мамлакатда қуйи малакали ишчи кучига талаб юқори бўлсада, аммо қўшни

мамлакатлардан келган юқори малакали мигрантлар учун ҳам ишлаш имкониятлари кўпаймоқда.

3.2.7.-жадвал

Малайзия меҳнат ресурслари²²⁸

	Меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли сони	Олий маълумотли аҳоли сони	Меҳнат қилиш ёшидаги мигрантлар сони	Олий маълумотли мигрантлар сони	Юқори малакали мигрантлар сони
2006	16834.000	3186.8	1268.6	64.5	2703
2007	17219.600	3385.4	1300.2	59.3	2767.7
2008	17603.801	3534.2	1330.5	52.9	2858.9
2009	17980.900	4022.6	1362.7	70.5	3067.5
2010	19326.900	4456.7	2125.3	114.8	3289.9
2011	19764.000	4807.8	2225.4	120.8	3219.8
2012	20149.100	4914.5	2309.3	100.7	3211.8
2013	20761.699	5100.1	2612.6	114.3	3273
2014	21084.699	5551.1	2633.7	155.4	3408.1
2015	21387.801	5898	2654.4	134.5	3587.5
2018	22374.699	6408.7	2717.6	145.7	
2019	22685.199	6598.6	2728.4	164.4	4151.9
2020	22893.199	5870.2	2644.7	206.8	4223.3
2021	23018.600	6185.4	2407.9	172.8	4455.1
2022	23132.301	6413	2217.8	150.6	4560.5

Manba: International labor migration statistics in

ASEAN.International labor organization. February 2024.

Табиийки, ўтган йиллар давомида таълим олиш учун кетган талабалар ва малака оширишга кетган ўқитувчилар ҳамда мамлакат ичидаги “итарувчи” омиллар таъсирида чиқиб кетган бошқа юқори малакали мутахассисларни йўқотиш шаклидаги “ақлий салоҳият оқими” муаммоси Малайзияда авж олишда давом этсада, аммо ўз ватани билан алоқаларни

²²⁸ <https://www.ilo.org/resource/other/international-labour-migration-statistics-database-asean-ilms>

узмаганлар ва қайтиб келганлар ҳисобига билим ва кўникмаларни узатилишига ҳам эришилмоқда.

Шу ўринда Малайзия ҳукумати билим олишга интилувчан ёшлар ва олимлар учун мамлакат ичида турли стипендиялар, грантлар ҳамда молиялаштириладиган илмий тадқиқот лойиҳаларини фаол тарзда таклиф этишда давом этмоқда. Ҳукумат олий таълим муассасаларини кўпайтириш, уларда таълим сифатини халқаро стандартга олиб чиқиш, жозибадор имкониятларни кўпайтириш мақсадида университетлар ва хусусий сектор ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, хориждаги иқтидор эгаларини қайтариш мақсадида технологиялар, муҳандислик ва соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги R&D, яъни тадқиқотлар ва уларни молиялаштириш имкониятларни кенгайтиришга эътибор қаратмоқда. “Ақлий салоҳият оқими”ни юзага келишидаги сабаб ва омилларни ҳисобга олган ҳолда АКТ, ишлаб чиқариш, молия каби тармоқларда юқори суръатларда ўсишга эришиш мақсадида мамлакат иқтисодий муҳитини барқарорлаштиришга қаратилган иқтисодий трансформация дастурларини амалга ошириш, билим ва кўникмалар алмашинувини таъминлаш мақсадида хориждаги малайзияликлар ва мамлакатдаги мигрантлар учун миграция сиёсатини енгиллаштиришмоқда. Шунингдек, хориждаги диаспоралар билан ишлашда ҳамкорлик платформаларини ташкил этиш, улар учун ватанларидаги мавжуд имкониятлардан мунтазам равишда хабардор қилиш ва уларнинг миллий иқтидиёт тараққиёти учун ҳисса қўшишларини рағбатлантирмоқда. “Ақлий салоҳият оқими”нинг иқтисодий-ижтимоий омилларини ҳисобга олган ҳолда, малакали ишчи кучи танқислиги муаммосига учраган соҳаларда шахсий ҳаёт ва иш мувозанатини таъминлаш, иш

ҳаққиларини ошириш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яхшилашга уринмоқда.

Бу борада Малайзияда MyHeart платформаси ташкил этилган бўлиб, у хориждаги юқори малакали малайзиялик ишчилар ва талабалар билан алоқа ўрнатиш, маҳаллий юқори малакали малайзияликлар учун ўз билим ва тажрибаларини намоён этиш ва алмашиш, глобал миқёсдаги иқтидорли кишилар учун мамлакатда иш ўринларини ва имкониятларни тақдим этиш ҳамда хориждаги малакали малайзияликларни ватанларига қайтириш каби вазифаларни ўзида мужассам этган.

The Returning Expert Programme (REP)- давлат дастури эса, хориждаги малайзиялик мутахассисларни ватанига қайтариш ва мамлакат иқтисодиётига хисса қўшишига ундовчи дастур ҳисобланади. “Ақлий салоҳият оқими”га қарши курашга қаратилган мазкур дастур хорижда уч йилдан ортиқ ишлаган юқори малакали мутахассисларга 5 йил давомида даромад солиғидан 15%лик имтиёз бериш, шахсий буюмларини олиб киришда солиқ имтиёзлари ҳамда маҳаллий автомобиль сотиб олишда акциз солиқларидан озод қилиш, хорижлик турмуш ўртоғи ёки фарзандларига доимий резидентлик мақомини олишни енгиллаштириш каби рағбатларни таклиф этади. Д. Каприо бошчилигида тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, мазкур дастур хориждаги юқори малакали малайзияликларнинг тахминан 40%-70%ини қайтариш имконини беради, унинг соф фискал молиявий самарадорлиги ҳар бир талабгор учун минус 6900доллардан плус 4200 долларни ташкил қилади. Яъни ҳар бир талабгор учун 6900 доллар сарфланади ва 4200 доллар фойда қўрилади.Мазкур дастурда иштирок этмоқчи бўлиб ҳужжат топширган хориждаги малайзияликлар сони ҳар йили мамлакатдан чиқиб кетаётган мигрантларнинг 25%ини ташкил

қилади. RER бўйича қайтиб келганларнинг 75%и Малайзия даромадларининг энг юқори 1%ини ташкил қилади. Шунингдек, мазкур тадқиқот доирасида қамраб олинган талабгорларнинг 48%и бакалавр, 42%и магистр ва 7%и илмий даражалилардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача иш стажи 7,3 йилни ташкил қилган. Дастур доирасида Бирлашган Қиролликдан қайтиб келаётганларнинг эса, 51%и магистр бўлиб, АҚШ ва Бирлашган Қиролликдан даъво қилувчиларнинг 13%и илмий даражали кишилар ташкил қидади. Қайтиб келаётганларнинг ярмидан кўпи техник экспертлар, 36%и ўрта даражадаги ва 12%и юқори даражадаги менежерлар бўлиб, уларнинг 30%и бизнес хизматлари ҳамда 10%дан АКТ, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, электроника, газ ва энергетика соҳаларида иш билан банд бўлган. Шунингдек, 2012 йилдаги маълумотларга кўра, репатриантларнинг хориждаги даромади ўртача 120 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, қайтиб келгач уларнинг ўртача даромади 137 минг АҚШ долларини ташкил қилган. Уларнинг даромади маҳаллий малайзияликларнинг ўртача даромадидан 8 баравар катта бўлган. Шу ўринда малайзияликлар учун ўртача даромад АҚШда 106 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, Қиролликда 80 мингни ташкил қилган. Шундай бўлишига қарамасдан АҚШ ва Қиролликда “RER” дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар сони 490 ва 611 кишини нисбатини ташкил қилса, талабгор сифатида иштирок этаётганлар йилига атиги 95 ва 185 киши нисбатини ташкил қилади²²⁹. 2001-2010 йилларга қадар Expert Scheme номи остидаги мазкур йўналишда 750

²²⁹ Del Carpio X. V. et al. Global migration of talent and tax incentives: evidence from Malaysia's returning expert program //World Bank Policy Research Working Paper. – 2016. – №. 7875.

киши, RER дастури доирасида эса, 2011 йилдан бери 11 мингга яқин малайзияликлар ватанига қайтган²³⁰.

Шунингдек Малайзия ҳукуматининг Residence Pass-Talent (RP-T) — номли юқори малакали мигрантлар учун 10 йиллик янгиладиган визаси эса, узоқ муддатли стратегияда Малайзия иқтисодиётига хисса қўшмоқчи бўлганлар учун берилади. Мазкур дастурда Малайзияда камида уч йилдан бери ишлаётган Employment Pass рухсатномасига эга бўлган, камида икки йилдан бери даромад солиғи тўлаётган, ойига камида 15 000 ринггит даромадга эга бўлган, камида бакалавр даражасига эга бўлган, 5 йиллик иш тажрибасига эга мигрантларга берилади.

Малайзиянинг Иқтисодий трансформациялашув мақсадларига хизмат қилувчи Scholarship Talent and Retention (STAR) дастури эса, мамлакатдаги иқтидорли тадқиқотчиларни ушлаб қолишга қаратилган бўлиб, дастур иштирокчиларига нафақат давлат корхоналарида, балки Малайзиянинг 12 та миллий иқтисодий зоналаридаги молия, машинасозлик, нефть кимёси каби хусусий корхоналарда ишлаб, ўз тадқиқотларини амалга ошириш учун молиялаштириш маблағлари ёки стипендиялар тақдим этилади. Бундай имконият тадқиқотчиларга амалиёт билан боғланган ҳолда ўз тадқиқотларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш ва молиявий рағбатлантириш олиш, корхоналарга эса, университетларнинг иқтидорли битирувчиларини жалб қилиш каби афзалликларни беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биз тажрибаси сифатида ўрганган Малайзияда “ақлий салоҳият оқими” муаммосига

²³⁰ Over 10,000 Malaysian talents returned home under Returning Expert Programme// <https://serv.com.my/2024/03/25/over-10000-malaysian-talents-returned-home-under-returning-expert-programme/#:~:text=KUALA%20LUMPUR%2C%20March%2025%20%E2%80%94%20A%20total%20of,since%202021%2C%20the%20Dewan%20Negara%20was%20told%20today>.

қарши курашишда ҳукумат томонидан мамлакатда олий таълим тизимини кенг кўламда халқаролашувига эришиш ва мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали мамлакатдан чиқиб кетган юқори малакали кадрларни қайтариш ва потенциал мигрантларнинг чиқиб кетишини олдини олишга қаратилган узоқ муддатли стратегия асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу борада олиб борилаётган саъй ҳаракатлар ҳали кутилган даражада натижа бераётангани йўқ, аммо мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, юқори технологияларга асосланган иқтисодиётга ўтиш, инсон капиталининг ортиши каби жараёнлар жадаллашган бўлиб, бу натижалар кейинги йилларда мамлакатда “ақлий салоҳият оқими” муаммосининг чуқурлашувини олдини олишга хизмат қилиши муқаррар.

3.3. “Ақлий салоҳият оқими”ни “ақллар циркуляцияси”га айлантиришнинг хориж тажрибаси

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврига келиб, мутахассислар мобиллиги кишилар ҳаётининг бир қисмига айланганини ҳамда дунё мамлакатлари сифатли кадрлар учун курашда давом этишларини тан олиш вақти келди. Глобаллашув ва рақамлашув шароитида мутахассисларнинг жисмоний ёки масофавий шаклда фаолият кўрсатишлари ўртасидаги тафовутнинг тобора камайиб бориш тенденцияси ҳамда интеллектуал эмиграция жараёнларига қарши курашиб келаётган ва уни олдини олишга катта куч сарфлаган хориж мамлакатлари тажрибаси “brain drain”ни тўсиш ёки қайтаришга куч сарфлагандан кўра, уни “brain circulation” (“ақллар циркуляцияси”)га айлантириш, яъни, кадрларнинг ўз ватани тараққиётига қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини тўғри йўналтириш орқали вазиятни енгиллаштириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Меҳнат миграциясининг янги иқтисодий йўналиши (NELM)га кўра, “ақлий салоҳият оқими” донор мамлакатда олий маълумотга бўлган талабнинг ортишини юзага келтириши билан бирга узок муддатли стратегияда бир қанча ижобий оқибатларга олиб келади. Хусусан, ақлий салоҳият эгаларининг мамлакатга қайтишлари ёки билим, кўникма ва технологияларни турли йўллар билан реципиент мамлакатдан туриб узатишлари ҳисобига инсон капитали заҳирасининг ортиши, айнан мазкур кўникма ва технологияларга донор мамлакатлар ўта қуйи ёки 0 қийматда эга бўлиши, диаспоралар билан яхши йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари эвазига илм-фан тараққиёти ва сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлаш имкониятини берувчи халқаро инвестицияларни жалб қилишга эришиш, бошқа категориядаги мигрантлардан фарқли равишда юқори малакали мигрантларнинг пул ўтказмаларининг юқори ҳажми даромад манбаини яхшироқ кенгайтириши кузатилади. Хусусан, 71 та ривожланаётган мамлакатлар тажрибасига асосланган тадқиқот натижаларига кўра, жон бошига тўғри келадиган расмий халқаро пул ўтказмаларининг 10%га ортиши қашшоқликда яшаётган аҳоли улушининг 3,5%га қисқаришига олиб келади²³¹.

NELM намоёндалари Старк ва Фанлар “ақлий салоҳият оқими” қисқа муддатли стратегияда кўпроқ салбий оқибатларни намоён қилиши, узок муддатда эса, мазкур салбий оқибатлар ижобийлари ҳисобига “ёпилиб” кетишини қуйидагилар билан изоҳлайдилар:

- интеллектуал мигрантларни донор мамлакатда қолган фарзандларининг академик ва интеллектуал ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлади;

²³¹ Richard H. Adams, Jr. and John Page, “Do International Migration and Remittances Reduce Poverty in Developing Countries?” *World Development* 33, no. 10 (October 2005): 1645–69.

- ватанида ўзига мос иш топа олмаган интеллектуал эмигрантларнинг фарзандлари ўз малакаларига мос бўлган ишни топишга олдиндан кўпроқ интилишлари ва тайёрланишлари ҳисобига ортиб бораётган махсулдорлик ички меҳнат бозоридаги самарадорликни ортишига олиб келади;

- эмиграция қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида юқори малакали мигрантлар реципиент мамлакатдаги юқори технологиялар ва сўнгги билимларга кўпроқ инвестиция қиладилар, натижада улар томонидан донор мамлакат учун узатиладиган ва ёки қайтиб келганида қўлланиладиган билимлар захираси бойийди²³².

“Ақлий салоҳият оқими”нинг траснмиллий ижтимоий капитал сифатидаги яна бир хусусияти унинг “ақллар алоқаси (networking)” (“brain linkage”)ни таъминлашга хизмат қилишидир. Глобал рақобатбардошликни таъминлашда инсон ресурслари муҳим омил сифатида кўрилаётган бир шароитда айнан “ақллар циркуляцияси” ва ёки “ақллар алоқаси” эвазига мамлакатлар фақатгина маҳаллий юқори малакали кадрлар ҳисобигагина таъминлай олмаслиги мумкин бўлмаган ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишлари мумкин бўлади. Бу борада ADBнинг ACEAN мамлакатларидаги ишчи кучи мобиллигини ўрганишга қаратилган ҳисоботида ҳам “brain drain” “brain circulation”га айлантирилгандагина афзалликка эга бўлиши, глобал жиҳатдан боғланган дунёда юқори малакали кадрлар эмиграцияси доим ҳам ёки жуда бўлмаганда узоқ муддатли стратегияда мунтазам ёки соф йўқотиш ҳаракатига эга

²³² Stark, O., & Fan, C. International migration and “Educated Unemployment”. Journal of Development Economics, 2007. 83(1), P.85.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0304387806000629>

бўлмаслиги мумкинлиги, кўпчилик эмигрантлар янги кўникмалар, молиявий ва ижтимоий капитал ҳамда бизнес ва таълим алоқалари имкониятига эга бўлиб қайтишлари таъкидланган.

Ф. Докюр ва Х. Рапорт тадқиқотларида ҳам нафақат инсон капитали, балки, ривожланиш марказлари ва глобал қиймат занжирларига интеграциялашувнинг етишмаслигидан азият чекаётган қуйи суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар айнан “ақллар циркуляцияси” ва “ақллар алоқаси” орқали иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи савдони кенгайтириш, иқтисодий ҳамда билим ва технология ўтказмалари шаклидаги ижтимоий капитал оқимига эга бўлиш билан боғлиқ муаммоларни хал қилишлари мумкинлигини таъкидлайдилар ²³³.

Биз “ақлий салоҳият оқими”ни “ақллар циркуляцияси”сига айлантириш амалиётини аниқ мамлакатлар мисолида таҳлил этиш мақсадида бу борада муваффақиятга эришган Тайвань, Хитой ва Ҳиндистон каби баъзи хорижий шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганишга эътибор қаратдик.

Тайван 1960 йиллардан бошлаб фан ва технология соҳасида жиддий “ақлий салоҳият муаммоси”га учраган мамлакатлардан хисобланади. Ҳукумат чекловларига қарамасдан ўтган асрнинг иккинчи ярмида 100 минг нафар тайванликлар хорижга ўқишга кетиб, уларнинг қайтиш суръати атига 8%ни, маҳаллий таълимдан қоникмаган университет битирувчиларининг олий таълимдан кейинги таълимни давом эттириш учун хорижга кетувчилари улуши, эса 20%ни ташкил қилган.

²³³ Frédéric Docquier, Hillel Rapoport. “Globalization, Brain Drain, and Development.” *Journal of Economic Literature*, vol. 50, no. 3, 2012, pp. 681–730. JSTOR, <http://www.jstor.org/stable/23270475>. Accessed 24 Oct. 2024.

Сиёсий ноқулайлик ярата бошлаган ушбу муаммога ечим сифатида базавий ва профессионал таълим тизимига урғу берган Тайвань ҳукумати аналогик ресурсларга эга бўлган мамлакатларга қараганда каттароқ ҳажмдаги инвестицияларни давлат ва хусусий таълимга йўналтирди. 1960-1990 йиллар давомида ҳукуматнинг таълим тизимидаги инвестицияларининг 80%и бошланғич ва ўрта таълимга қаратилди. Мамлакатда қайта ишлаш саноати ривожланган йилларида профессионал таълим йўналишидаги мактабларнинг битирувчилари учун қулай ва ишончли иш жойи ҳамда барқарор ўсувчи иш ҳақини таъминловчи ўрта малакали ишларнинг кенг миқёсда таклиф қилиниши уларда хорижга кетиш рағбатини сезиларли сусайтирди. Аммо талабалар орасида сифатли таълимни давом эттириш йўли ҳамон хориж билан боғлиқлигича қолаверди. Натижада кучли профессионал таълимга асосланган, мустаҳкам саноат кўникмаларига эга бўлган хорижда таълим ва иш қидираётган талабалар Тайваннынг “юзи” сифатида танила бошладилар.

Хорижга кетган фуқароларининг салоҳиятини ресурс сифатида тўғри баҳолай олган ҳукумат 1970 йиллардаёқ тайвань корхоналари ва хорижга кетган малакали кадрларини боғлашга хизмат қилувчи Миллий Ёшлар кенгашини ташкил этилди. Кенгаш диаспораларнинг маълумотлар базасини кузатиш, маҳалий ва хорижий бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш, потенциал репатриантларнинг йўл харажатлари учун субсидиялар ва вақтинчалик ишга жойлашиш имкониятларини тақдим эта бошлади. Натижада хориждаги минглаб малакали тайванлик мутахассислар мамлакатга қисқа ва узоқ муддатли меҳнат фаолиятига жалб қилинди.

Бошқа томондан эса, мамлакатда мунтазам равишда барқарор иш ҳақиға эга бўлган ўрта малакали кадрлар

сонининг ортиши қўйи технологияларни ишлаб чиқаришга асосланган Тайваннинг аста-секинлик билан хорижий капитал ва эмигрантларнинг техник билимларини жалб қилиш эвазига юқори технологияларга асосланган мамлакатга айланишига олиб келди. Экспорт саноатига асослана бошлаган ва мамлакатда бу соҳадаги кўникмаларни ишлатиш имкониятлари кенгайган Тайваннинг юқори технология ва билимларга эга бўлган хориждаги фуқаролари учун ҳам жозибадорлиги орта бошлади. Бу пайтга келиб, айнан юқори технологиялар ривожини учун зарур бўлган билимларни ўз ватанига узатишга ёки олиб киришга тайёр бўлган, доимий равишда АҚШнинг Кремний водийси ва Тайвань ўртасида “келиб-кейтиб юришдан чарчаган” ва ҳаётининг кўп қисми “ҳаво”да ўтгани учун жамиятда “астронавтлар” номини олган мазкур юқори малакали мигрантлар Тайвань саноатининг қаҳрамонларига айландилар. Натижада 1987 йилга келиб, йирик тайвань фирмалари раҳбарларининг 20%ини хориждан қайтиб келган собиқ мигрантлар ташкил қила бошлади, “ақлий салоҳият оқими” юмшаб, хорижда таълим олган талабаларнинг қайтиш суръатини 33%га етишига, 1985-1990 йилларда юқори малакага ҳамда бизнес юритиш тажрибасига эга қарийб 50 минг нафар мигрантларнинг қайтиб келишига эришилди. Айнан қайтиб келган юқори малакали мигрантлар ҳисобига мамлакатдаги маҳаллий юқори технологиялар соҳасидаги “бум” юзага келди²³⁴.

Тайвань ҳукуматининг “ақлий салоҳият оқими” муаммосини юмшатиш борасида олиб борган оқилона

²³⁴ Kevin O'Neil. Brain Drain and Gain: The Case of Taiwan. Migration policy institute. 2003. September 1// <https://www.migrationpolicy.org/article/brain-drain-and-gain-case-taiwan/>

сиёсатларидан бири бу-1980 йилларда ҳукуматнинг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида Кремний водийси ва бошқа “ақлларни жалб қилувчи марказлар”даги юқори малакали тайванликлар тажрибасини бир жойга жамлашга қаратилган Hinschu илмий тадқиқот-саноат паркининг ташкил этилиши бўлди. Юқори малакали мутахассисларнинг кўникмаларига бўлган юқори талабни сезган ҳукумат ижодкор ва юқори малакали кишиларнинг худди шундай муҳитда яшаш ва ишлашлари учун имконият яратиш эвазига хориждаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қарор қилди. Мазкур паркда жойлашган корхоналарга инфратузилма яратиш мақсадида ҳукумат томонидан ғарб услубидаги яшаш жойларини субсидия асосида тақдим этиш, тижорат хизматларини кўрсатиш, паркдаги мутахассисларнинг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашиши учун фан-технологиялар соҳасидаги халқаро конференцияларни ўтказиш кабиларни тақлиф қилиниши 1987 йилларга келиб, хориждаги, хусусан АҚШдаги юқори малакали тайванликларнинг дастлабки реэмиграция оқимига туртки берди. Паркда тақдим этилган имкониятлар хориждаги тайванлик инвестор ва тадбиркорларни ҳам жалб қилмай қолмади. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида паркдаги 289 та компаниянинг 113 тасига 478 нафари доктор илмий даражасига эга бўлган АҚШдан қайтган репатриантлар томонидан асос солинган. Паркдаги хориждан қайтган репатриантлар сони 1980-2000 йиллар давомида 4.108 кишидан 102 минг кишига етиб, 28 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги сотувга эга бўлган парк Тайвань илмий тадқиқотлар ва ишланмалар тармоғининг юқори суръатлар билан ўсаётган марказига айланган. Кремний водийсида ўз офисларига эга бўлган паркдаги 70 тадан ортиқ компаниялар ўртасида йўлга қўйилган доимий ходимлар алмашинуви

нафақат тайванлик, балки бошқа хорижлик мутахассисларр эвазига ҳам “ақллар циркуляцияси” га хизмат қилишда давом этмокда²³⁵. 2022 йил ҳолатига кўра, Тайвань ЯИМ 720 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 500 га яқин технологик компанияларни ва 150 минг нафар ишчиларни ўзида мужассам қилган Hsinchu паркининг даромади 363 миллиардга тенг бўлган²³⁶.

Иқтисодиётда миграциянинг ўрни ва унга давлат сиёсатининг таъсирини таҳлил қилган олим Кевин Онеилнинг фикрича, “brain drain” билан курашган бошқа мамлакатлардан фарқли равишда Тайвань мазкур жараёндан нисбатан кам харажатлар эвазига ката фойда билан чиққан мамлакатлардан ҳисобланади²³⁷. Юқорида таъкидланганидек, таълимни миллий иқтисодиёт ва ички меҳнат бозори талаб қилаётган даражага (сифатли умумий ва профессионал таълим) мос равишда қўллаб-қувватлаш эвазига ҳукумат мамлакатнинг ўзида жозибадор бандликни таъминлашга ва миграция оқимини қисқартиришга эришди. Ички меҳнат бозоридаги шароит олий маълумотлиларни иш билан таъминлашга қодир бўлмай, унинг талабгорлари хориждан иш қидиришга мажбур бўлиб турган пайтда иш ўрни билан қондирилмаган олий маълумотли кишилар оқимининг катталашиб кетишини олдини олиш мақсадида ҳукумат, маълум бир муддат, яъни ички меҳнат бозори тайёр бўлишига қадар, олий таълимга катта харажатлар ажратишдан тийилди.

²³⁵ Kevin O'Neil. Brain Drain and Gain: The Case of Taiwan. Migration policy institute. 2003. September 1// <https://www.migrationpolicy.org/article/brain-drain-and-gain-case-taiwan/>

²³⁶ Lionel Lim. ‘Success breeds success’: How a 1,400-hectare plot became the hub of the global chip industry—and the world economy// <https://fortune.com/asia/2024/02/11/hsinchu-science-park-chipmaking-hub-taiwan-semiconductors-tsmc-umc-mediatek/>

²³⁷ Kevin O'Neil. Brain Drain and Gain: The Case of Taiwan. Migration policy institute. 2003. September 1// <https://www.migrationpolicy.org/article/brain-drain-and-gain-case-taiwan/>

1991 йилда ҳам мамлакат экспортининг қарийб 30%ини юқори технологияларга асосланиб, йилига 10 мингтадан ортиқ патентлар рўйхатдан ўтказилишига қарамасдан атига 165 нафар илмий даражалар қўлга киритилган. 1990 йилларнинг иккинчи ярмига келибгина, Тайвань тобора технологик жиҳатдан мураккаб ишлаб чиқаришга ўта бошлагач, олий маълумотли кадрларга бўлган талабни юза келиши шароитида ҳукумат олий таълимга эътибор ва инвестиция ажрата бошлади. Шу билан бирга, иқтисодиётда олий таълимга бўлган кескин ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида ҳукумат хорижда қимматга олий маълумотли қўлга киритган тайванликларнинг дастлаб масофадан туриб ўз билим ва тажрибалари билан бўлишиш имкониятларини кенгайтирди, 2000 йилларга келибгина, мамлакатдаги жозибадор шарт-шароитлар уларни қайтишига туртки берди.

Тайваннинг хориждаги ватандошларни жалб қила оладиган имкониятларни яратиш даражасига етгунига қадар ҳам ўз диаспоралари билан яхши йўлга қўйган расмий ва норасмий ҳамкорлик алоқалари мамлакатнинг дастлаб савдо ва хорижий инвестицияларни жалб қила бошлаган йилларидаёқ ватандошларнинг ўз билим ва тажрибаларини ҳамда business networkingларини эркин узатишларига ҳамда мамлакат ўзининг интеллектуал ресурсларидан тўлиқ фойдалана олиш даражасига етганда уларнинг реэмиграциясини осонлаштириш ва жадаллаштиришга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўнгги бир неча ўн йиллар давомида Тайвань иқтисодиётининг барқарор юқори суръатлар билан ўсиши, унинг қуйи даражада ривожланаётган мамлакатлардан юқори суъатлар билан ривожланаётган мамлакатга айланиши, нафақат хориждаги юқори малакали мигрантларнинг қайтиб келишига, балки бошқа ривожланган мамлакатларнинг

иммиграцион модели асосида хориждан қуйи малакали ишчиларни жалб қилувчи мамлакатга ҳам айлантирди.

“Ақлий салоҳият оқими” муаммосини бошдан кечирган яна бир мамлакат бу- ХХРдир. 1978 йилдан кейин Хитой иқтисодиётини либераллаштиришни бошлаган Дэн Сяопин ўзининг “очиқ эшиклар” сиёсати доирасида йилига 3 минглаб талабаларни хорижга, айниқса АҚШга таълим олиш учун юбориши натижасида 1980 йилларга келиб мамлакатда хорижий таълим оммалашаб кетиши кузатилди, аммо ўқишга юборилган талабаларнинг 10%и ҳам қайтмади. 1995 йил ҳолатига кўра, фан-технология соҳасида докторлик илмий даражасига эга бўлган АҚШдаги хитойликларнинг 88%и хорижда қолиб кетган, 1987-1997 йиллар давомида ўқишга кетган 293 минг нафар хитойликларнинг 32%игина ватанига қайтиб келган бўлса, хориждаги таълимини ўз ҳисобидан молиялаштирганларнинг эса, 96%и қайтмаган.

“Ақлий салоҳият оқими” муаммосига дастлаб административ усуллар курашган ҳукуматнинг талабалар эмиграциясини олдини олиш, АҚШга кетадиган хитойлик талабалар улушини 68%дан 20%га тушириш, хориждаги талабаларни ҳукуматга қарши хавф деб билиб, уларга босим ўтказиш, университет ўқитувчиларининг хорижда виза олиш имкониятларини чеклаш, қисқа ёки узок муддатга қайтаётган ватандошларга “меzbонлик” кайфиятида бўлмаслик каби чораларни кўриши кутилган натижаларни бермади ва муаммони кескинлаштирди.

Юзага келган вазиятни ўнглаш мақсадида эмигрантларга нисбатан ўз сиёсатини ўзгартирган Хитой ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун улардан ёрдам сўрашни бошлади. Хорижга кетган талабаларнинг аввалги сиёсий қарашларидан қатъий назар уларнинг жамиятга эркин реинтеграциялашувини кафолатлаб, мамлакатда “Хорижий

таълимни қўллаб-қувватланг, кишиларнинг қайтиб келишини рағбатлантиринг ҳамда уларнинг мамлакатга кириб-чиқишига эркинлик беринг” шиори кенг амал қила бошлади. Юқори малакали репатриантлар учун жозибадор янги муҳитни шакллантириш мақсадида айнан хориждан қайтган талабалар учун Шэньчжэне, Шанхае и Фуцзяне шаҳарларида, кейинчалик улар кетишидан олдин яшаган шаҳарларида иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш, қулай яшаш жойлари ва нисбатан юқори профессионал даражаларни тақдим этиш, уларнинг оила аъзоларининг янги шаҳарларга кўчиб ўтишларига рухсат бериш, илмий-тадқиқот марказлари билан меҳнат шартномасини имзолаганлар учун шартнома муддати ўтгач иш ўринларини алмаштириш, илмий-тадқиқотларни қўллаб-қуввлаш ҳамда хориждан қайтган талабалар ассоциациясини тузиш каби чоралар кўрила бошланди. Хорижда таълим олиб қайтганларга энг яхши имкониятларнинг тақдим этилиши 2007 йилга келиб, хорижга кетган талабаларнинг қайтиш суръатини ўртача 30%га етишига олиб келди. Хусусан, 1978-2010 йиллар давомида хорижда ўқиган 1,9 миллион нафар хитойликларнинг 33%и, 2015 йилни ўзида эса, рекорд даражадаги кўрсаткич яъни 409 минг нафари қайтиб, уларнинг мамлакатдаги жами сони 2,2 миллион кишига етди.

Чекланган ресурслар шароитида бўлган Хитой ҳукумат “ақлий салоҳият оқими”ни “ақллар циркуляцияси”га айлантиришни дастлаб ватандошларнинг хорижда яшаб туриб, мамлакат иқтисодиёти учун ҳисса қўшишларини таъминлашга эришиш ҳамда мамлакатда фан ва технологияни ривожлантириш учун энг аввало, кадрларнинг хорижга бориб таълим олиш ва тажриба орттиришларига имконият яратиш, ундан кейингина, улар учун халқаро бозорда рақобатлашиб,

мамлакатга жалб қилиш лозим, деган сиёсатни мақбул деб ҳисоблади.

Хориждаги хитойликларни доимий кўчиб келишини рағбатлантириш учун давлат ресурсларининг етишмаслигини ҳисобга олган ҳукумат дастлаб уларнинг мамлакатга вақтинчалик ташрифлари ёки тўлиқ бўлмаган қайтишларини таклиф қилиш билан чекланди. Кремний водийси каби йирик “ақллар мараказ”ларда ишлаётган хитойлик муҳандисларнинг тез-тез такрорланиб турадиган қисқа муддатли ташрифлари эвазига диаспоралар ва Хитой ўртасидаги алоқалар ҳамда билим ва технологиялар узатуви мамлакат саноатининг модернизациялашувига катта ҳисса қўшди. Ҳукуматнинг хориждаги ватандошларни маърузалар ўқиш ва қўшма лойиҳаларда иштирок этиш учун қисқа муддатли ташрифларини ташкил қилишдан мақсад ресурсларни тежаш билан бирга уларга Хитойнинг ўзгарганини ҳис қилишлари ва уларда кейинчалик доимий қайтиш ҳиссини рағбатлантириш учун имконият яратиш иборат эди. 1992-1995 йилларда Таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинган бундай қисқа муддатли ташрифлар доирасида 1200 нафар мутахассисларнинг ўз мамлакатлари иқтисодиётига ҳисса қўшишига эришилган. 1997 йилдан бошлаб дастлабки йили 600 нафар, ундан кейинги йилларда эса, ундан кўп ватандошларни қисқа муддатга жалб қилишни молиялаштиришга қаратилган “Эрта баҳорий” ташрифлар, 2000 йиллардан бошлаб эса, хориждаги иш ҳақисига нисбатан 5 барабар кўп иш ҳақини таклиф қилувчи “Ёзги таътил” каби дастурлар йўлга қўйилди. Таълим вазирлигининг “хориждан туриб ватанга хизмат қилиш”га

қаратилган бундай дастурлари 1996-2003 йилларда 7 минг нафар экспатриантларни Хитойга қайтарди²³⁸.

1998 йилга келиб, мамлакат ичида олий таълим тизимини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратилиб, давлат томонидан 9 та университетни жаҳон стандартига олиб чиқиш учун миллиардлаб юань маблағ ажратиш билан бирга университетларнинг хориждаги юқори малакали ватандошларни жалб қилиш бўйича қўшимча имкониятларини ишга солишлари рағбатлантира бошланди. Ўша йилнинг ўзидаёқ 63та университет юқори стандартдаги тадқиқот имтиёзларини тақдим этувчи “100 минг юан иш ҳаққилик профессор”²³⁹, Хитой фанлар академияси “100 та талант” каби турли ҳил дастурларни йўлга қўйди.

Шунингдек, 1999 йилга келиб, мамлакатда хусусий секторни давлат секторига қўшимча эмас, балки миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми, деб эълон қилиниши хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатувчи корхоналарда ишлаш ёки ўзининг хусусий бизнесини ташкил этиш мақсадида бўлган репатриантларнинг ҳам ортга қайтишига туртки бера бошлади²⁴⁰. Тадқиқотларга кўра, юқори технологиялар импортини амалга оширувчи репатриантлар 48%ни, маҳаллий тадбиркорлар эса, 21%ни ташкил қилиши²⁴¹, 100 нафар репатриант тадбиркор ва маҳаллий таълим олган тадбиркорлар солиштирилганда репатриантлар Хитойда мавжуд бўлмаган етакчи технологиялардан 4 маротаба кўпроқ

²³⁸ David Zweig. Competing for talent: China's strategies to reverse the brain drain. International labor review. Volume 145, Issue 1-2. March 2006. P. 75. // <https://doi.org/10.1111/j.1564-913X.2006.tb00010.x>

²³⁹ Yang Gu. Ph.D.s Who Have Studied Abroad Vie for Jobs "100,000-Yuan Professors" Program Goes into Effect in March. *Chinese Education & Society*, 33(5), 57–63. <https://doi.org/10.2753/CED1061-1932330557>

²⁴⁰ Sheff D. China dawn: The story of a technology and business revolution. – HarperCollins Publishers, 2002. // <https://dl.acm.org/doi/abs/10.5555/581800>

²⁴¹ Zweig D, Changgui C, Rosen S. Globalization and Transnational Human Capital: Overseas and Returnee Scholars to China. *The China Quarterly*. 2004;179: doi:10.1017/S0305741004000566

фойдаланишлари маълум бўлган²⁴². Репатриантлар томонидан ташкил этилган янги хусусий корхоналарнинг маҳаллий бандликни таъминлашни ошириши ва ҳукуматнинг солиқ базасини кенгайтиришга ҳисса қўшиши ҳудудлар ва шаҳарлар ўртасида хорижий тажриба эгаларини ёллашга бўлган рақобатни кескинлаштирди.

2001 йилга келиб Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши ортидан кўплаб ТМКларнинг кириб келиши ва уларга ғарб тажрибаси эга бўлган кадрларни ёллаш зарурати ҳам репатриантлар, айниқса Хитойга экспатриат шаклида қайтиш истагида бўлганлар учун жозибадор бўлди.

Университетлар, илмий тадқиқот лабораториялари ва корхоналар ўртасидаги репатриантларни жалб қилиш бўйича рақобат хориждагилар учун жозибадор имкониятларнинг кенгайишига хизмат қила бошлади. Репатриантларни жалб қилиш бўйича муассасалар ўртасидаги рақобатнинг фаоллашуви ўз навбатида ҳукумат томонидан мазкур миграция жараёнларини тартибга солиш тамойилларни ишлаб чиқишга ундади. Бу даврга келиб, нисбатан жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўла бошлаган ҳукумат хориждаги юқори малакали ватандошларнинг нақафат вақтинчалик, балки доимий миграциясига туртки берувчи сиёсатни молиялаштира бошлади.

Глобаллашув жараёнларининг мамлакатларни глобал талантлар бозорида ўзининг ватандошлари учун рақобатлашуви зарурати юзага келтириши Хитой ҳукуматининг янада “эгилувчан” эмиграция сиёсатини ишлаб чиқишга ундади. Эндиликда ҳукумат “Миллий қудратни фан ва таълим эвазига мустаҳкамлаш” ғоясига эришиш мақсадида

²⁴² Zweig D., Chung S. F. Redefining China's Brain Drain: 'Wei Guo Fuwu' and the 'Diaspora Option' //paper prepared for the 40th Anniversary Reunion Conference: The State of Contemporary China, The Universities Service Centre for China Studies, The Chinese University of Hong Kong, Hong Kong. – 2004.

асосий урғуни хорижий инвестицияларни эмас, балки иқтидор ва техник кўникма эгаларини жалб қилишга қаратди. Мейер бошчилишидаги Колумбия тажрибасини ўрганишга бағишланган тадқиқотда бир қатор ривожланаётган мамлакатлар каби Хитой ҳам эмиграция сиёсатида “диаспора модел”ини танлаши²⁴³ унинг хориждан қайтиб келмаган ватандошларини ҳам имкон қадар миллий иқтисодиётни ривожлантиришга жалб қилишдан иборат эди. Бу борада ҳукумат хориждаги талабалари энг зич тўпланган 38 та мамлакатдаги элчихоналарда 52 та таълим бюроларини ташкил қилиб, улар ёрдамида 2000дан ортиқ хориждаги талабалар ассоциациялари ва 300 дан ортиқ хориждаги олимларнинг профессионал ассоциациялари ҳамда ҳар йили Гуанчжода бўлиб ўтадиган “Хориждаги хитойлик илмий-техник олимлар конвенцияси”ни ташкил қилган²⁴⁴. Конвенция доирасида охириги йигирма йил давомида 140 та малакатдан 50 мингдан ортиқ юқори малакали хитойликларни 50 мингдан ортиқ лойиҳаларга жалб қилишга муваффақ бўлинган²⁴⁵.

Шу ўринда Хитойда ҳам Тайваньдаги каби 1990 йилларни охирида кузатилган АКТ “бум”и ҳукуматнинг хориждагиларга қайтиш таклифи билан боғлиқ мурожаатига жавоб беришларига яна бир катта туртки бўлди. Бу имконият хориждаги хитойликларга маҳаллий фирмалар билан алоқа ўрнатиб, патентлаш ва хизматларини экспортини йўлга қўйиш, Хитой инновацион экотизимини ташкил қилувчи

²⁴³ Meyer, Jean-Baptiste; Charum, Jorge; Bernal, Dora, Gailard, Jacques; Granes, José; Leon, John; Montenegro, Álvaro; Morales, Álvaro, Murcia, Carlos; Narváez-Berthelemot, Nora; Parrado, Luz Stella; Schlemmer, Bernard. 1997. “Turning brain drain into brain gain: The Colombian experience of the diaspora option”, in Science, Technology and Society (New Delhi), Vol. 2, No. 2, P.21.// DOI:10.1177/097172189700200205

²⁴⁴ David ZWEIG. Competing for talent: China's strategies to reverse the brain drain. International labor review. Volume 145, Issue 1-2. March 2006// <https://doi.org/10.1111/j.1564-913X.2006.tb00010.x>

²⁴⁵ Guangzhou launches convention to attract overseas talents// <https://www.chinadaily.com.cn/a/202112/17/WS61bc5489a310cdd39bc7c0e9.html>

ишлаб чиқариш тармоқларига кириб олиш, маҳаллий хамкорларга эса, уларнинг халқаро тажрибаси ва ғояларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаб берди. Натижада 1978-2010 йиллар давомида хорижда таълим олган 1,9 миллион хитойликларнинг 30%и ХХРнинг инновацион экотизимига “қайта созланиб” барқарор ўсиб келаётган хитой бозорини таъминлаш мақсадида янги бизнес фаолиятларига киришдилар²⁴⁶.

Шу ўринда 1996 йилда фан ва технология соҳасидаги хорижий мутахассислар, хориждаги ва маҳаллий иқтидорли хитойликларни жалб қилиш мақсадида АКТ буми шароитида ташкил этилган Шенчжен хитой кремниц водийси ва ундаги Tencent, Alibaba group ва Huawei каби компанияларининг “ақллар циркуляцияси”ни рағбатлантиришдаги ўрни юқори бўлган. Хитойнинг илмий даражали мутахассисларининг 1/6 қисмини жалб қилган мазкур водийга 2017 йилда мамлакат қўлга киритган 50 мингта халқаро патентларнинг ярми тегишли бўлган. Peacock Talent Policy доирасида мазкур ҳудудда Нобель ва Turing Award каби халқаро совриндорларга, глобал топ 500 та компаниянинг ижрочи директорларига, олимпия олтин медали эгаларига, дунёнинг машҳур университетлари ҳамда мамлакатдаги халқаро университетларда камида доцент лавозимидагиларга ишлаш имкониятлари яратилган.

2015 йил ҳолатига кўра, хорижда таълимни якунлаган ва аксарияти доктор илмий даражасига эга бўлган хитойликларнинг 79%и мамлакатга қайтиб келган²⁴⁷. Хозирда Хитой фанлар академияси ва Хитой муҳандислар

²⁴⁶ Adam Tyson. The Political Economy of Brain Drain and Talent Capture: Evidence from Malaysia and Singapore .Routledge Malaysian Studies Series. Paperback.2019.P. 163.

²⁴⁷ Grace Yuehan Wang. Talent Migration in Knowledge Economy: The Case of China’s Silicon Valley, Shenzhen// Journal of International Migration and Integration (2022) 23:1175–1196.

академиясининг 120 нафар академики ҳамда Хитойнинг “Talent Green Card”ига бўлган 10 минг ортиқ юқори малакали мутахассилари бўлган Гуанчжода халқаро талантлар зонасини ташкил этишни режалаштирилган²⁴⁸.

Маҳаллий органларнинг ўз техник тараққиётини жадаллаштириш мақсадида йўлга қўйилган преференциал сиёсати доирасида ҳали ҳам Хитойнинг турли шаҳарлари тарафидан хориждаги хитойлик иқтидорлиларни жалб қилиш учун турли жозибадор механизмлар ишлаб чиқишда давом этмоқда. Хусусан, янги ташкил этилган корхоналарга солиқ имтиёзаларининг яратилиши, субсидиялашган, баъзан таннархи даражасидаги тўлов эвазига уй-жой билан таъминлаш, автомобил ва компьютерларни божсиз олиб кириши, репатриантларнинг фарзандларига бепул таълим бериш, турмуш ўртоғини иш билан таъминлаш, узоқ муддатли яшаш рухсатномасини тақдим этиш, хусусий бизнес ташкил қилганларнинг илмий-техник тараққиёт фондларидан фойдаланишда аналогик шароит ва квалификацияга эга бўлган кишиларга нисбатан афзалликлардан фойдаланиши, қайтиб келганларга ёки ўзи билан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта фойда келтирадиган технологияларни олиб келганларга мукофот пули бериш, эркин иқтисодий зоналар доирасида репатриантлар учун “инкубатор корхоналар” ҳамда хусусий бизнесларини йўлга қўйиш учун хорижлик олимлар учун парклар ташкил қилиш каби чоралар хориждаги хитойликларни қайси ҳудуд томон қайрилиш борасидаги қарорларини қабул қилишда шошириб қўймоқда.

Тадқиқотчи Д.Звэйг томонидан хитойлик репатриантлар ўртасида ўтказилган сўровномаларга кўра, “тескари ақлий

²⁴⁸Guangzhou launches convention to attract overseas talents// <https://www.chinadaily.com.cn/a/202112/17/WS61bc5489a310cdd39bc7c0e9.html>

салоҳият оқими”га мамлакатдаги жадал иқтисодий ўсиш, ҳукумат оқилона эмиграция сиёсати доирасидаги ислохотлар, юқори технологик кўникмаларга эга хориждаги мутахассислар учун хусусий сектордаги шароитлар ва рағбатлар ҳамда хорижий инвестициялар учун яратилган жозибадор имкониятлар эвазига кириб келган ТМКлар томонидан ташкил этилган муносиб иш ўринлари муҳим омил бўлиб хизмат қилган²⁴⁹.


2000 йиллар ҳолатига кўра, хориждаги тахминан 1 миллион нафар юқори малакали эмигрантлари ҳисобига ривожланганаётган мамлакатлар ичида Филлипиндан кейинги иккинчи мамлакат ҳисобланган²⁵⁰, 2011 йилга келиб, биргина АҚШнинг ўзида АКТ, бизнес ва молия бошқарув соҳаларида мутахассислари сони тахминан бир миллион нафарга етган, ИХТТ мамлакатларида 60%и олий маълумотлилар бўлган 3,4 миллион нафар мигрантлари фаолият кўрсатган²⁵¹ бўлган, хориждаги талабалари сони бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаган Хиндистоннинг аср бошига билимлар, тажриба, инвестициялар ва бизнес алоқалари билан кириб келиши ҳамда дунёдаги энг юқори молия ўтказмаларига эга мамлакат сифатида тан олиши “ақлий салоҳият оқими” муаммосига бошқача назарга ташлашга ундайди.

1960-1980 йилларда мамлакатдаги юқори малакали ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг номутаносиблиги, муносиб бўлмаган меҳнат шароитлари, иқтисодий муаммолар, илмий-тадқиқот марказлариинг талабга жавоб бермаслиги, эркинликнинг чекланиши ва қуйи даромадлар табиийки “ақллар оқими”ни юзага келтирган.

²⁴⁹ David ZWEIG. Competing for talent: China's strategies to reverse the brain drain. International labor review. Volume 145, Issue 1-2. March 2006// <https://doi.org/10.1111/j.1564-913X.2006.tb00010.x>

²⁵⁰ Docquier F., Rapoport H. Globalization, brain drain, and development // Journal of economic literature. – 2012. – T. 50. – №. 3. – P. 685

²⁵¹ OECD 2013



3.3.1. Расм. Ҳиндистонда 1950-1989 йилларда тайёрланган фан ва технология соҳасидаги мутахассилар сони²⁵²

Манба: *Statistical Tables, Research and Development Statistics, NSTMIS.*

Юқоридаги жадвалдан мамлакат иқтисодиёти ва меҳнат бозори катта ҳажмдаги юқори малакали кадрларни қабул қилиш даражасига етмасдан туриб, фан-технология соҳасидаги кадрлар таклифи кескин суръатларда ошиб кетганини, хусусан, 1960-1980 йиллар давомида кадрларнинг сони илм-фан соҳасида 4,2 марттага, технология соҳасида 3,2 марттага, тиббиёт соҳасида эса, 4,9 марттага, илмий даражалилар сони эса, илм-фанда 8,4, муҳандислик ва технологияда 14, тиббиёт соҳасида 15 баробарга ортганини кўриш мумкин. Бу борада А. Салам яхши кутубхоналар, “соғлом” танқид ва олимларга янги фан тараққиёти ғояларининг етишмаслиги ҳамда ривожланган давлатлар билан алоқаларнинг мавжуд эмаслиги натижасида юзага келган зиёлилар изоляцияси “ақлий салоҳият оқими”га олиб келишини таъкидлайди. Ҳиндистонда ҳам талабдан ортиқ равишда катта ҳажмдаги интеллектуал кадрларнинг тайёрланиши ҳамда уларнинг иқтисодий ва профессионал

²⁵² Jaspertap Singh, V.V. Krishna. Trends in Brain Drain, Gain and Circulation/Science, Technology & Society 20:3 (2015). P.303//DOI:[10.1177/0971721815597132](https://doi.org/10.1177/0971721815597132)

тараққиёти чекланган муҳитда қолиб кетишлари талантлар эмиграциясига туртки берган муҳим омиллардандир. А. Салам 1966 йиллардаёқ етакчи тадқиқотларга асосланган Бомбей Тата институти, Мадрас математика фанлари институти, Лахор атом энергияси институтларида кўплаб малакали кадрлар тўпланганига қарамай, уларнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашмаслиги институтларнинг “қуриши”га олиб келишини таъкидлаган эди²⁵³.

Сухатме ва Махадеванларнинг 25 йил давомида 27 минг нафар мухандисларни тайёрлаган ИТ Bombay доирасидаги тадқиқотлари 1980 йилларда бакалавр битирувчиларининг 37%и, магистрларнинг 16%и ва илмий даражалиларнинг 14%дан ортиғи хорижга чиқиб кетганини, улар орасида “ақлий салоҳият оқими” 30,8%, 13,4% ва 9,8% нисбатларни ташкил қилганини кўрсатади. Шунингдек, ўн йил аввалги битирувчиларининг ҳам 43%и хорижда экани, мамлакатда қолган битирувчилар ҳам аксарияти молиявий имконият топганларида хорижга кетиш истаги борлигини аниқланган.

3.3.1.-жадвал

ИТ Bombay битирувчилари орасида ақлий салоҳият оқими, 1980 йй. (%)

Академик даража	Хорижга кетганлар	Хорижга бориб, қайтиб келганлар	Ақлий салоҳият оқими
BTech	37.51	6.71	30.8
MTech	16.65	3.25	13.4
PhD	14.23	4.43	9.8

Манба: S. P. Sukhatme, & I. Mahadevan. (1988). Brain Drain and the IIT Graduate. Economic and Political Weekly, 23(25), 1285–1293. <http://www.jstor.org/stable/4378638>

²⁵³ A. Salam. The isolation of the scientist in developing countries// Minerva.Vol. 4, No. 4 (September 1966), P.464.// <https://www.jstor.org/stable/41822738>

ИТ Madras битирувчилари ҳолатини ўрганган Анас бошчилигидаги тадқиқотларга кўра, институт дастлаб ташкил қилинган 1959 йилда битирувчилар эмиграцияси 25%ни, 1983 йилга келиб, эса 35%ни ташкил қилганини, фан йўналишлари кесимида эса, битирувчиларнинг энг қуйи миграцияси кузатишган аэрокосмик инженерия соҳасида ҳам 18,4%ни, кимё муҳандислигида ва ва АКТ соҳаларида эса, 44,6% ва 58,5%ни ташкил қилган²⁵⁴.

1990 йилларга келиб, Ҳиндистон асосан АКТ, тиббиёт ва муҳандислик соҳаларидаги профессионал ишчи кучини етказиб беришга асослана бошлаган. 1994-1996 йилларда хинд мигрантлари профессионал ва техник кадр мигрантларнинг дунё бўйича 10%ини, Осиё минтақаси бўйича 22%ини, бошқарув соҳасидаги мигрантларнинг дунё бўйича 7,5%ини, Осиё бўйича эса, 15%ини ташкил қилган. 1990 йилларнинг охирида хиндлар Кремний войдисидаги дастурий таъминот ва муҳандислик соҳасидаги юқори малакали кадрларнинг 28%ини ташкил қилган бўлиб, улар жами стартапларнинг 9%ини, дастурий таъминот соҳасидаги стартапларнинг 70%ини бошқарганлар. 2002 йилда АҚШда Н1-В визасига эга хиндларнинг 73%и АКТ соҳасида банд бўлиб, улар ушбу соҳада берилган жами Н1-В визанинг 60-70%ини ташкил қилганлар²⁵⁵.

1990 йилларга келиб, мамлакат иқтисодиётнинг эркинлаштирилиш, йил-сайин ИТТТКИ харажаларининг ортиши, Ҳиндистон ЯИМ бўйича Хитойдан сўнг иккинчи ўрингача чиқиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошиши, ТМКлар томонидан илмий-тадқиқот институтларининг ташкил қилиниши ҳамда АКТ

²⁵⁴ Jaspertap Singh, V.V. Krishna. Trends in Brain Drain, Gain and Circulation/Science, Technology & Society 20:3 (2015). P.305.//DOI:[10.1177/0971721815597132](https://doi.org/10.1177/0971721815597132)

²⁵⁵ Rupa Chanda, Niranjana Sreenivasan. India's experience with skilled migration// Competing for global talent. P.224

дастурий таъминот соҳасининг ривожланиши ва унинг аҳамиятини ортиши мамлакатда янги “илмий ҳамжамият ва интеллектуал иқлим”ни шаклланишига олиб келди. Бундай жозибадор иқлим шароитида илмий-тадқиқот ва технология соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг ортиши ҳамда аграр, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларидаги инновацион экотизимнинг шаклланиши “ақлий салоҳият оқими”нинг тескари йўналишига туртки бера бошлади. Ҳиндистонда “ақлий салоҳиятнинг қайтиши” асосан АКТ, биотехнология, фармацевтика ва аграр соҳада кузатилди.

1970-1980 йиллардаги “ақлий салоҳият оқими” 1990-2000 йилларга келиб, ҳинд дастурий таъминот экспортёр компанияларининг ўн йиллик давомида йилига 20-25% лик ўсиши эвазига “ақлий салоҳият оқимининг қайтиши”га турки берди ва ХХІ аср хинд АКТ соҳасининг бурилиш даврини юзага келтирди. Мамлакатга иқтидорли хиндларни қайтаришда АКТ, хусусан ИТ ва ВРО соҳалари тараққиёти муҳим аҳамия касб этган бўлиб, мазкур соҳадаги репатриантлар даромадларининг 30-40%гача қисқаришига тайёр бўлиб қайтганлар. 2002-2004 йиллар давомида мамлакатга қайтган профессионалларнинг сони 6.000 кишидан 10.000 кишига, АКТ соҳасида 20 минг кишидан 29,250 тага етган бўлиб, уларнинг 30-40%и оффшор АКТ хизматлар соҳасига жойлашган²⁵⁶. Мамлакатда оффшорингни ривожланиши Intel ва IBM каби йирик компанияларнинг Хиндистонга кириб келишига ва Infosys, TCS, Wipro каби хинд АКТ компанияларининг глобал миқёсга чиқишига ҳамда Бангалор, Хайдарабод ва Дели каби шаҳарларда дастурий таъминот паркларининг юқори суръатлар билан ривожланиши хориждаги ватандошларни ТМКлардан ҳам кўра, шундай

²⁵⁶ Rupa Chanda, Niranjana Sreenivasan. India's experience with skilled migration// Competing for global talent. P.228, 231

йирик хинд компанияларига ишга жойлашишга рағбатлантира бошлади.

2005-2006 йилларда Хиндистоннинг дастурий таъминот соҳасидаги йигирмата йирик экспортёрларининг айнан 12 таси АКТ соҳасидаги репатриантлар учун коридор вазифасини бажариб, уларга Бангалордаги қароргохларида бандлик ва карьера имкониятларни тақдим этганлар. Бангалор технологик паркларидаги халқаро компанияларнинг 95%и хорижда, асосан АҚШдан қайтган юқори малакали хинд репатриантлари томонидан бошқарилиб, у ердаги General Electric's John F Welch Technology марказидаги ИТТКИ соҳа кадрларининг ҳам учдан бири АҚШда ишлаган эмигрантлар бўлган²⁵⁷.

2000 йилларга келиб, Кремний водийсида бошланган рецессия ва Хиндистонда профессионал имкониятларнинг кенгайиши АҚШ ва Ҳиндистон ўртасида “ақлий циркуляция”ни бошлаб берди. Хусусан, 1999 йилда СММ 5-даражали сертификатга эга бўлган Wipro ва Infosys каби 10 та хинд компаниялари бўлган бўлса, шуларнинг 6 таси АҚШда бўлиб, 2003 йилга келиб, уларнинг сони 60 тага етган. Ҳинд компанияларининг бундай юқори рейтингларга эришиши уларга етакчи иқтисодиётларга узлуксиз равишда дастурий таъминот экспортини йўлга қўйишлари учун имконият яратди. 2000 йилларга келиб, Ҳиндистонда дастурий таъминот тармоғи даромадларининг 70%и экспортдан бўлиб, унинг 62%и Шимолий Америкадан келган. Бундай корхоналарнинг ярмидан кўпи аввалги бизнес алоқаларига эга бўлган

²⁵⁷ Saxenian, A. The Silicon Valley Connection: Transnational Networks and Regional Development in Taiwan, China and India. *Science, Technology and Society*, (2002). 7(1), 117-149. <https://doi.org/10.1177/097172180200700106>

репатриантларнинг АҚШдаги ҳамкорлари томонидан субсидиялаштирилган²⁵⁸.

Мамлакатнинг АКТ саноати 1997 йилдаги ЯИМнинг 1,2%ига тенг бўлган 5 миллиард АҚШ долларлик қийматдан 2010 йилга келиб, 20 бараварга ортиб, ЯИМнинг 6,5%га тенг бўлган 100 миллиард АҚШ доллари қийматига етиб, Хиндистонни дунёдаги “АКТ державаси”га айлантирди. 2011 йилга келиб, Бангалор, Хайдарабод ва Делидаги 60%дан ортиғи АКТ соҳасида бўлган ТМКларнинг 471 та илмий-тадқиқот марказларининг ташкил этилиши, венчур орқали капиталларнинг жалб қилиниши, хизматлар таъминотчиси сифатида ҳинд АКТ фирмаларидан кенг фойдаланиши ҳамда бош ва периферия офислари ўртасидаги кадрлар мобиллигини “ақлий салоҳият қайтиши”ни “ақллар циркуляцияси” билан уйғунлаштирди. Хусусан, 2000 йилларда АҚШ корпорацияларининг бошқарув бўғинларидаги ҳинд мигрантларидан иборат респондентларнинг 12%и Хиндистонга қайтиш қарорини қабул қилиб бўлганини, 68%и бу борада имкониятларни излаётганини маълум қилганлар²⁵⁹.

Шунингдек, Хиндистондаги “ақллар циркуляциясининг” муваффақиятида айнан ҳинд эмигрантларининг АҚШдаги Кремний водийсида жойлашган Indus Entrepreneurs (TiE) ва Silicon Valley Indian Professional Association (SIPA) ва Бангалордаги АКТ кластерлари ўртасида йўлга қўйган ҳамкорлик алоқалари муҳим роль ўйнади. Хиндистонда АКТ жадал суръатлар билан ривожлана бошлаган йиллари ҳукумат мамлакатда дастурий таъминот фирмаларини тузиш учун

²⁵⁸ Uwe Hunger. The “Brain Gain” Hypothesis: Third World Elites in Industrialized Countries and Socioeconomic Development in their Home Country. CCIS 2002. Working paper 47. P.14.// <https://escholarship.org/uc/item/9jh5k800>

²⁵⁹ Rupa Chanda, Niranjana Sreenivasan. India’s experience with skilled migration// Competing for global talent. P.228, 231

Кремний водийси каби худудлардаги минглаб мутахассисларни турли муддатларга жалб қилди. Хориждаги ҳинд муҳандислари ва дастурчилари мамлакатдаги стартап компанияларини венчур капитали билан таъминлаш, мамлакатга лойиҳаларни жалб қилиш ва хорижий мижозлар билан алоқа ўрнатишда “кўприк” бўлиш ва ҳинд компанияларининг аутсорсинг хизматларини осонлаштириши орқали хорижий инвесторлар учун Ҳиндистонни инвестициялар учун хавфсиз маркази сифатида танитишга хизмат қилдилар. Хорижда бошқарув мансабларида ишлаган ҳинд репатриантлари мамлакатда ТМКларнинг филиалларини ташкил этиш ва бошқаришга кўмак бердилар. АҚШда ишлаган ҳинд репатриантлари IBM India каби АКТ илмий-тадқиқот лабораторияларини очиш, АҚШ инвестициялари ва аутсорсинг шартномаларини назорат қилиш ҳамда ҳинд мутахассисларини АҚШ стандартлари ва самарадорлигига мувофиқ равишда бошқариш мақсадида қайтиб келганлар.

Шу ўринда АКТ тармоғининг бандлик ва экспорт даромадларини оширишдаги ролини ҳамда кадрларнинг трансчегаравий ҳаракатининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳукуматнинг ҳинд АКТ мутахассисларининг бошқа бозорларга ҳам чиқиш учун вақтинчалик миграциясини енгиллаштириш қарор ижобий аҳамият касб этди. Ўтказилган сўровномалар хорижга кетган респондентларнинг 85%и кейинчалик Ҳиндистонда юқори даражада кадрланадиган тажрибага эга бўлиб қайтиш миграциянинг энг муҳим омили бўлганини маълум қилганлар. Саксениан тадқиқотлари доирасидаги сўровномаларда респондентларнинг ярмидан кўпи ўша даврдаги қисқа муддатли меҳнат шартномларининг турли хил муҳитда ишлаш имкониятини бергани учун анча жозибадор эканини таъкидлаганлар. Ўз навбатида, Чако ва Хадрия тадқиқотларида ҳам репатриантларнинг билим ва

кўникмаларни маҳаллий корхоналар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатганини таъкидлаган респондентларнинг аксарияти қисқа муддатли, узоғи бир йиллик меҳнат шартномлари асосида хорижга бориб ишлаб келишни афзал кўришларини ва улар хориждаги ҳамкасблари ва иш жойлари билан алоқаларни сақлаб туришларини муҳим эканлигини таъкидлаганлар²⁶⁰. Хиндистонга тез-тез келиб турадиган ва хорижда узоқ муддат қолиб кетмаган юқори малакали ҳинд мигрантлари анчадан бери хорижда бўлган мигрантларга нисбатан мамлакатни ривожлантиришга 3,5 маротаба кўпроқ қизиқиш билдирадилар²⁶¹. Тадқиқотчи Саксенианнинг 2273 та ҳинд профессионал эмигрантлари ўртасида ўтказилган сўровномаси иштирокчиларининг 80%и доимий равишда АҚШда ва Хиндистонда ишлаш ва бизнес қилиш имкониятлари ҳақида маълумот алмашишларини, 67%и маслаҳатчи бўлиб ишлаши ёки бизнес шартномаларини имзолашга ёрдам беришини, 18%и маблағларини Хиндистондаги стартап ва венчур фондларига тикканликларини маълум қилган²⁶².

АКТ соҳаси билан солиштириганда тиббиёт соҳасидаги репатриантлар сони камроқ улушни ташкил қилсада, мутахассисларнинг орттирган билим ва технологиялардан ташқари, Ғарб ва Яқин Шарқ тажрибасига асосланган тиббиёт соҳасидаги тадбиркорлик кўникмалари соғлиқни сақлаш соҳасига катта ҳисса қўшди. Беморлар консилиуми, рақамлашган рўйхатга олиш, семинарлар ташкил қилиш, мунтазам равишда ходимларни малакасини ошириш, сўнгги

²⁶⁰ Jaspertap Singh, V.V. Krishna. Trends in Brain Drain, Gain and Circulation/Science, Technology & Society 20:3 (2015). P.305.//DOI:[10.1177/0971721815597132](https://doi.org/10.1177/0971721815597132)

²⁶¹ Zakaria Siddiqui , Gabriela Tejada. Development and Highly Skilled Migrants: Perspectives from the Indian Diaspora and Returnee/International development policy//
<https://doi.org/10.4000/poldev.1720>

²⁶² Nanda, R., & Khanna, T.M. (2009). Diasporas and Domestic Entrepreneurs: Evidence from the Indian Software Industry. *ERP: Human Capital (Sub-Topic)*.

технологиялардан фойдаланиш каби тажрибалар айнан репатриантлар томонидан олиб кирилиб, мамлакатда Осиёдаги энг катта Apollo каби жаҳон стандартидаги касалхоналарни ишга туширилди. Хусусан, Хайдарободдаги хусусий касалхоналарнинг аксарият асосчилари репатриантлар бўлиб, уларнинг 1/3 қисми Яқин Шарқ минтақасида фаолият кўрсатган.

Ҳиндистон ҳукуматининг хориждаги ҳинд диаспораси, The Indus Entrepreneur (TiE), Кремний войдийсидаги ҳинд мухандислари ассоциацияси, NASSCOM дастурий таъминот ва хизматлар ишланмалари Миллий ассоциацияси, AIF Америка-ҳинд фонди кабилар билан фаол алоқалари ақллар циркуляциясида муҳим ўрин эгаллади. Шу билан бирга ҳукумат томонидан хориждаги мутахассисларни жалб қилиш учун ойлик молиялаштириш ва илмий тадқиқот грантларини таъминлашга қаратилган бир қанча дастурлар ҳам ишга туширган. Хусусан, БМТ томонидан молиялаштирилган дастлабки Knowledge through Expatriate Nationals (ТОКТЕН) дастури, АҚШ ва Буюк Британиянинг етакчи университетларида фан, технология ва медицина соҳасидаги докторантурани молиялаштиришга қаратилган SERB хорижий докторантура дастури, биомедицина соҳасидаги Wellcome—DBT India Alliance дастурлари, Migration, Scientific Diasporas and Development лойиҳаси шулар жумласидан. Хусусан, хориждаги илмий даражали ҳиндистонлик мутахассисларни 5 йил давомида Ҳиндистондаги исталган муассасаларда илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишларига имкон берувчи қисқа муддатли Ramanujan дастури 2014-2016 йиллар давомида 123 нафар²⁶³, Ramalingaswamy Re-entry Fellowship

²⁶³ 373 Indian scientists from foreign institutes returned home between 2014-16: Government// <https://www.newindianexpress.com/nation/2017/Aug/02/373-indian-scientists-from-foreign-institutes-returned-home-between-2014-16-government-1637447.html>

Ramalingaswami дастури 2006 йилдан бери 550 нафар биотехнологларнинг мамлакатга бутунлай қайтишига туртки берган²⁶⁴.

Рекрутинг компаниялари технология, АКТ, биотехнология, туризм, тадқиқот, ВРО соҳасида банд бўлган хориждаги юқори малакали хинд мигрантлари фаол равишда Хиндистонда иш қидиришга киришганликларини маълум қиладилар. Бангалор, Мумбай ва Нью Дели шаҳарларидаги хорижий компаниялар томонидан оффшор ва филиал корхоналарнинг ташкил қилиниши ва ВРО марказларининг кенгайиши тажрибали хинд мутахассисларига бўлган талабни ошираётган бўлса, ВРО соҳасида инглизча сўзлашмайдиган мамлакатлар ва минтақалар билан ҳам алоқаларнинг кучайиши хориждан хинд бўлмаган мутахассисларга ҳам бўлган талабни шакллантирмоқа. Бунга Лондоннинг Ebookers Plc он-лайн турагентлигининг Хиндистондаги Tecnovate ВРО фирмасининг инглиз тилидан ташқари фин, француз, немис, норвег ва швед тилларидаги хизматларини йўлга қўйиши мисол бўла олади.²⁶⁵

Мамлакатда “ақллар қайтиши” ва “ақллар циркуляцияси” муваффақиятли кечаётганининг исботловчи асослар талайгина. Бангалордаги АКТ репатриантларининг ҳеч бири хорижда қолишга интилмай қўйиши, Хиндистон Фан ва технология департаменти(DST)нинг 1990-2008 йилларда қайтиб келган интеллектуал репатриантлар орасида ўтказган сўровномасида иштирок этган респондентларнинг 57%и мамлакатга қайтгач ўзлари ишлаётган соҳага ҳисса қўшганликларини, 9%и АКТ, биотехнология, фармацевтика ва аграр соҳаларда янги лойиҳаларни бошлаганликларини, 7,2%и

²⁶⁴ Big ideas: India's drive to stem the brain drain// <https://www.nature.com/articles/d41586-023-03915-5>

²⁶⁵Rupa Chanda,Niranjana Sreenivasan.India's experience with skilled migration// Competing for global talent. P. 235

мавжуд лойиҳалар учун янги жараёнларни ишлаб чиққанликларини, 4%га яқини эса, янги махсулотлар ишлаб чиқарувига асос солганликларини таъкидлашлари шулар жумласидандир. Сиддику ва Тежада тадқиқотлари доирасида 527 нафар репатриантлар билан ўтказилган сўровнома, жами респондентларнинг 74%и, улар орасидаги илмий даражалиларнинг эса, 90%и хорижда эгаллаган тажрибаси билан мамлакатни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини, уларнинг деярли ярми (47%) ўзларини жамиятдаги тараққиёт агентлари сифатида кўришларини маълум қилганлар²⁶⁶.

Шу ўринда 1990 йилларнинг охирида Кремний водийсидаги стартапларнинг ҳар 10 тадан 3 тасини бошқарган хитойлик ва ҳиндистонлик мигрантлар бугунги кунга келиб, ўз ватанларидан арзон талантларни ва молияни жалб қилган ҳолда фаолиятини давом эттираётган, баъзилари эса, ватанида ўз бизнесларини ташкил қилган, аммо Кремний водийсидаги ҳамкорлари ва мижозлари билан алоқаларни давом эттираётган глобал тадбиркорларга айланиб, ҳам АҚШ, ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг тараққиёти учун хизмат қилаётганликларини таъкидлаш лозим. 2004 йил ҳолатига кўра, венчур ва инвестицион компаниялар томонидан Хитой ва Ҳиндистонга ҳар йили тахминан 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлиб, у маҳаллий тардбиркорликни қўллаб-қувватловчи маҳаллий экотизим ва тараққиётнинг ҳаётий муқобил иимкониятларини тақдим этувчи трансмиллий корпорацияларнинг ривожланишига туртки берган²⁶⁷.

²⁶⁶ Zakaria Siddiqui , Gabriela Tejada. Development and Highly Skilled Migrants: Perspectives from the Indian Diaspora and Returnee/International development policy// <https://doi.org/10.4000/poldev.1720>

²⁶⁷ Saxenian A. L. The new argonauts: Regional advantage in a global economy. – Harvard University Press, 2006.// https://people.ischool.berkeley.edu/~anno/Papers/IMF_World_Bank_paper.pdf

Юқоридаги таҳлиллар хорижда тажриба орттирган тайван, хинд ва хитойлик юқори малакали репатриантлар бевосита мамлакатга қайтиб келиб, технология ва ноу хауларни узатиш, бизнес фаолиятига асос солиш ёки билвосита яъни, мамлакат сиёсати ёки институционал муҳитни шакллантириш орқали мамлакат тараққиётига таъсир қилганини, иқтидорли ватандошлар хориждан туриб ҳам илмий ва академикни ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали ўзларининг трансмиллий алоқаларини ривожлантиришга эришганликларини кўрсатади.

1980 йилларда ўзининг арзон компьютер компонентлари билан машҳур бўлган Тайвань бугунги кунда компьютерларни ўзини ва электрон тизимларини ишлаб чиқарувчи йирик бозорга, 1990 йилларда интернет корхоналари билан танилган Хитой симсиз технологиялар ишланмаларининг етакчи ишлаб чиқарувчисига, 1990 йилларда меҳнатга асосланган кодлаш ва дастурий таъминот хизматининг етказиб берувчиси бўлган Ҳиндистон эса, дастурий таъминот билан шуғулланувчи жаҳондаги етакчи компанияларни йирик миқёсдаги лойиҳаларни бошқариш учун хинд муҳандислари билан таъминлаётган мамлакатга айланди. Ҳозирги кунда АҚШ ишлаб чиқарувчилар глобал логистика ва дизайнда Тайвань, АКТ ишлаб чиқаришда Хитой, мураккаб дастурий таъминот хизматлари ва консалтинг лойиҳаларида Ҳиндистон каби мамлакатлардаги ҳамкасбларига ҳамкорликда ишлаб чиқариш учун мурожаат қилмоқдалар. Ушбу жараёнлар ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириши билан бирга ўзаро инновация ва модернизация жараёнларини қўллаб-қувватлади. Мазкур тажриба оқилона эмиграция сиёсати мамлакатни ресурслардан айрилишига эмас, унинг турли заифликларини

тўлдиришга хизмат қилишга йўналтира олиши мумкинлигини кўрсатади²⁶⁸.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диаспоралар мамлакатда жисмоний жиҳатдан кўриниш бермасалар ҳам, аммо уларнинг қайтишлари орттирилган тажриба, билим, кўникмалардан иборат ижтимоий ўтказмалар, “меzbон” мамлакатда орттирган нетворкинг ва бизнес алоқалари каби ижтимоий капитал ҳамда молиявий капитал шаклида мамлакатга кириб келади.

III БОБ бўйича хулосалар

АҚШ ва Бирлашган Қиролликнинг бутун дунё бўйлаб юқори малакали кишиларни жалб қилиш ва ушлаб туришга қаратилган тажрибаси интеллектуал миграция реципиент мамлакат учун ҳар тарафлама муҳим аҳамият касб этишини, иқтидор эгалари учун рақобат кескинлашаётган бир пайтда юқори уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш учун очик ва қулай муҳитни таъминлаш реципиент мамлакатларда иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва инновацияларни қўллаб-қувватлашдек муҳим мақсадларга эришишда ўта зарур эканлигини кўрсатади. Реципиент мамлакатларда фан, таълим ва соғлиқни сақлашдан бошлаб технологиялар ва молия каби соҳаларнинг ўсиши ва ривожланишида ҳамда корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб қолишда интеллектуал мигрантларнинг тажрибаси ва ҳиссаси беқиёс

Юқори малакали кадрларнинг йўқотилиши эвазига донор мамлакатларнинг харажатлари мазкур мигрантлар ҳисобига мамлакатга киритиладиган пул ўтказмалари ва билимлар трансфери ҳисобига кўриладиган фойдадан ортиб

²⁶⁸ Saxenian A. L. The new argonauts: Regional advantage in a global economy. – Harvard University Press, 2006.// https://people.ischool.berkeley.edu/~anno/Papers/IMF_World_Bank_paper.pdf

кетиши “ақлий салоҳият оқими”ни юзага келтиради. Юқори малакали мигрантлар ИХТТ мамлакатларидаги 4%, ўрта даромадли мамлакатлардаги 10% ва қуйи даромадли мамлакатлардаги 20% юқори малакали аҳолининг улушини ташкил этади. Олий маълумотли мутахассислар бошланғич маълумотга эга мутахассисларга нисбатан 7,3 маротаба, ўрта маълумотли мутахассисларга нисбатан эса, 3,5 маротаба кўпроқ миграцияни амалга оширадилар

“Ақлий салоҳият оқими” билан курашган бошқа мамлакатлардан фарқли равишда Тайвань мазкур жараёндан нисбатан кам харажатлар эвазига ката фойда билан чиққан мамлакатлардан ҳисобланади. Унинг хориждаги ватандошларни жалб қила оладиган имкониятларни яратиш даражасига етгунига қадар ҳам ўз диаспоралари билан яхши йўлга қўйган расмий ва норасмий ҳамкорлик алоқалари, ватандошларнинг ўз билим ва тажрибалари ҳамда business networkingларини эркин узатишларига шароит яратиши ҳамда мамлакат ўзининг интеллектуал ресурсларидан тўлиқ фойдалана олиш даражасига етганда уларнинг реэмиграциясини осонлаштириши ва жадаллаштириши бу соҳада муваффақиятга эришишига олиб келди.

“Ақлий салоҳият оқими” муаммосига дастлаб административ усуллар курашган чекланган ресурслар шароитида бўлган Хитой ҳукумати “ақлий салоҳият оқими”ни “ақллар циркуляцияси”га айлантиришни дастлаб ватандошларнинг хорижда яшаб туриб, мамлакат иқтисодиёти учун ҳисса қўшишларини таъминлашга эришиш ҳамда мамлакатда фан ва технологияни ривожлантириш учун энг аввало, кадрларнинг хорижга бориб таълим олиш ва тажриба орттиришларига имконият яратиш, ундан кейингина, улар учун халқаро бозорда рақобатлашиб, мамлакатга жалб қилиш сиёсатини танлади.

